



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ (Тасвирий санъат)

Тасвирий санъат фанларининг
инновацион тараққиёти ва стратегиялари

МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Тасвирий санъат ва муҳандислик гарафикаси (Тасвирий санъат)
йўналиши**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА
СТРАТЕГИЯЛАРИ**

модули бўйича

ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Б.БАЙМЕТОВ – Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси, педагогика фанлари номзоди, профессор

Тақризчилар:

К.ЕРАЛИН - «Международного Казахско-Турецкого университета имени К.А.Ясави» д.п.н., профессор

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги
1/3.5- сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	25
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ	70
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	134
VI. ГЛОССАРИЙ	141
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	158

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Тасвирий санъат фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi:**

“Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни

ўтказиш ва назорат қилишнинг фаол шаклларини”, “ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг дикқатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини”, “талабалар билимини, кўнишка ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини”, “ўқитиши сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни”, “педагогик мулоқот асосларини”, “илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методларини” кабиларга оид **билимларга эга бўлиши**;

“Тасвирий санъат фанларини ўқитишда ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш”, “Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талаба ва ўқувчиларнинг билими ва мустақил таълимини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминоти”, “Ўқув-методик тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш”, “Тасвирий санъатдан топшириқлар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиши воситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиш”, “Янги педагогик технологиялар, уларни тасвирий санъат фанларини ўқитишда кўллаш” кабиларга доир **кўникамларини эгаллаши**;

- тасвирий санъат фанларини инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- тасвирий санъатни ўқитишда инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиши орқали таълим жараённида ижодий мухитни яратиш;
 - инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;
 - тасвирий санъат билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғулаштиришга эришиш;
 - инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши**;
 - педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
 - таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
 - инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (**кейс стади**), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
 - тингловчиларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тасвирий санъат фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модулини ўқитиши жараённида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билим боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тасвирий санъат фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Таълимда илғор хорижий тажрибалар”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ва “Тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикаси” модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Тасвирий санъат фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”ни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумлада н			
			Жами	Назарий	Амалий			
1.	Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.	2	2	2			-	
2.	Тасвирий санъат фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши.	2	2			2	-	

3.	Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.	4	4	2	2	-
4.	Тасвирий санъатда амалий перспективанинг қўлланиши.	2	2		2	-
5.	Шакларнинг конструктив тузилиши. Тасвирий санъатда композиция масалалари. Академик ва ўқув вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари. Қаламчизги ва кораламалар. Шакларнинг конструктив қурилиши. Шакларнинг конструктив тузилиши. Тасвирий санъатда композиция масалалари.	4	4	2	2	-
6.	Тасвирий санъатда пластик анатомиянинг ўрни.	4	4	2	2	
Жами:		18	18	8	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари, гоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.

Тасвирий санъатни ўқитиши методикаси хақида умумий тушунча. Методика. Умумий методика. Хусусий методика. Методика тарихи. Ўқитиши методикасига бўлган қарашлар. Методиканинг педагогика, психология, санъатшунослик, эстетика соҳасидаги алоқалари.

2-мавзу: Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.

Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар. Тасвирий санъат фанини ўқитишида қўлланиладиган инновацион технологиялар.

3-мавзу: Шакларнинг конструктив тузилиши. Тасвирий санъатда композиция масалалари.

Бадиий асар композициясини яратишида чизиқли конструктив қурилиш методларидан фойдаланиш. Ушбу соҳада ижод қилган олим ва рассомлар

асарлари таҳлили.

Тасвирий санъат намуналарини яратишда композиция масалалари. Буюк санъат усталарининг асарларида композиция масалалари ва уларнинг назарий таҳлили.

Акдемик ва ўқув вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари. Қаламчизги ва қораламаларнинг катта санъат асарларини яратишдаги ўрни. Жаҳон бадиий таълим соҳасида ижод қилган назариётчи олимлар ва рассомларнинг асарларининг методик таҳлили.

4-мавзу: Тасвирий санъатда пластик анатомиянинг ўрни.

Инсон ва ҳайвонлар тасвирий шакллантиришда пластик анатомиянинг ўрни. Инсон психологиясининг портретда қўлланиши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Тасвирий санъат фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши.

Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши. **Тасвирий санъат** фанларининг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даври Тасвирий санъатининг ривожланиши. Олий педагогик таълимда тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий маҳоратлари ва ижодий қобилияtlарини шакллантириш. Тасвирий санъат турлари. Тасвирий санъат жанrlари Ўзбекистонда тасвирий санъат фанининг тараққиёт йўналишлари

2-амалий машғулот: Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанининг ўқитиша инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.

Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг мазмуни. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг аҳамияти. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг методлари. Ўзбек миллий бадиий ижодкорларининг санъат асарларидан намуналар ёрдамида инновацион таълим жараёнини ташкил этиш методлари.

3-амалий машғулот: Тасвирий санъатда амалий перспективанинг қўлланиши.

Мазкур мавзуда тавирий санъатданинг назарий асослари: композиция, чизиқли конструктив қурилиш, шаклларнинг нисбатлари, амалий машқлар жараёнида ўқув постановкаларини ташкил этишда шаклларни танлаш усуллари, ёруғ-соя муносабатлари, нисбатлар, ўқуввазифаларини методик изчилликда тўғри тасвирлаш усуллари хақида баён этилади.

4-амалий машғулот: Шаклларнинг конструктив тузилиши.

Тасвирий санъатда композиция масалалари.

Планшет, Оддий қора қалам, кўмир таёқчалар, Фазовий перспектива, уфқ чизиги, кириш майдони, буюм текислиги, сурат текислиги, перспектива қонуни, конструктив тузилиш, ёруғлик, соя, қонун қоидалар, ибтидоий давр, машҳур рассомлар,

Инсон портретини тасвирлашда тасвирий санъат қонун-қоидаларидан фойдаланиш.

Шакл композицияси, конструктив тузилиши, пластик хусусиятлари, анатомик тузилиши, академик тавсирлашда туслар муносабатлари.

Ўзбек миллий ва шарқ миниатюра санъати. Ўзбек миллий ва шарқ миниатюра санъати, ривожланиши, тараққиёт босқичлари, асарлар таҳлили.

5-амалий машғулот: Тасвирий санъатда пластик анатомиянинг ўрни.

“Пластик анатомия”, Гиппократ, суяклар, пайлар, мускуллар, Алкмеон Кротонский, «Қадимги медицина тўғрисида», «Суякларнинг синиши тўғрисида», Таянч тизими, Одам скелетининг тузилиши, суякларнинг бирикиши (бойламлар, тогай ва чоклар, бўғимларнинг шакллари, уларнинг ҳаракатлари), Чаноқ камари ва эркин оёқ суяклари ҳамда уларнинг пластикаси, оёқ бўғимларининг ҳаракатлари, Бош скелети ва унинг пластикаси. Синдесмозлар, Синхондроз (Synchondrosis), Синостоз (Synostosis), энса суяги, ташқи энса дўмбоги, чакка суяги чакка суягининг сўрғиҳисимон ўсимтаси, ташқи эшитув йўли, паст жағбилиларни бирикадиган бўғим чуқурчаси паст жағнинг бўғим ўсимтаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, роли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари кўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиягининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим оловчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методdir. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим оловчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки

билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий хужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий хужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш қўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

“Ақлий хужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда-янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар мухокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯҳланади;
5. Юқорида кўйилган саволга аниқ ва түғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни түғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гурӯҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурӯҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод кўлланилганда таълим олувчи кичик гурӯҳларда ишлаб,

дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласидилар.

6. Бажарилган топшириқлар мұхокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар бағоланади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мұлоқотта киришиш күнікмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро бағолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичидаги ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра сұхбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар мұхокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг мұхокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.




Белгилар:

- 1-таълим оловчилар
- 2-айлана стол

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Яқуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган



“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда нечта таълим оловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим оловчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим оловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим оловчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варагалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варагалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йигиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра сухбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра сухбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали қўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустакил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар хақида

олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якунний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиши)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Хар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод кўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказиша қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг тақрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат.

Қуида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва тахлил қиласида.
5. Тахлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундейди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва тахлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.


“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли

вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методdir.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим оловчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим оловчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим оловчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим оловчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.

4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим оловчиларда мустақил фикрлаш қобилияtlарини шакллантиради;
- таълим оловчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим оловчиларнинг билим ва қобилияtlарини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим оловчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:


- таълим оловчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим оловчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

“Лойиҳа” методи - бу таълим оловчиларнинг индивидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиши, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим оловчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим оловчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим оловчилар нуктаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва

у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топширик бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Тасвирий санъат ўқитувчилини лойиҳа иши бўйича топширикларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириқка оид маълумотлар йигадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варакаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равища амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурӯҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурӯҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш ва рақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гурӯҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Тасвирий санъат ўқитувчиси ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сұхбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Тасвирий санъат ўқитувчиси “Лойиха” методини қўллаши учун топширикларни ишлаб чиқиши, лойиха ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиха иши билан таништириши, лойихалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиха” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурӯҳий иш;
- жамоа иши.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари, ғоялари гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.

Режа:

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари.

1.1. Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари

1.2. Тасвирий санъат фанларининг тамойиллари

1.1. Олий педагогик таълимда тасвирий санъат фани ўқитувчиларининг ижодий қобилияйтларини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ҳар жабҳада ижодий ўзгаришлар, юксалиш сари бораётгани қувонарли ҳол. Миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ота-боболаримиз қолдирган бой тажриба ва илмий мероснинг қадрига этиш ва улардан ўз ҳаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, бугунги биз эришган ва эришаётган, ҳозирги вақтда хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор ҳайрли ишларни таъкидлаш кишида фахр туйғусини уйғотади. Дарҳақиқат, инсоннинг маънавияти ва маданиятини, миллий қадриятларни янада юқори босқичларга кўттармасдан туриб, янгича жамиятни, янгича ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён.

Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари тасвирий санъат тизимида яққол намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда педагогика фани ўз олдига янги вазифаларни қўйди. Зоро, бошқа соҳалар билан ҳамоҳанг тарзда илм ва санъат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар даври кечмоқда.

Бу ўзгаришлар ёш авлодда нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида:

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълиим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик таълим технологияларини, электрон дарсликлар, мултимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали соҳалардаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилана ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш;

- илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш режалаштирилди ва амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини вужудга келтириш соҳасида кейинги йилларда муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Таълим бериш самарадорлигини ва ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашни тубдан яхшилашга янада чуқурроқ аҳамият берилла бошлади. Маълумки, ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққиёт тарихи бўлгани каби чизма геометрия ва тасвирий санъат фанларининг ҳам пайдо бўлиш тарихи, таълим муассасаларида ўқитилиши ва илмий методик ҳамда илмий назарий йўналишлар бўйича тараққиёт йўллари мавжуд.

Ўқитиш методикаси деганда таълим ва тарбияни мақсадга мувофиқ амалга оширишнинг энг самарали йўл ва услублар йифиндиси тушунилади. Машғулотни методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш эса ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга қисқа ва оддий йўллар билан, оддийдан-мураккабга бориш принципида маълум кетма-кетликда эришиш казарда тутилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўқитиш методикаси танланганда ўқувчилар кўзда тутилган ўқув материалини пухта ўзлаштирадилар ва уларда ўзлаштириш даражаси бир қадар юқорироқ бўлади.

Методика сўзининг ўзи икки хил бўлади: улар умумий ва хусусий методика ҳисобланади.

Ўқитувчилар фаолиятида «услуб» деган сўз ҳам ишлатилади. “Ўқитиш услуги» деб биз ўқитиш методларининг айрим қирраларини тушунамиз. «Ўқитиш услубларидан» ўқитиш методи ташкил топади.

Масалан, «намойиш этиши» методи асосида ўқитувчи машғулот ўтказганда, у экранга катта санъат асарининг тасвирини техника воситаси орқали туширади. Бу жараёнда ўқитувчи суратдаги бирон шаклни йирик қилиб кўрсатиши усул ҳисобланади. Шу ўринда экрандаги сурат тасвири юзасидан савол-жавоб ўтказилишда ҳам бу юқоридаги усулнинг давоми ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига асосланиб иш юритганда у рангшунослик, перспектива, ёруғ-соя, композиция қонунлари ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, тасвирий санъатнинг у ёки бу турининг назарий асосларини ўргатганда ва тасвирий санъатнинг у ёки бу фаолият турини ўқитганда ўқитувчи бир хил методлардан фойдаланиши мумкин эмас.

Ўқитиш методикасининг тарихи жуда узокъларга яъни кишилар қачон бир-бирларига расм чизишни ўргата бошлаган пайтларига бориб тақалади. Кишилик жамиятининг тараққиёти даврида такомиллашиб борган, давр ўтиши билан ўқитувчилар, олимлар унинг янгидан-янги қирраларини очганлар ва у мутахассислар орасида тарқалган.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, шаклланган ҳар бир метод шаклан бир хил бўлса-да, уни бир ўқитувчи, иккинчи ўқитувчидан ўрганиб, шундайлигича қўллайвермайди. Уни ҳар бир ўқитувчи ўз мактабидаги моддий-техникавий шарт-шароитлар, болаларнинг билим ва малакаларининг савияси, дарс мавзуси унинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шу кабиларни ҳисобга олиши лозим. Шунга кўра бошқа ўқигунчи қўллаётган ва яхши самара бераётган бир метод бошқа ўқитувчи фаолиятида яхши натижа бермаслиги ҳам мумкин.

Назорат саволлари:

1. Педагогик назарияда нечта метод мавжуд. Уларни санаб ўтинг?
2. Технология нима?
3. Таълим технологияси деганда нимани тушунасиз?
4. “Педагогик технология” тушунчаси ЮНЕСКО томонидан қандай шарҳланган?
5. Педагогик технологияларнинг самарадорлиги қандай мезонлар билан аниқланади?

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

2-мавзу: Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик Режа:

2.1. Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар

2.2. Инновацион технологияларнинг аҳамияти.

Таянч иборалар: Инновация, технология, педагогик технология, метод, инновацион технологиялар.

2.1. Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишида инновациялар

Замонавий таълимни ташкил етишга йиладиган муҳим талаблардан бири ортича руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, ичида юксак натижаларга еришишдир. инсоният орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил илиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат илиш, шунингдек, ўқувчилар фаолияти назорат илиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб етади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил етиши лозим.

Тарихан технология тушунчаси техник тараққиёт билан боғлиқ равища юзага келган ва бу тушунча санъат, хунар ва фан ҳақидаги таълимотга мувофиқ келади.

Технология деганда, одатда ашёларни қайта ишлаш методлари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи тушунилади. Сиёсий лугат (М., 1989)да технологияга шундай изоқ берилади: 1) ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси; 2) ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб

чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усууллари тўғрисидаги фан.

«Қомусий лугат»да шунга яқин изоҳ берилади, лекин уни бирмунча кенгроқ ёритади: «Фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш.» (М., 1979)

Технология грекча сўз бўлиб, *технос*- санъат, маҳорат, *логос*- таълимот деган маъноларни билдиради.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усуулларини таклиф этади.

Хозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қиласди. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатларидаги ўрни ҳали номаълумлигича қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиши жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва ғарбий Европада таълимни ислоқ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж.Королл, П.Я.Галперин, В.И.Давидов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмикова, Л.И.Занков технологиялари машқур. Ўқитиши ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалко, Н.Ф.Тализина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М.Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуқлидир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиши технологиялари бўш технологияланганлиги бўйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишида топширикли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиши ёки ўқитишининг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В.Занков, Т.Я.Галперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўгитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини қам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалко).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепел).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.»(В.М.Манахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчили методидир» (ЮНЕСКО).

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.


Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технология бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу

технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба ҳатти-харакатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиш технологияси сатқида ўқув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир.

Педагогик технология термини класстерланади




3.2. Инновацион технологияларнинг аҳамияти.

Ҳозирги вақтда энг ташвишли масалалардан бири талабга жавоб бермайдиган даражада ўқийдиган ўқувчиларнинг кўпчиликни ташкил қилиши. Сабабини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Болаларнинг ўтиш ёши энг қийин давр ҳисобланади. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг шу даврдаги ўзига ҳос ўзгаришларини ҳисобга олмасликлари натижасининг маҳсулидир.

Болаларнинг бу ўтиш ёши даври швециялик психолок Жан Пиаж (1876-1980) нинг фикрича, ўспириналарда объектга, борлиқ дунёга нисбатан абстракт фикрлаш жараёнининг етилиши билан характерланади. Фикр юритиш ҳаракатининг мураккаблашиши бола ҳаётининг барча томонларига, ҳиссиётига таъсир кўрсатади. Америкалик психолог Стенли Ҳолл (1884-1923) таъбири билан айтганда боланинг ички ва ташқи низоларининг кучайган даври бўлиб, “индивидуал ҳисси” пайдо бўлади. Америка психологи эрик эриксон (1902-1982) боланинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида ишбилармонлик ва жуда таъсирчанлик пайдо бўлади. Бу ёшда меҳнатга бўлган муносабатига асос солинади.

Мактабда таълим сифатини кучайтириш лозим. Бунинг таълимда инновацион таълим иборалари бор. Таълим сифатини щзгартериш учун албатта таълим воситалари ўрни каттадир.



Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан кўлланилаётган илфор технологиилардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бизга, уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Интерфаол методлардан фойдаланишда ўқув материалининг мазмунни ўқитувчи томонидан қайта ишлаб чиқилиши, ўқувчига мураккаб туюлган терминларни изоҳлаб бериши, унинг онгида ақлий фаолиятини уйғотиши ҳамда кучайтириш талаб қилинади.

Сўнги 10-15 йил давомида олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил етишда интерфаол методлардан фойдаланиш кенг кламда амалга оширилмоқда. "қандай усуллар интерфаол методлар деб саналади? Бошқа усуллардан уларнинг фарқи нимада? деган саволларга жавоб беришда бу сўзнинг маъносини англаш зарур. "Интер" сўзи лотинча бўлиб, "орада", "ўртада" деган маъноларни англатади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (Тошкент, 2006, 2-жилд. 217-218-бетлар)да унга уйидагича таъриф берилган:" 1) оралиқ ҳолат. Оралиқда жойлашган. ўртада; 2) умумийлик, умуммабуллик, ўзаро боғлиқлик." Ушбу таърифлардан холоса чиқарадиган бўлсак, мулоқот жараёнида ҳар икки томонга мабуллик, заро фаоллик, боғлиқлик, бир-бирни қўллаб-куватлаш, тўлдириш тузатиш каби ҳолатлар интерфаол методлар асосини ташкил этади.



Назорат саволлари:

1. Таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
2. Технология нима?
3. Таълим технологияси деганда нимани тушунасиз?
4. “Педагогик технология” тушунчаси ЮНЕСКО томонидан қандай шарҳланган?
5. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиши қандай босқичларда кечган?
6. Қандай тамойиллар педагогик технологияга хос саналади?
7. Педагогик технологияларнинг самарадорлиги қандай мезонлар билан аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
2. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. -95 б.
3. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.

3-мавзу: Шаклларнинг конструктив тузилиши. Тасвирий санъатда композиция масалалари. Академик ва ўқув вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари. Қаламчизги ва қораламалар. Шаклларнинг конструктив қурилиши. Шаклларнинг конструктив тузилиши. Тасвирий санъатда композиция масалалари.

Режа:

- 3.1. Шаклларнинг чизиқли конструктив тузилиши ва усуллари
- 3.2. Ҳар хил шаклли икки геометрик жисмларнинг чизиқли конструктив расмини чизиш (куб, шар, пирамида, цилиндр)
- 3.3 Тасвирий санъатда композиция масалалари.
- 3.4 Гирих миллий нақш шаклли розеткасининг қаламтасвири (панжара, нилуфар нақши) мисолида

Таянч иборалар: Планшет, Оддий қора қалам, кўмир таёқчалар, Фазовий перспектива, уфқ чизиги, кириш майдони, буюм текислиги, сурат текислиги, перспектива қонуни, конструктив тузилиш, ёруғлик, соя, қонун қоидалар, ибтидоий давр, машҳур рассомлар,

1. Шаклларнинг чизиқли конструктив тузилиши ва усуллари.

Оддий геометрик жисмлар, вазалар, устун қошлигини (капителлар ва ҳоказоларни) тасвирлашда расм чизувчидан энг аввало шаклнинг конструктив асосини яхши тушунтириш ва уни чизиқли расмда тўғри акс эттира билиш талаб этилганидек одам бошини тасвирлашда ҳам унинг конструктив асосини таҳлил қилиш ва уни чизиқли конструктив асосда ифода эта билиш зарур. 12-расмда А.Дюрер ишлаб чиққан одам боши схемасининг чизиқли-конструктив тасвири бунга мисол бўла олади.

Биз бош шаклининг конструктив асосини таҳлил қиласар эканмиз қатор қонуниятларни таъкидлаб уларни расм чизишда ҳисобга олишимиз зарур. Бу қонуниятларни А.Дюрер расми бўйича қараб таҳлил қилиб чиқайлик.

Бош шакли гўё асосий 4 та параллел-горизонтал юзалар билан кесишганидек: соч билан қоплана бошланиш жойи, қош усти ёйларидаги чизиклар, бурун ва даҳан асослари. Ана шу юзаларга перпендикуляр равиша бошнинг тухумсимон шаклида вертикал юзада кесишадики, у юза устида кўнгдаланг чизиқ ҳосил қиласи. Бу вертикал юза уни икки teng қисимга ажратади, у ҳосил қилган профил чизиқ эса бош ташқи кўринишини икки симметрик яримга ажратади.


Горизонтал юзалар эса бошни қисмларга ажратади ва соч қоплами, қош усти ёйлари, бурун ва даҳан асосларини ҳосил қиласи. Шундай қилиб, ушбу схема бош шакли пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятини тасдиқлади.

Ўзининг кўргазмалилиги ва ишончлилиги жиҳатдан бу схемадан кўпчилик рассом-педагоглар бош суратини чизишга ўргатишида ҳозирги кун ўқув жараёнида ҳам фойдаланадилар.

А.Дюрер изидан бориб рассом-педагоглар бош расмини чизишга ўргатишида бош шаклининг конструктив асосини ифодалашда ўз схемаларини ишлаб чиқа бошладилар ва улар ёрдамида ўқувчиларга ўқув материалларини тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириб олишга кўмаклашдилар.

Масалан, рассом ва педагог А.Лосенко бир қатор методик жадвалларни ишлаб чиқдики, уларда бошнинг кенгликдаги бурилиши ва ҳолатига қараб бош схемаси перспектив кўринишнинг ўзгариш қонуниятларини кўргазмали равиша кўрсатиб беради. Асосий конструктив чизикларнинг (соch қопламаси, қош усти, бурун ва даҳан асоси, шунингдек профиль чизиги) йўналишлари жадвалда пунктир чизиклар билан берилган. Бу билан Лосенко аслида бундай чизиклар йўқ, улар шартли бўлиб, бошни тасвирлашда рассом буларни хаёлан тасаввур этишни таъкидламоқчи бўлади.

Ўтган асрнинг буюк рассом-педагоги А.Сапожников бошнинг симли моделини яратди. У расм чизувчига шаклнинг конструктив асоси ва перспективаси ҳосил бўлишини тушунтириб этишига ёрдам беради. Бу модельнинг мақсад - вазифаси ҳақида А.Сапожников шундай ёзади: «*Бадий*



Академия императорлиги кенгаитга мен тузган «бошлангич расм курси» нинг бир нусхасини, унга тегишили методлар солинган қутини ва симдан ясалган бош моделини юборишга жазм айладим. Уларни ўз марҳаматингиз доирасида қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман. Агар ушибу модель Академиянинг расм чизиши синфларида фойда келтирса мен жуда баҳтли бўлардим. Агар бу модельни худди шу бурилишида намуна хизматини ўтайдиган гипс бошни олдига қўйиб ишилсанса, у ўзини таркиб топтирган қисимларининг преспектив ўзгаришини англаб олишга ёрдам беради».

Кейинчалик одам боши расмини чизиш услубиятини ишлаб чиқа бориб ҳар бир қўлланма муаллифи конструктив схемадан фойдаланиш усулларини ўз билганларича таърифлай бошлайдилар. Кимdir А.Дюрер схемасини асос қилиб олар ва дарҳол ҳамма конструктив чизиқларни белгилаб олишни тавсия қиласарди. Бошқалар Г.Гольбейн схемасини афзал қўради, учинчи бирлари эса унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланишга интилдилар. Расмда ҳамма конструктив чизиқлар шартли равишда шакл юзаси бўйлаб ўтади. Конструктив чизиқларнинг аниқ жойлашиши (уларни қайси жойларидан ўтказиш) қўлланмаларда қўрсатилмаган. Бу эса таълим олаётган расм чизувчининг ишини анча мураккаблаштиради. Масалан, талаба профиль чизигини тасвирламоқчи, лекин бу чизик қаердан ўтиши кераклиги унга номаълум. Кўпгина қўлланмаларда профиль чизиги пешона юзаси ва бурун учига теккан холда мавхум ўтказилади. Расмда бундай чизик бош шаклини қуришда мўлжал бўла олмайди. Бу ҳакда биз расм устида ишлаш услубий босқичи ҳақидаги бобда яна тўхталамиз. Шунингдек даҳан, бурун, қош усти, кўз кесими асосларининг чизиқлари жойлашганлиги ҳам номаълум. ўқувчи уларни кўр-кўронга бош шаклини тасвирлаш учун бу чизиқларни зарурлигини тушунмай туриб чизаверади.

Бу масалага тўла ойдинлик киритиш учун биз ҳар бир чизик калла суюги бўлаклари билан асосланадиган анатомик қурилиш қонуниятларига боғлиқ равишида одам бош шаклининг чизиқли-конструктив схемасини кўриб чиқиши тавсия этамиз.

Чизиқли-конструктив схема бўйича бош шаклини таҳлил қиласар эканмиз, профиль чизиги соч қоплами ўртасидан, қаншар ўртаси, бурун асоси, лаблар туташмаси (бантифи) ва жағ суюги ўртасидан ўтишини кўрамиз. Бош шакли профиль чизигининг туташган нуқтасининг юзасида эмас, калла суюги сўнгакларидан қидириш керак. Масалан, бурун призмасида профиль чизиги призманинг олд юзасида эмас, балки орқа юзасида жойлашади. Бурун учун профил чизигига нисбатан бошнинг кенглиқдаги ҳолатига қараб ўзгартариш мумкин. Даҳан асосида профиль чизиги даҳан юзасида эмас, (гарчи даҳандаги чуқури яхшигина мўлжал бўлса ҳам), балки жағ суюгида

жойлашади.

Рассом профиль чизигининг жойлашишини билса у бошнинг кенглиқдаги холатини ҳам осонгина аниқлаб олади. Бунинг учун ҳаёлан түғри чизиқ билан профиль чизиги туташган нұқтани қош усти (қаншар) ва даҳан асоси профил чизиги туташган нұқта билан бирлаштириш керак ва бу чизиқлар ўртасида қандай бурчак ҳосил бўлишини аниқлаб олиш зарур ва бош ҳам вертикал, худди шу оғишлиқда бўлади.

Профиль чизиги шунингдек рассомга бош шакли тасвирини қуришда ҳам ёрдам беради. Профиль чизиги бошни икки симметрик қисмга ажратганлиги учун ҳам рассом жуфт шаклларнинг (жағ суюклари чизиги, кўз косалари, лаб бурчаклари, бурун тешиклари) жойлашувини ҳам осонлик билан кузата олади, улар расмда бир йўла белгиланади: жағ суюгининг ўнг чизигини белгилаш билан дарҳол унинг чап чизиги ҳам белгиланади, чакка суяқ четлари ўнгда ва чапда бир йўла белгиланади ва ҳоказо.

Горизонтал конструктив чизиқлар ўзаро параллел бўлиб, бошни пропорционал қисмларга ажратади. Соч қоплами, қош усти ёйлари, бурун асослари ва даҳан чизиқлари бошни teng уч қисмга ажратади.

Бошнинг пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятларини қадимги рассомлар аниқлаб берганлар. Биз бош шаклининг уч қисмга ажратиш қонунларини қадимги Грек ва Рим рассомларида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўйғониш даври рассомлари математик ўлчамлар асосида бошнинг олд қисми учта teng қисмларга ажратиш ҳақида холосага келганлар.

Кейинги аср рассомлари нисбатлар қонунини ишлаб чиқар эканлар, тадқиқотнинг ҳар хил усулларида ҳам худди шу холосага келганлар. Масалан, А.Лосенко ўзининг «одамнинг қисқа пропорцияси ёки академик шаклини чизиши» асарида бошни учта teng қисмга ажратишни кўрсатган. В.Шебуев ўзининг «Антропометриялар» асарида ҳам бунга ишора қилган.

Лекин, кейинчалик Бадиий академия мактабининг душманлари қоида ва қонунларни ўргатишга қарши чиқадилар, улар санъатда классик меъёрларини тан олмадилар ва бинобарин бош шакли тузилиши схемалари, шунингдек, уч teng қисмга пропорционал бўлиниши ҳам улар ҳар бир инсон индивидуал ва ҳамма кишилар учун ҳам бош шаклининг тузилиши борасида аниқ ва бир хилдаги қонун бўлиниши мумкин эмас, деган асосда буларни рад этадилар.

Биз бош тузилишини анча енгиллаштирадиган ва бош шакли қурилишининг анъанавий қонун, қоидаларини ҳамда схемаларини ҳикоя қилган ҳолда уларни юксак даражада ва бенуқсон тасаввур эта олмаймиз. Лекин биз қатъий тарзда таъкидлаймизки, расмда шакл қурилишининг бу қонун, қоида ва схемалари бунчалик ҳақиқатга яқинки, улардан ҳозирги замон рассоми амалиётида bemalol фойдаланиш мумкин. Одам боши шакли

қурилишиининг Дюер схемаси абсолют ҳақиқат эмас, аммо у сўзсиз шаклнинг конструктив асосини очиб беради. ўтмишдошимиз бошни тенг уч қисмга ажратиш ҳақидаги ёзган қонуниятлари ҳар бир тасвирланажак киши учун абсолют пропорция эмас, лекин унинг бош тузилиши пропорционал тарзда қисмларга бўлиниш қонунияти ҳақиқатдир. Леонардо да Винчи ўша пайтлардаёқ бу нарсани исботлар экан, шундай расм чиздики, унда бир-биридан тенг масофада турган тўртда горизонтал параллел чизиқлар ўtkазилган ва ана шу чизиқлар доирасида майиб-мажрухлар бошини-калта бурун, кенг пешона, узун бурун ва кичик даҳанлар... Леонардо да Винчи бу расми билан ҳатто энг қуий характердаги бошларни тасвирлашга ҳозирги замон рассомлари қадимий қонуниятларидан фойдаланиш мумкинлигини исбот этди.

Классик қонуниятлар билан танишиш расм чизувчига тирик бош қурилишининг пропорцияларини ва ўзига хос хусусиятларини тузатиш ва тўғри аниқлашга ўргатади. Бу қонуниятларни билиш рассомга натурада кузатиладиган қонуниятдан четга чиқиш аломатларини сезишга ёрдам беради. Бош шакли қурилиши (ҳатто схематик) қонуниятларини билиш рассомга тасвир этилаётган турли характерларни кузатиш ва дарҳол тасвирга тузатишлар киритиш мўлжалдаги расмга аниқлик ва ўзгартиришлар киритишида кенг имкониятлардан фойдаланиш имконини беради. Натурани кузатувчи талаба, бошнинг қийшиқ чиқиб қолмаслиги, пропорциялар ўртасида қўпол бузилиш бўлмаслиги учун ишини осонлаштирувчи йўллардан фойдаланиши керак. У ўзидан олдинги ва унинг ишида ёрдам берган рассомлар фойдаланган меъёр, қоида ва қонуниятларни билиши керак.

Шакл тузилишининг қоидалари, қонун ва схемалари рассом ишида таянч нуқта ҳисобланади, улар реал борлиқни идрок қилишга калит, шунингдек тирик бошнинг мураккабликларини тушуниб етишга ва натурадан, биринчи навбатда, энг асосий жойини илғаб олишга кўмаклашади. Академик расм чизиш қоидалари ва қонуниятларини билиш талаба учун ўз санъатини эгаллаб олиши учун зарур. Буюк Гёте ёзган эди: «Табиатдан рассом бўлган киши табиат ўзи берган қонуниятлар қоидаларга мувофиқ равишда ҳаракат қилиши керакки, бу қонуниятлар унга зид бўлмаслиги, унинг бутун бойликларидан иборат бўлиши керак. Чунки уларнинг ёрдамида у ўз-ўзини бўйсиндириш ва ўз қобилият-истеъодини табиатнинг буюк бойликлари каби қабул қилишни ўрганади».

Бош шакли қурилишининг схемаси ва унинг пропорционал қонуниятлари аввал айтиб ўтганимиздек, калла суягига асосланган. Шунинг учун натура бўйича конструктив чизиқларнинг жойлашишини белгилаш

керак. Шуни назарда тутиш керакки, улар калла суюги асосида ётадилар. Агар биз даҳан асоси конструктив чизигини натурадан қидирадиган бўлсак, у ҳолда уни даҳан юзасида эмас, балки жағ суюги бўртмасида тасаввур қилиш керак бўлади. Бурун асосининг чизиги бурун учидан эмас, балки бурун тешиклари асосида ўтади: бурун учи расмда ё пастда ёки бурун асоси чизигидан юқорида жойлашаган бўлиши мумкин. Одам боши қурилишининг конструктив схемасини билиш, расм чизувчига тасвирашга перспектива қонуниятларига риоя қилишга ёрдам беради, натурадан кўр-кўронада нусха кўчиришдан қайтаради. Агар рассом конструктив чизиқларни яхлит ўзлаштириб олса, бош шакли тасвирини тўғри қуриш энг мураккаб перспектив вазиятларда ҳам унга унчалик қийин бўлмайди. Буни тушуниб олиш учун ўз схемамиз таҳлилига қайтайлик.

Соч қоплами асосларининг чизиги шу қоплам чизиги асосидан ўтади.

Ҳатто сочи тўқилиб тақир бош бўлиб қолган кишида ҳам соч қопламаси излари ҳар доим кўриниб туради. қош усти ёйларининг чизиги қош усти сяклари чизигидан ўтади, аниқроқ айтадиган бўлсак, асаб каналлари тешигидан ўтади.

Бурун асосининг чизиги бурун илдизи устидан жағ сякларининг пастки четидан ўтади. Бурун асоси ва қош усти ёйлари чизиқлари орасида қулоқлар жойлашади. ўқувчи бу қонуниятни била туриб бошининг кенглиқдаги ҳолатини тез ва тўғри аниқлай олади. Масалан, жуда мураккаб оғма ва бурилишга эга бўлган Аполлон ва Антина гипс бошларини чизишда у одатда бошнинг нечоғлик эгиклигини аниқлаб олишга қийналади. (у пастга қараганми? Ёки орқага ташлаброқ турибдими). Расм чизувчи бош шакли қурилишининг конструктив хусусиятларини билиб бошнинг кенглиқдаги ҳолатини ҳеч мashaққатсиз аниқлай олади. Факат бурун асосига нисбатан қулоқларнинг жойлашишини аниқлаб олса бас: агар қулоқлар бурун асосидан пастда бўлса – бош орқага ташланган, агар қулоқлар бурун ва қош асосларидан юқорида бўлса – бош пастга эгилган бўлади. Даҳан асоси чизиги жағ сягининг олд бўртмаси ўртасидан ўтади.

Қош усти ёйларидан бурун асосигача бўлган кесма, ўз навбатида учта тенг қисмларга ажрайди: биринчи қош усти ёйларидан ва иккинчи қисмлар ўртасидан кўзлар кесма чизиги ўтади, кўзлар қаншар ва кўз ёши қопчиғи бурчакларини кесиб ўтади, аниқроқ айтадиган бўлсак, чакка ва жағ сякларини бирлаштирувчи чоклар орқали. Кўз кесмалари чизигини ҳам учта қисмларга ажратиш мумкин. Кўз бурчаклари четлари ўртаси, бошқача айтганда кўзлар ўртасидаги масофа кўзлар катталилига тенг. Расм чизувчи бу қонуниятни билар экан, у оптик алданишдан қоча билади. Масалан, ўқувчи Юлий Цезарь бошини чизар экан, у кўзларни бир-бирига яқинлаштириб

кўпинча хатоликка йўл қўяди. Буни шу Билан изоҳлаш мумкинки, узун-ингичка, қаншар хусусиятидаги, бурун гўё кўзлар бир-бирига яқиндек таассурот туғдиради. Чизувчи кўзлар ўртасидаги масофани ўлчаб кўрганда у кўз катталигига tengлик ҳақида ишонч ҳосил қиласди.

Бурун асоси билан даҳан чизиқлари ўртасидаги масофани ҳам уч тенг қисмга ажратиш мумкин, бурун асоси ва иккинчи қисм ўртасида лаблар кесма чизифи ётади. У лаблар бурчагига теккан ҳолда остки ва устки лаблар чегараси бўйлаб ўтади.

Рассом бошнинг пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятларини эсда сақлаган ҳолда у бу нарсани абсолютлаштириши ва чизгич ҳамда циркуль ёрдамида расмдаги пропорционал нисбатларни мунтазам равища тешкиравериши керак эмас. Ваҳоланки, кўпчилик талабалар шундай қилаверадилар. Уйғониш даврининг буюк рассомлари сўзларини такрорлаган ҳолда шуни айтиш керакки, чизгич ва циркуль рассомнинг қўлида эмас, балки кўзида бўлиши керак: қўл қофозга тасвир туширади, рассомнинг кўзи эса унинг хатти-ҳаракатларини текшириб боради.

Хулоса шуки, одам бошини ўрганишда рассомга асосий конструктив қурилиш қонуниятлари ва расмда шу чизиқли-конструктив асосини ифодалай билиш билими катта ёрдам беради.

Бинобарин, одам боши шаклининг чизиқли-конструктив тасвири қўйидагилардан иборат: дастлаб туссиз ва ёруғ соясиз чизиқлар билан бошнинг умумий шакли тасвирланади. Шундан сўнг бошнинг олд қисми устидан профиль чизиги ўтказиладики, бу чизик учта тенг қисмларга ажрайди ва бу чизиқлар устидан соchlар қопламаси қош усти ёйлари, бурун ва даҳан асоси конструктив чизиқлари ўтказилади. Зарур мўлжалларни белгилангандан сўнг бош деталлари: - бурун призмаси, кўзларнинг шарсимон шакллари, лаблар ва даҳанларнинг умумлашган шаклларини белгилаб оламиз. Буларнинг ҳаммасига зарур тузатишлар киритилиши мумкин бўлган фақат битта чизиқлар билан тасвирланади. Шаклинг конструктив асосини тасвирлашда қўл келадиган чизиқлар рассомга шакл қурилиши қонуниятларини тўғри қўллашга ёрдам беради.

Чизиқли – конструктив тасвирни белгилаб олиб, диққат билан ҳам бутун бош ва унинг ҳар бир қисми шакллари ҳарактерига аниқлик киритишни бошлаймиз.

Агар биз чизиқли конструктив расмни бажариш пайтида ёруғлик манбаи ўрнини алмаштирасакда, шаклинг конструктив асоси ўзгармайди (гарчи натуранинг ташки кўриниши жуда кучли ўзгарса ҳам). Бу эксперимент шу нарсани тасдиқлайдики, натурани таҳлил қила бориб, чизиқли-конструктив асос устида ишлаётган чизувчи ҳар доим шакл устида фикр юритади.

Педагогик – амалиёт тажрибалар шуни күрсатадыки, бош шакли конструктив қурилиши схемасини яхши билиб олган талабалар кейинчалик тириш бошнинг академик расми ва ижодий потрет чизища ҳеч қийналмаганлар. Бош шакли конструктив қурилиши қонуниятларини қатъий равища эгаллаб олиш учун ёшларга фақат чизиқли конструктив қурилиши бўйича маҳсус топшириқлар бажариш катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвир курсида талабалар асосан шундай вазифаларни кўплаб бажарадилар, бу эса уларнинг кейинчалик тирик бош расмини муваффақият билан тасвиirlашларига катта имкониятлар яратади.

Бош шакли тузилишининг чизиқли-конструктив тасвирини бажариш борасида бериладиган маҳсус топшириқлар талабаларга ўкув материалини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради, уларни расм чизиш пайтида доимий равища фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ўргатади, ёруғ-соя нуқсонларини кўр-кўрона тарзда, пассив кўчиришдан қайтаради. Чунки бундай машқлар ёрдамида расм чизувчи шакл тузилиши доимийлигича қолишини тушуна боради.

Бош шакли тузилиши қонуниятларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун талаба бундай топшириқларни нафақат натурадан, балки хотирадан, тасаввурдан бажариши зарур. У амалиётда бундай машқлар зарурлигига ишонч ҳосил қилиши, шахсий тажрибасида реалистик расм санъатини эгаллашда улар қай даражада ёрдам бераётганлигини ҳис қилиши керак. Бундай машқлар талабанинг нафақат анатомик билимлари борасидаги қобилиятларини ривожлантиради, балки ҳис-ҳаяжон Билан ёндашишдек ижодий қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилгандир.

Бош шаклининг чизиқли конструктив тасвирини бажаришда олиб борадиган машқларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- 1. Талабаларда натурага бўлган қизиқишини юксак даражада ривожлантириши.**
- 2. Тасвир қуришида услубий босқичликда ишилашга ўргатиш.**
- 3. Тасвир қуришининг тўғри ва ифодалилигига риоя қилишига ўргатиш.**
- 4. Реалистик расм чизишида ижодий жараённинг моҳиятини тушунтиши.**
- 5. Натурани юксак ҳис-ҳаёжон билан тасвирлаши.**
- 6. Машқлар бажаришида самарадорликни ошириши орқали кузатувчакликни ўткирлаштиши.**

Чизиқли – конструктив расм ишончли ва яхши қурилган тарзда чиқиши учун бошнинг ҳар хил кенглик ҳолатидаги конструктив схемаси тасвирининг қатор хусусиятларини ҳам рассом яхши эгаллаб олиши керак. Бош шакли конструктив тузилишининг тасвиirlаш жараёни маълум қонуниятларга риоя

қлишни талаб этади. ўтган асрлар рассомлари бу нарсага катта эътибор берганлар. Масалан, Гольбейн ўз қаламчизгиларида бошнинг фазодаги ҳолатига қараб, уни тасвирлашда ҳисобга олишни ва перспектива қоидаларига, схематик қонунларга эътиборни қаратади.

1. Агар бош бизнинг кўзимиз билан бир хил текисликда тўрса конструктив чизиқлар тўғри бўлади:


2. Агар бош бизнинг кўзимиздан пастроқда бўлса, конструктив-горизонтал чизиқлар эгилган бўлади ва пастга қаратилган бўлади:

3. Агар бош бизнинг кўзимиздан пастроқда бўлса, бу конструктив чизиқлар тепага қараган бўлади.

Гольбейннинг ушбу расмини таҳлил қилас эканмиз, шуни ҳисобга олиш керакки Гольбейн Дюрердан фарқли ўлароқ, бошнинг чизиқли-конструктив тузилишини яратиш учун «салб» (крестовина) дан фойдаланган. Улар бошни икки қисмга ажратадиган икки чизиқдан (профиль чизиги ва кўз қисми чизиги) иборатдир.



2. Ҳар хил шаклли икки геометрик жисмларнинг чизиқли конструктив расмини чизиш (куб, шар, пирамида, цилиндр)

Гипс геометрик шаклларнинг қаламтасвири ҳам тасвирий санъатнинг оддийдан мураккабга услубида амалга оширилади. Бунинг учун ўқув дастурларида белгилангандек гипс геометрик шаклларни тасвирлаш мухимдир. Бу шунинг учун зарурки, бизни ўраб турган предметлар дунёсининг барчаси геометрик шаклларга эга (шар, куб, призма, конус, цилиндр ва хоказолар). Шакллар таркибининг гипсдан бўлишининг асосий сабаби, улар аксарият холларда сунъий ёритгичлар билан ёритилиб, ўқув – машқ мақсадларила қўйилади. Ёруғ соя мажмуаси (ёруғ, соя, яримсоя, рефлекс, шахсий ва тушувчи сао, ялтироклик) оқ буюмларда яққол кўринади. Рasm.




Бундан ташқори оддий қора қалам воситасида шаклларнинг тус муносабатларни ечиш орқали талабани тартиб билан иш юритишга ўргатади. Энг мухими дастурда кўрсатилган мураккаб вазифаларни (меморлик бўлаги, гипс нақш элементи, инсон портрети ва гавдаси) оддий геометрик шакллар, текисликлар билан тасвирлаш учун замин бўлиб хизмат қиласи. Юқорида келтирилган барча малакалар билан қаторда, геометрик шакллар қаламтасвирини бажариш машқлари асасида талаба буюмларнинг кенгликтаги фазовий ҳолати, ёруғ - соя муносабати ва ўзаро нисбатлари кабилар ҳақида тўла маълумотга эга бўлади.

Гипс геометрик шакллар расмини чизиш билан параллел равишида талаба ушбу шакллар нусхасини симдан ясад олиши ва буюм текислигига турли холатларда қўйиб, унинг жойлашини, конструктив тузилиши, перспектив қисқариши, шакллнинг кўринар ва кўринмас томонларини яккол тасаввур этиши, ҳамда узининг билимларини янада чуқурлаштириши мумкин. Айниқса, бу гурӯх геометрик шаклларни тасвирлашда



ушбу усул талабага енгилик түғдиради. Чунки, бар шакл иккинчи бир шаклни тўсиб турганда, уларнинг жойлашган ери, бирлашган жойлари (бурчаклари), ўзаро нисбатлари яққол намоён бўлади.

Шуниси мухимки, аудиторияда ишланган машқлар билан бир қаторда уйда ушбу геометрик шакллар намунасини ватман қофозидан ясад олиб, уларни алоҳида ва икки, уч, тўрт буюм иштирокида турли композициялар тузиб тасвирлаш мухимdir. Шаклларни турли холатларда қўйиш ва ёритиш орқали чизувчининг фазовий ва ҳажм борасидаги билим ҳамда тасаввурлари ривожланади.



Қуйида уфқ чизигидан пастроқ жойлашган ва юқори олд томондан ёритилган кубнинг 5 та методик босқичларда бажарилган намунасини кўриб чиқамиз:

1-босқич. Шаклнинг энг чекка томонлари асосида уни қоғоз сиртида кўринар ва кўринмас қирларини тасаввур этган ҳолда жойлаштириш ҳамда, томонларининг нисбатлари, баландлиги, ҳаракат холатига қараб перспектив кўринишининг дастлабки белгиларини аниқлаш.

босқич. Шаклнинг конструктив тузилишини енгил чизиқлар билан тасвиirlаб, тулаш нуқта орқали ён томонларининг перспектив қисқаришини уфқ чизигига биноан аниқлаш.

2-босқич. Куб томонлари нисбатлари ва перспектив кўринишларини қуюкроқ чизиқлар билан аниқлаш, унинг буюм текислигидаги тушувчи соясини белгилаш.




Рис. 73 Рис. 74

3-босқич. Шаклдаги қайта яхлит соялар ўрнини белгилаб туслаш (шахсий, тушувчи соялар)... буюм учун қўйилган фонни туслаш.

4-босқич. Куб шаклининг барча ёруғ-соя муносабатларини белгилаш... томонлари тус нисбатларини аниқлаб, рефлекс, ялтироқ қисмларини топиб вазифани

бир бутун яхлитликка келтириш.

Геометрик шаклларни тасвиirlашда уларни оддийдан бошлиш керак... сўнгра секин-аста мураккаброқларига ўтилади.

Ўтилган мавзуларга қиёслаб талаба уйда мустақил кўплаб хомаки расм ва қаламчизгилар бажариши муҳим аҳамиятга эга. Чунки аудиторияда бажарилган ҳар бир вазифа асосида параллел равишда уйда ишланган машқлар талабанинг ўқитувчи раҳбарлигига композиция олган фазовий тасаввур, чизиқли конструктив тузилиш, ёруғ-соя муносабатлари, перспектива қонуни, нисбатларни тўғри белгилаш ва айниқса, тасвиirlаш малакаларини ривожлантиради. Бунинг учун уйдаги турли шаклларга эга бўлган қути, курси, кўза, чойнак, пиёла, стакан ва бошқа кўплаб уй жиҳоз ва буюмлари кифоя.(расмлар).

Тасвирий санъат асарларини яратишда композициянинг ўрни.
Тасвирий санъатда композиция қаламтасвир, соя - ёруғ, ранг, ҳаво ва чизик

перспективаси каби тасвирий воситалар билан яратилади.

Композиция курси талабаларни мустақил ижодий ва педагогик фаолиятида образли фикр юргазишида катта аҳамиятга эгадир. Композиция фани сұхбат, маъруза ва амалий машғулотлардан иборат. Композицияни асосий қонун, қоидалари, усул ва воситалари, талабалар томонидан амалий машғулот ва сұхбатлар жараёнида мұкаммал ўрганилади. Композиция - ўқув предмети ҳайкалтарошлық, меъморчилик, графика, қаламтасвир, рангтасвир.санъат тарихи каби мутахассис фанлар билан узвий боғлиқдир.

Қаламтасвир ва рангтасвирда рассом бевосита композиция асосларига мурожаат қиласы, унинг қонун-қоидаларини билмай туриб композиция, қаламтасвир, рангтасвир моҳиятини тушуниб етмайды. Ушбу композиция ўқув қўлланманинг мақсади тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи, бадиий ижоднинг асосий қонун қоидалари, воситалари ва уларни педагогика университетларининг Бадиий-графика факультетларида ўқитиш методлари ҳақида тавсиялар, тушунчалар беради. Шунинг учун рассом - ўқитувчиларни тайёрлашда композиция фанининг энг мураккаб ва муҳим фан сифатида ўрганиш тавсия этилади.

Хар бир санъат асарини яратишида мазмун ва ғояни асосий ечими эскизда ўз аксини топиши лозим. Кейинчалик энг яхши бажарилган эскиз танлаб олинади. Изланиш жараёнида композицияга керакли деталларни, предметларни аниқлаб олиш лозим, мавзуда содир бўлаётган воқеанинг марказий қисмини топиш керак. Эскиз бажариш жараёнида яхлитлик, масофа, кейинчалик, ҳаво перспективаси қонунларига, асосий ва иккинчи даражали гуруҳ хусусиятларига, колорит танлашга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Композиция тузилишини тўғри топиш учун натурадан - одамлар гуруҳидан тезкор чизгилар, эскизлар бажариш зарур. Чунки ўткир қобилиятни ижодий тасаввур, «фантазияни» шакллантириш айнан шу жараёнда содир бўлади. Бу ижодий жараёндаги ўзига хос кўникмаларни ҳосил қилиш узоқ вақт машқ қилиб ишлашни талаб этади.

Композиция - бу муаллифнинг ижодий, бадиий ифодаси, маҳсули ҳисобланади. Шундай экан тасвирий санъатнинг барча жанрларида композиция яратиш юксак даражада билим, кўникма, малака ҳамда қобилият, салоҳиятни талаб этади. Шу боис бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари олий ўқув юртида таълим олаётган вақтданоқ кенг қамровли фаолиятга ўзларини тайёрлаб боришлари лозим.

1. Композиция қонун қоидалари. Тасвирий санъатда композиция қонун ва қоидалари инсониятнининг ибтидоий тараққиёт давридан бошлаб шакллана бошлаган. Ибтидоий давр одамлари ҳаётни зеҳн билан кузатсаларда, композиция сезгиси жуда бўш ривожланган. Бундай ҳолатни

одам гавдаси ва ҳайвон подаларини тартибсиз, алоҳида тасвирида кўришимиз мумкин.

Қадимги шарқ, санъатидаги композиция ибтидоий даврдан алоҳида фарқ қилади. қадимги шарқда композиция мавзуси текисликда қатъий маълум тартибда тасвирланиб, қулдорлик жамиятнинг (маросимлари) қонунларига буйсундирилган.

Қадимги миср санъатида композицияни дастлабки янги усуслари пайдо бўла бошлаган. Бу эса жамиятда ижтимоий ҳаётни онгли ривожланиши натижасидир. Тасвирга чизги, ўлчам, ранг ва тус муносабатлари юқори даражага кўтарилид.

Қадимги дунё рассомлари табиат яратган ўсимлик, барг ва гулларни тузилишида, йил фаслини кетма-кет келишида симметрия ва ритм тушунчаларини англаб, ўз ижодий асарларида, композицияда қўллай бошладилар. Шунинг учун қадимги греклар рельеф, фронтон композицияларида ритм ва симметриядан унумли фойдаланганлар. Уйғониш давригача композиция фанига бағишлиланган бирор бир назарий қўлланма яратилмаган.

Инсоният ташқи дунёни тасвирлашга интилиши жуда қадим замондан маълум. Ибтидоий даврдаёқ одамлар мамонт суюкларида, горларда тошлардаги чизгиларда махоратга эришганлар. Улар ҳаётни зехн билан кузатсаларда композиция сезгиси жуда бўш ривожланган. Уларнинг тасвирий санъат намуналари тасодифий эмас, балки кўп йиллик меҳнат тажриба натижаси эканлигига гувоҳ бўламиз. Қаттиқ жисм инсон қўлида пичок шаклига келгунча узоқ муддатли босқичларни, тарихий воқеаларни босиб ўтган. Инсон қўли билан ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулот асбоб – буюмларни шакли, жихати авлоддан – авлодга, отадан болага ўтиш натижасида ўзгариб борди. Ҳаётда инсон қўли билан мураккаб меҳнат жараёни орқали юқори малакавий босқичга эришилди ва унинг сехргар кучи Рафаэль асарларида, Поганин мусиқасида намоён бўлди. Одамлар ўзларига бошпана қуришни, уй жихозларини яратишни, шунингдек тасвирий санъат воситаларини бирданига англамадилар. Инсон минг йиллар давомида тўплаган тажриба асосида табиат дунёсини, қуш ва ҳайвонларни чизгиларда тасвирлай бошлаган. Жонли кузатиш натижасида расм чизишни ўргатиш амалга оширилган.

Инсоният тараққиётининг пастки поғона ривожланиш босқичида тасвирий санъат меҳнат жараёни билан боғлиқ тўпланган билимларини кекса авлоддан фарзандларига мерос бўлиб ўтган. Болалар катталарга тахлид қилиш йўли билан расм чизиш билимини эгаллашди. Ерга ишлов ва хунармандчилик инсонни санъатга бўлган муносабатини ўзгартирди. Расм

чишишни тушуна борди ва алоҳида касб сифатида фойдаланди. Мерос қолган билимларини ясаган буюм - ашъёларни ташқига тасвирни тушириб безак бердилар. Аньаналарни ривожлантириб ўқитиш услуги ҳам ўзгариб, ижодий фикрлаш ривожланиб борди. Уста – ҳунарманд шогирдининг муваффақиятига бефарқ бўлмади. Унга ишларни қандай бажариш йўлларини уқтириди.

Шундай қилиб, ўқитиш услугуб йўллари ўзлаштира бошланди. Лекин аниқ чиқилган ўқитиш услублари йўқ эди. Санъатга ўқитиш (мактаб ташкил қилиш) асосан цивилизация тараққиёт даврида пайдо бўлди. Тараққиёт давридаги тасвирлашга ўргатиш методларини ўрганишдан олдин ривожланган қадимги Миср санъатига мурожат қиласиз. Шаҳарлар ва уларда сарой, қаср-кошоналар, жамоат бинолари қурилиши билан кўп сонли ҳунарманд ва рассомларга зарурият туғилди. Рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат усталарига талаб кучая борди. Шу боис маҳсус мактаб ташкил қилиш зарур бўлди. Тасвирлашда тўпланган тажриба қадимги Миср мусаввирларига ўсимлик дунёси, ҳайвонлар, одам қиёфаси предметларни қуриш, тасвирлаш қонунлари, услуг – усусларини ишлаб чиқиш имконини берди. Рассомлар асарлари асосан Сарой, кошона, жамоат биноларини безатишга мўлжалланар эди. Улар авлиё, фараон, муҳим тарихий воқеаларни тасвирлашди. Шунинг учун тасвирий санъат қоидалари буюртма талабига, диний афсоналарга мувофиқлаштирилар эди. Худога сифиниш, диний маросимларга амал қилишни талаб қиласди. Мусаввир фараонни тасвирлашда Шоҳ тантанаси маросимини талабларига қатъий риоя қилиши зарур эди. Тик турган одам қиёфасига, юраётган, ўтирган чўк ўтирган, ҳаракатдаги одамларни тасвирлашга аҳамият берилар эди. Шунингдек муқаддас қуш ва ҳайвонларни тасвирлашга қоида ишлаб чиқилган эди. Бу белгилangan қоидалар бир томондан рассом учун тасвирлаш жараёнини енгиллаштирса, бошқа томондан рассомни эркин ижодий фикрлашини чегаралаб қўярди. Бу қоидалар рассомга ҳақиқий ҳаётни қандай кўрса, шундай тасвирлашга имкон бермасди.

Ибтидоий даврда рассом фаолияти қадимги Миср Тасвирий санъат қонунларига мувофиқлаштирилган эди. Миср рассомлари одам қиёфасини тасвирлашида маҳсус «Канон» ишлаб чиқилган эди. Бунинг учун мисрликлар одам қиёфасини ўлчам тизимида 19 та бир хил бўлакларга бўлиб чиқишиди. Одам қиёфасини нисбатларини аниқлаш, пастдан юқорига қараб ўлчанганд: оёқ товонни баландлиги бармоқ узунлигига teng. Таз суяги одам қиёфасини ўртасидан икки бир хил бўлакка бўклиб туради. Шунингдек одам гавдасини тўлиқ тасвирлаш воситалари, кўз, бурун, оғиз хажми танани барча қисмлари нисбат ўлчамлари белгилangan эди. Юқоридаги билимларни эгаллаган

рассом, одам қиёфасини хар ердан түғри тасвиirlай олади.

Бизни хозирги тасаввуримиздек, қадимги Миср рассомларидан хақиқатни хаётий тасвиirlаш талаби күйилмасди. Миср рассомларининг асарларида уч ўлчам тасвири, перспектива, соя, ёруғ мавжуд бўлмаган, тасвири чизиқли хусусиятга эга эди. Бу анъаналар эрамиздан 4 минг йил аввал шаклланиб, бир неча минг йиллар давомида қатъий амал қилиб келинган.

Расм чизиш ўқув предмет сифатида мактабда ўқитиш шаклланди, бунга алоҳида эътибор берила бошланди. Чунки иероглифик ёзув харфлар билан бирга хар хил предметларни тасвиirlашни талаб қиласди.

Мисрликлар расм чизишда лойли тахта кўмири, мўйқалам, бўёқ ва темир қаламчалардан фойдаланар эдилар. Шундай қилиб қадимги Миср даврида расм чизиш мактабларда предмет сифатида ўқитилганини гувоҳи бўляпмиз. Машғулотлар қабул қилинган «Канон» тасвиirlаш қоидаларига амал қилган холда олиб борилар эди.

Грек рассомлари эса ёш авлодни ўқитиш муаммосига янгича ёндашдилар. Натурани ўрганишда эстетик жиҳатдан янги бадиий маънавият киритдилар. Одамзотни греклар ер юзида энг гўзал мавжудот деб билар, ўзларини худоларини одамзод қиёфасида билардилар. Зевс – кекса билимдон авлиёни, Афина – грек аёlinи, Аппалон – жасур пахлавонни эслатади. Греклар одам қиёфасини тасвиirlаш қонун асосларини симметрия ва гармонияни математик равишда бир – бирига мувофиқ яхлит бирликни ташкил этишини таъкидладилар. Эрамиздан аввалги 432 йили Сиксонада хайкалтарош Поликлет одам қиёфасидаги мавжуд пропорционал ўлчам теориясини «Дорифор» хайкалида намуна тариқасида яратди. Грецияда донг таратган рассом Апполодора биринчи бўлиб ёруғ сояни кашф этди, предметларни хажмдор тасвирини қўллади.

Апполодор машҳур рассом, ажойиб педагог эди. Ўз мактабини очди, натурани чукур ўрганиш асосида тасвирий санъатда гўзаллик канонини яратди. Грецияни энг гўзал аёли образини яратиш учун беш натурщицадан энг гўзал шакли образини, гўзал аёл қиёфасини яратдики, кўрганда инсонга завқ, қувонч бахш этади. Греклар расм чизиш техникасидан ташқари анатомияни яхши билганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрда Грецияда бир неча тасвирий санъат мактаби мавжуд бўлган: Сикион Эфес ва Фиван мактаблариdir. Улардан Сикион тасвирий санъат мактаби табиат қонунига, илмий маълумотларга асосланган ўқитиш методикаси тасвирий санъатни ривожланишига таъсир кўрсатди. Бу мактабни Памфил, Мелантин, Павзий ва Апеллес каби улуғ рассомлар этишиб чиқди. Памфил Сикион мактабини ривожлантириди, кенг фикрли рассом сифатида тасвирий санъатни илмий асосларига муҳим аҳамият берди.


Уйғониш даври рассомлари асарларининг композицияий өчими.

Уйғониш даври ренессанс инсониятта улуғ санъат алломаларини етказиб берди. Ўша давр рассомлари эсдалик, кундалик, илмий мақолаларида композиция ҳақида қимматли фикр, хулосаларни ёзиб қолдирдилар.

Эрта уйғониш даврининг вакиллари Джотто ва Мазаччо ўз ижодларида перспектива, пластик анатомия, геометрия қонунларини амалда қўллаб, композиция фанининг билимдони эканликларини мисолда кўрсатдилар. Юқори уйғониш даври рассомлари санъатнинг ҳар хил турларини бир-бири билан боғлаб, унинг назариясини илмий асослаган холда ривожлантирдилар. Улар перспектива ёрдамида картинада чуқурлик, масофани тасвирини ҳаққоний намоён этишга эришишди. Кўп йиллик кузатув ва анализ натижасида кўзга кўринган рассомларнинг асарларини ғоя тузилиши, ранг ечимидаи услугуб, амалий тажрибаларини умумлаштириб Альберти "Ранг тасвир ҳақида уч китоб" илмий назарий мерос ёзиб қолдирди. Леонардо да Винчи ва Альберти ўз мақолаларида ва бадиий асарларида статик (ҳаракатсиз) ва динамикага (ҳаракат) алоҳида аҳамият берган эди. Француз рассоми Э.Делакруа ўз кундалик ва илмий мақолаларида Леонардо да Винчи, А.Дюрер, П.Рубенсларни композицияга оид қонунларини кенгайтириб чукур маънолар бағищлаб давом эттирди.

Инсон қалбига Оллоҳдан инъом этилган гўзаллик ва қобилиятни ўзига мужассам этган алломаларни ер юзига келишини инсоният бир неча бор гувоҳи бўлган. Леонардо да Винчини ҳар қандай мушкул ишларни осонлик билан уддасидан чиқадиган одил инсон шаклида кўрамиз.

Винчи шахридаги жаноб Пьеронинг ўғли Леонардо, шундай илоҳий куч-кудратта эга эдики, у бир неча ойлаб, математика билан шуғулланар, лирада мусиқа чалар, қўшиқ айтиб малакасини оширади. Шундай бўлсада асосий қизиқиши бўлган расм чизиш ва ҳайкалтарошликни ташламади. Худо берган бетакрор ақл-заковатли, хотираси кучли буюк аллома чизган тасвирлари билан инсонни ҳайраттга солар, фикр-мулоҳаза кучи билан лол қолдиради, У Милан шахрида Доминиканлик ака - укалар учун "Маҳфий кеч" номли гўзал асар яратди. Унда авлиёлар чехрасига хусн қўшиб, улуғвор қилиб



тасвирлади. Фақат Иисусни юз қиёфасини тасвирлашда илохий құдрати етмайды чала қолдирған ва умрини охиригача битира олмаган эди. Леонардо одам анатомиясini Галена таълимотига асосланған ҳолда чуқур ўрганди, мурдаларнинг сүяк мускулларини перо ва қизил қаламда синчиклаб чиза бошлади ва одам анатомияси тасвирлари китобини яратди. У отлар анатомияси китобини ҳам яратган. Бу анатомияга оид чизгиларнинг кўп қисми Леонардонинг автопортретлари билан бир қаторда бизларгача етиб келган.

Леонардо Франческо дель Джоконда учун унинг хотини Лиза портретини 4 йил мобайнида ишлади, аммо шундай бўлсада портретни охирига етказаолмади. Портретда аёлнинг ҳамма гўзал ҳислат, фазилатлари, ярқираган нам кўзлари киприкларигача жонли одам нигоҳи кўринишида асосли қилиб тасвирлаган. Тасвирий санъатда бундай тож асарнинг мавжудилгини дунёда энг қобилиятли, зеҳнли олим, аллома мусаввир қаламига мансуб бўлиши ҳалигача инсонларни беихтиёр ҳайратга солади.

XVI аср охирида композиция ўқув фани сифатида шакллана бошлади. Буни В. Неленг, С. Василев каби методистларнинг Франция сафаридан сўнг ўқитиш тизими ҳақидаги ҳисботлари орқали билиш мумкин. 1882 йили таникли педагог - рассом Виолие Ле Дюкани «Тарихчининг тарихи» китоби рус тилига таржима қилган эди. Бу китоб шахсий иш тажрибасидан келиб чиқиб, тасвирий санъат ўқитиш методикасидан сухбат тарзида берилган. Бу китобни «Сочинение» қисмида, ҳаёл, перспектива маълум қонунларга таянишини уқтириб ўтилган. Тасвирий санъатда композиция масалалари ҳақида дастлабки методик баённома муаллифи америкалик педагог – рассом А. Доудир. Бу ўқув қўлланмада тасвирда ҳар хил шакл, тусларни қофоз ва матога тўғри жойлаштириш, қофоз ҳажми ва форматига алоҳида аҳамият берган. Тасвирий санъатда янги импрессионизм оқимининг пайдо бўлиши - рангтасвирда янгиланишга восита бўлди, санъатнинг олдинга ривожланишига туртки вазифасини ўтади. Импрессионистлар ранг политрасини бойитди. XX аср бошларида Ғарбий Европа давлатларида ва Россияда ҳар – хил бадиий оқимлар пайдо бўла бошлади: футуризм кубизм, экспрессионизм, дадаизм, сюреализмлар шулар жумласидандир.

Тартибсиз мулоҳаза, қарама - қарши фикрлар кураши тасвирий санъат ва композицияни ўқитиш методикасига чалкашлик ва тартибсизлик олиб кирди. XX асрнинг биринчи чорагида тасвирий санъат Ғарбий Европа ва Америкада берк кўчага кириб қолган эди. Шу билан бирга кўп санъат мактабларида рассомлар реалистик санъат йўлида композиция назариясини ўрганишни давом этгирдилар. Россия тасвирий санъатида XVIII асрдагача икона рангтасвири тараққий этган. Энг қобилиятли рус иконачи

рассомлардан бири Андрей Рублев эди. Унинг машхур «Троица»си икона жанридаги қадимги классик композиция намуналаридан бири ҳисобланади. Композицияда бу рассом гавда ҳолатиниг аниқ тасвири, ранг гармонияси ва яхлитлигига эришди.

XVIII аср Рус тасвирий санъатида, реалистик бадиий мактабнинг асосчилари А.П.Лосенко, Г.И.Угрюмовлар ҳисобланадилар.

Россияда Петербург Бадиий академиясини битирган А.Иванов. А.Егоров, В.Шебуев, А.Венециянов, К.Брюлловлар ўз ижодий ва педагоглик фаолиятларида композиция муаммоларига кўпроқ аҳамият бериб, тасвирий санъатни янги поғонага қўтардилар. 1757 йили ташқил топган Петербург Бадиий академиясида мутахасислик фанларини ўқитиши мунтазам тарзда йўлга қўйилиши, Россия тасвирий санъатини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Машхур рассом ва педагог А.П.Лосенко ўз фаолиятида ижодий ёндошиб композиция масалалари устида ишлади. У ҳамма тасвирий воситалар асар ғоясига, мазмунига қаратилган бўлишини таъкидлади.

Лосенко ўз вақтида академик таълим методини янгилашни англади ва янги услуб-методикасини ишлаб чиқди. Унинг яратган Академия ўқитиши назарияси XIX аср ўрталаригача давом этди. Лосенко давридаёқ Россия Бадиий Академияси довруги ва обрўйи дунёга тарқалди. А.П.Лосенко юқори савияли композиция устаси эди. Буни «Владимир перед Рогнедой» картинаси мисолида кўриш мумкин. Лосенко дарс берган тарихий жанр классида картина тузилиши масалаларига кўп эътибор берилар эди.

П.И.Соколов, Г.И.Угрюмов, О.А.Кипренский, К.П.Брюллов каби улуғ рассом педагоглар А.П.Лосенкода ўқиб таълим олдилар. Лосенко бошлаган ишни ва Академиядаги педагогик фаолиятни Г.И.Козлов, П.И.Соколов (1782 й.) давом эттирадилар. Айниқса Угрюмов, Лосенко бошлаган тарихий жанр классида композицияни давом эттириди, унинг композиция назариясини мукаммаллаштириди. Унинг ўқувчиларидан А.Иванов, А.Егоров, В.Шебуевлар ҳам устознинг услубларини давом эттирадилар.

Шундай қилиб рассом-педагог ва методистлар XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида тасвирий санъат ва композицияни ўқув предмет сифатида рус бадиий мактабда ўқитилишни мумкинлигини исботладилар. Бу йўналиш рангтасвир композицияси устаси К.Брюллов томонидан қўллаб қувватланди.

К.Брюллов ўзининг педагогик ва ижодий фаолиятида гавданинг пластик тузилишига, асарда композиция - мувозанатини ҳаққоний тасвирлашга аҳамият берди. «Помпейнинг сўнги куни» асари бунга ёрқин мисол була олади. Асарда инсоннинг ҳаётда содир бўладиган хавфли, фожиали драматик дақиқалардаги ҳолати, табиатда чақмоқ натижасидаги қучли ёруғ нурлари остида бўлаётган таъсирчан воқеа контраст рангларда тасвирланган. Одамлар

кўзидаги қўрқинч, уларнинг гўзал нигоҳи, ҳатти ҳаракатлари, шиҷоатли оналар бадиий юксак маҳорат билан, юқори даражада жозибали тасвиrlанган. Брюллов бу асарида бадиий Академиянинг юксак ананаларини давом эттиради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида илғор маърифатли рус рассомлари ташқи дунёни ҳаётда тўғри тасвиrlаш учун кураш олиб бордилар. Реалистик санъатнинг ривожланишига И.Н.Крамской бошлиқ сайёр рассомлар катта таъсир кўрсатдилар. Асосан халқ манфаатини қўзлаб, ҳаётдаги муҳим воқеаларни кузатиб, ижод қилдилар, асар ғоясига катта аҳамият бердилар. Кўплаб рус рассомларининг устози П.П.Чистяков мутахассислик фанларни ўқитишининг янги тизимини яратди.

Реалистик санъатнинг буюк намоёндаси И.Е.Репин композицияни назарий ва амалий ривожланишига муҳим хисса қўшди. Шунингдек тарихий жанрда ҳар томонлама янги новаторлик воситалари билан В.Суриков рус рассомларига ўз таъсирини ўтказди. У композиция эскизини бажаришга алоҳида аҳамият берди. Уйлаган мавзуу рассом тасаввурни тикланса у дарров қўлига қалам, кўмирқалам, мўйқалам олиб эскиз бажаришга киришарди. Айниқса «Боярина Морозова» картинаси учун, ўнлаб, юзлаб қаламлавҳа, ранглар қаламлавҳа, эскизлар бажарган. У мавзуга оид бўлиб ўтган тарихий воқеаларни синчиклаб ўрганади.

XIX аср охири XX аср бошларида Россия санъатида ва ўқитиши тизимида илғор - прогрессив йўналиш билан бир қаторда реакцион кучлар таъсирида, буржуа фалсафасига тақлид қилган янгилик - «новизна» оқими ҳам пайдо бўла бошлади.

Маишӣ жанрдаги картина мазмуни, композициянинг бадиий юксак яхлитлиги аста - секин ўз кучини йўқота борди. Буюк педагог, рассом Д.Н.Кардовский буларга қарши муросасиз кураш олиб борди ва реализм позициясида туриб химоя қилди. Д. Кардовский ҳам П. Чистяков каби тасвирий санъатдаги ардоқли педагог - рассомлардан эди. В. Ефанов, Д. Шмаринов каби кўплаб Россия рассомлари унинг устахонасида яхши таълим олдилар.

Кўп йиллик педагогик фаолият мобайнида қаламтасвири ва композициядан мукаммал ўқув тизими шаклланди. Композиция ҳаёт ходисаларини образли акс эттирувчи восита бўлиб талабалардан маълум форматда, оддийдан мураккаб эскизлар бажаришга ўтиш принципларини қўйди. Кейинчалик композиция назарияси, амалиёти ва уларни ўқитиши методикасини асосий принципларини ишлаб чиқишида В.Фаворский, А.Дейнека, К.Юон, Е.Кибрик, А.Алпатов, Г.Нисский, Ф.Решетников, Д.Шмаринов каби улуг рус рассомлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Буларнинг

ичида К.Юон, А.Дейнека, Е.Кибрик, М.Алпатовларнинг қолдирган ижодий ва илмий назарияси тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Композиция назарий асосларни ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган рассомлардан яна бири Константин Юондир.

Улуғ рассомларни асарлари мисолида композиция тузилишини таҳлил қилиб: контраст, вертикал, горизонтал, диагонал симметрия, асимметрия, айлана, учбурчак, мувозанат, ритм яхлитлик, динамиқ, статик ҳолат, ёргу, ранг колорити, кўриш нуқтаси, горизонт, композиция плани, маҳобатлик, декоративлик каби тасвир услубларини кўрсатиб берди. К.Юон композицияни ўқитиш методикаси савиясини юқори даражага қўйиш керак деб ҳисобларди. Ҳар хил мавзудаги композиция эскизини бажариш жараёнида хомаки тасвир, ёруғ ва рангларни ҳар хил ҳолатида перспектива қоидаларини ишлата билишни тавсия қиласарди. Ҳаёт тассуротларини, гавдани турли ҳолати, гуруҳ одамларни ҳаракатдаги кўриниши, типаж, либослар, хона, бино бурчакларидан чизгилар чизиб, улардан унумли фойдаланишни тавсия этарди.

Композиция масалаларини такомиллиштиришга муносиб ҳисса қўшган буюк рассомлардан бири Е.Кибрикдир. У ўз асарлари билан графика санъатини юқори чўққиларига олиб чиқсан санъат усталаридан биридир. У ўзининг «Композиция масалаларига доир» (1961 й.) китобида композицияни тасвирий санътдаги объектив қонунларни, композицияни ўқитиш соҳасидаги методик қўлланмадаги камчиликларни ўқтириб ўтди. Композиция қонун - қоидаларини чуқур билиш, ижодкор онгига сайқал беради. Етук рассомларнинг ижодий тажрибасига ва композицияни ўқитиш услубиятига асосланиб Бадиий Академия томонидан 1960-64 йиллари нашр этилган 8 жилдли «Школа изобразительного искусства» номли методик қўлланма тасвирий санъат манбайнини бойитди.

Тасвирий санъатда композицияни ривожлантириш тарихи билан танишиб, имконият даражасида мавжуд фанга тегишли маълумотларни тартибли равишда ўрганиб, композиция назарияси ҳақида холосага эга бўлдик.

Гирих миллий нақш шаклли розеткасининг қаламтасвири (панжара, нилуфар нақши) мисолида

Панжара гипс нақш розеткасини тасвирлашдан асосий мақсад талабаларни ўзбек миллий халқ амалий санъати билан яқиндан таништириш ҳамда қуриш маҳорати ва шакл ҳажмини кўрсатишдан иборат.


Кўйилган вазифани амалга оширишда рельефли орнаментни бажариш мақсадга мувофиқ. Орнаментнинг конструктив қурилиши ва уни соя-ёруғ

тусини белгилаш ўқувчилардан диққат-эътиборни талаб этади. Орнамент чизувчиларга нисбатан кўз баландлигига оч-кулранг фонда жойлаширилади. Талабалар орнаментни ён томондан кузатиб, айрим перспектив қисқаришларнинг тасвирини бажаришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Нақш розеткасининг умумий шаклини бажариш жараёнида унинг асосий нисбатлари –бўйининг узунлигига ҳамда эни ва чуқурлигига нисбатан тўғри белгилаб олинниши муҳим.

Устки қисм шаклини тасвирлашда ўқувчилар шаклларнинг бир хил эмаслигини кўради. Бу уларни янада ҳар бир бўлакни диққат эътибор билан таҳлил этишга йўналтиради.

Ҳаққоний тасвирлашнинг асосий қонунларидан бири «панжара» геометрик нақшини таҳлил этиб, унинг характерли бўлаклари аниқланаб, босқичма-босқич тасвирланади.




Уфқ чизигининг қандай ҳолда турини чизиқли конструктив усулда бажарилади. Сўнг тасвирланган икки қисмли занжира элементи аниқланади. Бунинг учун занжиранинг гипс тахтасидаги энг юқори ва пастки қисми ҳамда чекка нуқталари белгиланади.

Маълумки, ушбу розетканинг томонлари, бурчак градуслари бир-бирига teng ва симметрик. Шунинг учун уни teng иккига бўлиб ўтувчи нуқталардан горизонтал ва вертикал тўғри чизиклар ўтказилади.


Ўтказилган вертикал икки чизик бир-бирига

қоғоз юзасида жуда енгил чизиқлар билан розетка томонларининг нисбатига қараб қоғоз тик ёки ётиқ ҳолда қўйилади.

Нақш намунасининг вертикал текисликка нисбатан оғвалиги, томонлардан бирининг иккинчисига нисбати, перспектив қисқариш ва



параллел бўлса, горизонтал чизиқ ганч тахтасининг юқори ва пастки горизонтал қирраларига параллел бўлмаган ҳолда ўз ҳолича ўтади. Чунки, бу икки тўғри чизиқ ўқувчи қайси нуқтадан туриб тасвирлаётганига қараб перспектив қисқариб боради ва маълум масофага бориб бир нуқтада учрашади (кесишади). Сўнг панжаранинг қалинликлари белгиланади ва улар тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилади. Бу вазифанинг 2-босқичи ҳисобланади.




бажарилади. Орнамент бўлакларининг ёруғ ва сояларини ҳеч қачон алоҳида алоҳида ишлаш ярамайди. Тасвирланаётган ҳар бир бўлакни бир-бирига таққослаган ҳолда баробар олиб бориш, тугалланганлиги жиҳатдан бир-бирига мувофиқ бўлиши керак. Ушбу амалнинг тўғри бажарилиши иш жараёнида қилинган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатишга ёрдам беради (3-босқич).

Вазифада босқичма-босқич иш юритиш, яъни орнаментни қоғозда тўғри жойлаштириш, ҳар бир бўлакни конструктив чизиқли қуриш ва ҳажмлари устида иш олиб бориш орқали бири иккинчисини тўлдириб боради.


Гипс орнаментининг тасвирини тўғри бажаришда ўқувчилар қўйидаги қонун ва қоидаларга амал қилишлари зарур:

1. Белгилangan ихтиёрий қоғоз сиртида тасвирланаётган натуранинг чекка қирраларини белгилangan ҳолда композицион тўғри жойлаштириш.

Кейинги босқичларда панжара томонларининг бурчаклари, текисликларнинг бир-бирига нисбатлари топилади. Сўнг розетка бўлакларидаги ёруғ ва соя, ярим соялар ёруғлик манбайнинг тушишига қараб қандай ўзгариши аниқланади. Соя бошланғич босқичда енгил штрихлар асосида



2. Натурадаги шаклларнинг асосий таянч нуқталарини белгилаб, улардан бирининг иккинчисига бўлган нисбатларини перспектив қонун-коидалар асосида тасвирлаш.



3. Шаклларни чизиқли конструктив равишда қуриш, натурада қўйилган асосий бўлакларни белгилаш.

4. Тасвирланаётган шаклларнинг характерли хусусиятларидағи тушувчи шахсий сояларни белгилаш ва алоҳида бўлакларга ишлов бериш.

5. Натурадаги барча буюмларни тус жиҳатдан яна бир бор қўриб, қўйилмадаги шаклларнинг характерини аниқлаш ва соя, ярим соя, ёруғ, рефлекс жойларини аниқлаш.

Буюмни бутун бирликка буйсундириш ва вазифага якун ясаш.

Ушбу методик кетма-кетликка риоя қилиб тасвирни тўғри бажарган ўқувчи вазифадаги қўйилган мақсадга эришади ва кейинги вазифаларни аниқ бажаришида у муҳим восита ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Қиёфачи қоматини чизишка қўйиладиган энг асосий талаблар нималардан иборат?
2. Инсон қоматини чизиш машқларининг тайёргарлик жараёнида қандай вазифаларни бажариш керак?
3. Одамнинг ялангоч қоматини чизиш машқини тик турган қиёфачини тасвирлашдан бошлаган маъқулми ёки ўтирган ҳолатини чизишданми?
4. Инсон қоматини чизишка пластик анатомияни билишнинг қандай аҳамияти бор? Улар нималарда намоён бўлади?
5. Аёл киши қоматини ташқи томондан эркак киши қоматидан фарқлантириб турувчи ўзига хос жиҳатлар нималардан иборат?
6. Бутун инсон танасини тўлигича тасвирлашда унинг ўлчамлари мутаносиблигини топишда одамнинг қайси муҳим аъзоси-қисми ўлчов (модуль) вазифасини ўтайди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишининг меъёрий-хуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. – 245б.
2. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
3. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. I том. –Т.: Ўқитувчи, 1987.

4-мавзу: Тасвирий санъатда пластик анатомия фаниниг тутган ўрни Режа:

4.1. Тасвирий санъатда пластик анатомия фаниниг тутган ўрни.

**4.2. Анатомия ва пластик анатомия фанларининг вужудга келиши
ва қисқача тарихи.**

4.3. Одам скелети тузилиши.(таянч аъзо тизими,)

Таянч сўзлар ва иборалар: “Пластик анатомия”, Гиппократ, суяклар, пайлар, мускуллар, Алкмеон Кротонский, «Қадимги медицина тўғрисида», «Суякларнинг синиши тўғрисида», Таянч тизими, Одам скелетининг тузилиши, суякларнинг бирикиши (бойламлар, тоғай ва чоклар, бўғимларнинг шакллари, уларнинг харакатлари), Чаноқ камари ва эркин оёқ суяклари ҳамда уларнинг пластикаси, оёқ бўғимларининг харакатлари, Бош скелети ва унинг пластикаси. Синдесмозлар, Синхондроз (Synchondrosis), Синостоз (Synostosis), энса суяги, ташқи энса дўмбоғи, чакка суяги чакка суягининг сўргичсимон ўсимтаси, ташқи эшитув йўли, паст жағбилан бирикадиган бўғим чуқурчаси паст жағнинг бўғим ўсимтаси.

1. Тасвирий санъатда пластик анатомия фаниниг тутган ўрни

Тасвирий санъатни пластик анатомиясиз тасаввур қилиш қийин. Малакали рассомлар қаламтасвир, рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқ санъатида инсон қоматини ва ҳайвонлар тасвирларини ҳаққоний бажаришда, уни жонли тарзда шакллантиришда пластик анатомияга оид маълумотларини мукаммал билишлари лозим. Рассом одам ёки ҳайвон қиёфасини тасвирлар экан, унинг тузилишини, анатомиясини билмоғи кераклигини уқтиради. Қадимги уста ассомлар одам суръатини чизишда, ундаги суяклар, пайлар, мускуллар ва терисига эътибор берилишини таъкидлайдилар. Дарсликларда одам ва ҳайвонларнинг анатомик тузилиши: суяклар, бўғимлар, бойламлар, мускуллар ва ички аъзолар тўғисидаги маълумотлар тўла ёритилган, лекин инсон танасининг хилма-хил харакатлари жараёнида (ўтирганида, турганида, юргурганида) скелет-мускул қисмларининг фазода ўзаро қандай муносабатда бўлиши, умумлаштирилган мускул массивларининг ҳосил бўлиши натижасида шаклни ўзгариши пластик анатомияни ўрганишига ундейди.

Пластик анатомия фани одам танасининг умумий анатомик таянч-харакат тизимидағи суяк ва мускулларнинг тузилиши, шакли, уларнинг бирикиши, бўғим турлари ва улардаги харакатларининг маълумотларидан ташқари, одамнинг динамик ва статик ҳолати, ташқи фазо, бўшлиқда тана оғирлиги мувозанат сақлаш, ҳамда тана турли қисмларининг нисбатларини ўргатади. Гавданинг ҳолати ўзгарганида суяк ва мускуллар ҳолатининг одам қиёфасига таъсирини “Пластик анатомия” маълумотлари асосида тасвирлар

шаклини чизма намоён қиласи. Калла суюгини тузилиши, шакли ва ундағи мускуллар, айниңса, мимика мускуллари гурхы, ҳамда юз қисмидаги бўлаклар (бурун, кўз, қулоқ, оғиз) тузилишининг ўзига хослиги инсон қиёфасини шакллантиришида Пластик анатомиясининг таҳлили алоҳида ўрин тутиши баён этилади.

Қаламтасвир, рангтасвир фанларида анатомиядан олинган билимларга таянган ҳолда, рассом инсон қоматининг расмини чизишда моделдан нусха кўчирмасдан тасвири жонли, жозибали қилиб яратиши лозим. Бунда тананинг ташқи ва ички тузилишини ва ҳаракатланиш механизмларини тасаввур қилиши керак. Шунда рассом натурани ундан кўркўона нусха кўчирмай тасвирлаш имконига эга бўлади ва композиция яратиш имконига эга бўлади. Ҳозирги анатомия фани фақат аъзоларнинг тузилишини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, уларнинг шаклларини (кўринишларини) ички ва ташқи муҳитга боғланган ҳолда ўрганади, бутун организмга ягона бир тизим деб қарайди. Анатомия ҳамма аъзоларнинг шаклини, ташқи кўринишини, тузилишини, уларнинг бажарадиган вазифаларига боғланган ҳолда ўрганади (функционал анатомия), чунки уларнинг тузилиши вазифалари билан бевосита боғлидир. Мураккаб тузилган одам организмини ўрганишни осонлаштириш масадида ундағи аъзоларни алоҳида-алоҳида тизимларга ажратилади.

Аъзоларни изчиллик билан ўрганишдан ташқари уларнинг жойлашиш тартиби, проекциялари ва ўзаро муносабатига, улар ўргасидаги бўшликлар, фасцияларга ҳам катта аҳамият берилади, чунки бусиз хирургияни тасаввур қилиб бўлмайди. Анатомиянинг ана шундай бўлими хирургик анатомия ёки топографик анатомия деб аталади. Рассомлар ва ҳайкалтарошлар ҳам организмнинг айrim қисмларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг ташқи тузилишларини (рассомлар анатомияси ёки пластик анатомия) ўрганадилар.

Анатомия фани органларнинг фақат нормал тузилишини ўрганиш билан чекланиб колмасдан, балки уларнинг касаллик вақтидаги ўзгаришларини ҳам (патологик анатомия) ўрганади. Пластик анатомия гавданинг ташқи қиёфасини коплаб турган органларнинг (сүяк, бўғим, пай, мускулларни), ҳамда бошнинг айrim қисмлари (юз, бурун, кўз, қулоқларни) тузилишини ва шаклининг ўзига ҳослигини, танани ташқи фазо бўшлик майдонида оғирлик мувозанатини сақлаш ва марказга тортилиш кучи қонуниятлари асосида, сурат, расм, график тасвирлаш усулларидан фойдаланилади. Бунда анатомик маълумотларга таянилади ва ҳажм шакллар яратиш санъати услуби қўлланилади.

2. Анатомия ва пластик анатомия фанларининг вужудга келиши ва қисқача тарихи

Қадимги Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Миср, Вавилония, Хитойда диндорлар илгари одам мурдасини кесиб ўрганишни катта гуноҳ деб ҳисоблаган. Шу муносабат билан мурдани кесиб ўрганишга уринган одамларга ўлим жазоси берилган. Мисрда зодагонларнинг мурдаларни мўмиёлаш одати бор эди, бироқ мўмиёгарлар одамнинг тузилиши билан қизиқмаганлар. Шу туфайли, одам анатомияси тўғрисида ҳар хил нотўғри тушунчалар пайдо бўлган. Жумладан эрамизгача 9-8-асрларда ёзилган Аюверда (уаёт илми)да гавдада учта нарса борлиги ёзилган: улардан бири киндиқдан пастда жойлашган ҳаво, иккинчиси киндик билан юрак ўртасида жойлашган ўт ва учинчиси киндиқдан юқорироқда жойлашган шиллиқдир.

Худди шу даврда Хитойда организмнинг ривожланиши ҳақида икки хил фикр ҳукм сурар эди: бу фикрлардан бирига кўра, хаётнинг руҳий манбаи ҳаво (пневмо) ҳисобланиб, унинг актив қисми – «янь» деб аталади. Бошқа фикрга кўра пассив қисм, яъни аёллар қисми – «инь» бўлиб, унинг моддий негизи қон ҳисобланган. Натижада, «янь» билан «инь»нинг организмдаги нисбатларига қараб, одам организмнинг ривожланишини, сихат-саломатлигини, касаллигини аниқлаш ва ўрганишга уриниб кўрилди. Хитойлик тиббиётшунослар шу фикрлар асосида bemорларни куйдириш ва нина санчиш йўли билан даволадилар. Бу усуллар ҳозир ҳам хитой халқ медицинасида қўлланиб келинади. Қадимги юнонлар мамлакатида анатомия чиндан ҳам ривож топди. Қадимги Юнонистоннинг кўпчилик олимлари, жумладан Гиппократ, Пифагор, Алкмеон ва бошқалар табиий фанларни ривожланишга катта ҳисса қўшганлар.

Пифагор (эрамиздан 590 йил илгари яшаган) машҳур файласуф математик бўлиб, тирик моддаларнинг келиб чиқишини ўрганди ва «мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси уруғдан пайдо бўлади» деган фикрни олға сурди.

Алкмеон Кротонский (эрамиздан таҳминан 500 йил илгари яшаган) ўзининг фан соҳасидаги кузатишларига асосланиб, биринчи бўлиб, мия фикрлаш маркази эканлигини айтди.

(эрамиздан 460–377 йил илгари яшаган) врач Гераклендининг ўғли бўлиб, Юнонистоннинг кос медицина мактабида таҳсил кўрди. Гиппократ шу даврга қадар медицина соҳасидаги мавжуд маълумотларни тўплади. «Врач ўз бурчини адo этишни хоҳласа, одамнинг табиатини ўрганиши керак – одам билан унинг овкати, ичимлиги ўртасидаги муносабатини таъсирини синчиклаб текширмоғи лозим», дейди Гиппократ. Медицина фани Гиппократнинг ўз кузатишлари ва текширишлари асосида ёзган 72 та асаридан 2000 йил мобайнида фойдаланиб келди. Унинг «Қадимги медицина тўғрисида», «уаво, сув ва бошқа заминлар тўғрисида», «Суякларнинг синиши тўғрисида» каби асарлари шулар жумласидан. Бундан ташқари, юрак ва қон

томирларнинг тузилишини ўз асарларида баён этди. Гиппократ юракда мускул қавати борлигини билган. Гиппократ мурдани ёриб ўрганиш дин томонидан бутунлай тақиқланган бир даврда бош сужклардан баъзи бирларини (айниқса, тепа қисмидаги сужкларини) ўрганиб, бош сужклари ичининг илма-тешик эканини ва бу сужклар бир-бири билан чоклар ёрдамида бирлашганини аниқлаган. Гиппократ анатомия соҳасида бирмунча хатога йўл кўйган. У организмдаги мускулларнинг алоҳида-алоҳида эканлигини инкор қилиб, гавдани фақат мускул қисмига ажратди. Асабларни пайлардан фарқ қила олмади, артерияда, ҳаво юради деб фараз қилди. Артерия номи (*artereo* – ҳаво, *tereo* – олиб боради, демакдир) ҳам ана шундан келиб чиқкан. У организмдаги ички органлар ва мия тўғрисида тушунчага эга бўлмаган. Гиппократ тўрт хил «суюқлик» – Қон (*sanquis*), шиллиқ (*phlegma*), ўт (*chole*) ва кора ўт (*melanchol*) организмда ҳаётни таъминлаб туради, деган фикри айтди. Унинг фикрича, бу суюқликлар миқдорининг ўзгариши одам табиатини белгилайди, яъни унинг фикрича, одам табиати унинг руҳий ҳаётининг бир тури – организмдаги суюқликлар ёки материянинг ҳолатига боғлиқ.

Аристотель (Арасту, эрамиздан 384–322 йил илгари яшаган) Юнонистоннинг атоқли олими Стагир (ҳозирги Афинага яқин жойда туғилган), Александр Македонский – Искандар Зулқарнайннинг тарбиячиси бўлган. У Гиппократнинг қон томирлари бош миядан бошланиб гавдага тарқалади деган хато фикрига қарши чиқиб, қон томирлар, қон системасининг марказий органи юракдан бошланишини кўрсатиб берди. Аристотелнинг ёзишича, қон ўпкадан келадиган ҳаво билан бирга юракдан сиқиб чиқарилади. Қон томирлар эса пайлар орқали тарқалади, шу томирлардаги қоннинг бир қисми тер бўлиб, гавданинг сиртига чиқади, қолган қисми эса организмнинг ривожланиши учун сарф бўлади. Аристотель асаблар билан пайларнинг бошқа-бошқа эканини аниқлади, баъзи артерияларнинг аортадан бошланишини билди ва аъзони қон, ёғ, тогай, суж тўқималаридан иборат деб ёзди. Аристотелнинг фикрича, асабларнинг ичи кавак бўлиб (*poroi*) бош мияда ҳосил бўладиган ҳаёт руҳи (*spiritus*) шу асаблар ичидан тарқалади, ҳаёт руҳи (*spritus vitalis*) эса юракнинг чап қисмida қон билан ҳаводан ҳосил бўлиб, аорта ва унинг тармоқлари орқали организмга тарқалади. У юракни уч бўлимга, камерага бўлди (аслида эса юрак тўрт бўлимдан иборат). Қон айланиш тизимини аниқ била олмади, нотўғри тушунди. Аристотель ўзининг руҳ организмдан ажralмаган ҳолда ҳаёт кечиради ва у билан биргаликда тамом бўлади, ўлади деган материалистик тушунчаси билан устози идеалист Платондан фарқ қилади. Аристотель биринчи бўлиб организмнинг эмбрионал давридаги ҳолатини

(хайвонларда) унинг анатомияси билан тақкослаган: шу билан эмбриология ва киёсий анатомияга асос солди. У 50 га яқин ҳайвон турини таққослаб, ҳайвонларни умуртқали ва умуртқасизлар, тирик тузувчилар ва тухум қўювчилар туркумига ажратди. Қон томирлари суюкларни озиқлантиришини ва юрак билан қон томирлар муносабатини аниқлади.

Герофил (эрамиздан 304 йил илгари яшаган) Искандария шахрида Птолемейнинг махсус сарой врачи эди. У беморларнинг нима сабабдан ўлганини аниқлаш учун ўзига берилган имкониятдан фойдаланиб, мурдаларни ёриб қўрар ва одамнинг баъзи аъзо ҳамда қисмларининг тузилишини ўрганар эди. Герофил ўша даврга қадар маълум бўлган тушунчаларни тизимга солди. Органларнинг тузилишини кесиб, ёриб ўрганиш натижасида (анатомия сўзи ҳам шундан келиб чиқсан, anatommo лотинча «кесаман», «ёраман» демакдир) «Анатомия тўғрисида» китоб ёзган. У анатомияни жарроҳликдан ажратиб мустақил фанга айлантириди. Герофил бош миянинг тузилишини, унинг қоринчаларини, пардаларини, томир чигалларини, вена бўшлиқларини ва асабларини текширган. Қон томирларини пайлардан, артерияни венадан ажратган ва жуда майда қон томирлар борлигини аниқлаган. Бундан ташқари, ўн икки бармоқ ичак (бу номни Герофилнинг ўзи қўйган), простата бези, ичак чарвиларидағи лимфа томирлар, кўздаги шишасимон тана, қон томирлар, турсимон пардалар ва ўпка веналарини кашф этган.

Галеннинг анатомия соҳасидаги хизмати катта: унинг суюклар тизими ва бойламлари ҳақидаги маълумотлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. У бир қанча мускулларни текширган ва улар қисқаришларининг асабларга ва бош мияга алоқадорлигини аниқлаган. Гален бош миянинг бўлимларини, унинг венасини ва орқа миянинг тузилишини аниқлади. У 12 жуфт бош мия асабларидан 7 жуфтини баён этди. Булар кўрув асаби, кўзни ҳаракатлантирувчи нерв, уч шохли нерв, танглай нерви, эшитиш нерви, юз нерви ва адашган (тил ости) асабларидир. Гален қон айланиши тизимини тузди. Лекин унинг схемасида қонни тўқималарга етказиб берадиган марказий орган жигар ҳисобланади, юрак эса қон айланишида иштирок этмаслигини таъкидланади. Гален ҳайвонлар юрагини эмбрионда текшириб, устки бўлмачалар ўртасидаги овал тешикни аорта билан ўпка артерияси ўртасидаги йўлни аниқлади ва артерияларда ҳаво эмас, балки қон оқишини биринчи бўлиб исбот этди.

10–11-асрларда ўрта Осиёлик Абу Али Ал-Хусайн ибн Абдулло ибн ал-Ҳасан ибн Сино (980–1037) Европада Авиценна номи билан 100 дан ортиқ асар яратди, булардан энг йириги «Тиб қонунлари» 30 марта қайта нашр этилди. «Тиб қонунлари» дунёдаги ҳамма мамлакатларда 600 йилдан ортиқ

вақт мобайнида асосий қўлланма бўлиб келди.

Самарқандлик олим Низомий Арудий (ўн иккинчи аср) «Тиб қонуни» билан танишган олим учун бошқа медицина асарларини ўқишга эҳтиёж қолмайди, деб унга юксак баҳо берди. Қонун беш жилдан иборат бўлиб, анатомия, физиология, ички касалликлар, жарроҳлик, фармокология, гигиена ва бошқа қисмларга бўлинади. Ибн Сино яшаган даврда ҳам мусулмон дини мурдани ёриб ўрганиш ва унга қўл теккизиши қатъий ман этган. Шу сабабдан, у анатомия ва физиология бўйича берилган маълумотларни Гиппократ, Аристотель ва Гален асарларидан олган. Платоннинг организм фаолиятини учта аъзо бошқариб турди, деган фикрини ўзгартириб, бу ҳақда ўз назариясини яратди. Унинг фикрича организм тўртта аъзо (юрак, мия, жигар, уруғбези) орқали идора килинади. Ибн Сино кўз соққасининг тузилишини мустақил ўрганди ва ёзиб қолдирди.

Абу Бакир ибн Туфайли (1110–1185) йилларда ижод этган, медицинани чуқур билган бу олимнинг анатомия соҳасидаги ишлари диққатга сазовор. У ҳайвонларнинг ўликларини кесиб ўрганиш натижасида организм ҳаётида асаб тизими бош (етакчи) ролини ўйнади, деган фикрни баён қиласди ва уни исботлади.

Леонардо да Винчи, Галеннинг анатомиядаги нотўғри тушунчаларини биринчи бўлиб фош қилган бўлса, Андреа Везалий ва Вильям Гарвей унга қақшатқич зарба берди, объектив анатомияга асос солди. Леонардо да Винчи (1452–1519). Уйғониш даврининг буюк арбоби, рассом, инженер ва файласуф. У анатомия билан махсус шуғулланмаса ҳам, чизадиган портретлари тўғри ва реал чиқиши учун 30 дан ортиқ мурдани кесиб, суяклар, мускуллар, ички органларини ўрганди, уларни расмларини чизди ва текширди. У расм чизар экан Гален анатомиясида жуда кўп нотўғри маълумотлар борлигини аниқлади. Ўз текширишларига асосланиб, оргалар ва мускулларнинг турли моделларини ясади. Леонардо да Винчи дунёда биринчи бўлиб одам организмидағи юрак қопқоқлари, тўсиқлари, бош ва орқа мия қоринчалари, нервлар, кўз ва бошқа органларнинг расмларини чизди.

Андреа Везалий (1514–1565) капитализм дунёга келаётган даврда яшаган бельгиялик олим, у атоқли анатомлар Видий ва Сильвийда таҳсил кўрди. Везалий ва бошқа ўқувчилар Галеннинг анатомия китобларидан фойдаландилар. Падуя мактабида «уаммомчилар ва медицина ходимлари учун» ҳар йили 4 марта афишаларга эълон қилиниб ўтказиладиган анатомик кўргазма (мурдаларни йиғилганлар олдида тантанали равишда кесиб намойиш қилиш) Везалийни қаноатлантирмади. У жуда кўп ит, мушук ва бошқа ҳайвонларнинг мурдаларини ёриб ўрганди, машқ қилди. Везалийнинг

1543 йилда Швециянинг Базель шаҳрида босилган «Одам танасининг тузилиши тўғрисидаги 7 та китоби»да одам органларнинг анатомияси ҳақида деярли мукаммал маълумот берилди. Бу асарга: суюк, бойламлар ва мускуллар, қон томирлар, асаблар, ички органлар (ҳазм органлари системаси ва жинсий органлар), юрак ва нафас органлари мия ва сезги органлари киритилади. Андреа Везалий ўзининг анатомия китобларида аёлларнинг тухум безларида (ovarium) пуфакчалар бўлиши ва уларнинг ичида тухум ҳужайралар (аёлларнинг жинсий ҳужайраси) жойлашганлигини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. У Галеннинг 200 дан ортиқ хатосини тузатиб, юрак қоринчалари ўртасидаги деворчада тешик бўлмаслигини исботлади.

Габриэль Фаллопио (1523–1562) тарихда биринчи бўлиб, суюкларнинг, айниқса, бош суюкларнинг ривожланиши ва тузилишини, мускулларини, жинсий органларини, эшитув ва кўрув органларини ҳар тарафлама батафсил ўрганди ва «Анатомик кузатишлар» китобини ёзди. Уозир ҳам одам организмдаги баъзи тузилмалар, жумладан бачадон найи, унинг номи билан аталади.

Бартоломео Евстахий (1510–1574) бир қатор олимлар билан Везалийнинг анатомияда кўйган хатоларини аниқлади ва тузатди, органларнинг тузилишини яна ҳам аниқроқ ёзди. Тишлар, буйраклар, эшитиш органлари ҳамда веналарнинг ривожланиши ва тузилишини батафсил ўрганди. Отнинг вена системасини ўрганиш пайтида қўкрак оқимини йўлини топди, уни қорин бўшлиғига қадар очиб кузатиб борди, лекин оқимнинг қорин бўшлиғидаги тармоқларини била олмади.

Вильям Гарвей (1578–1657) инглиз врачи, анатоми ва физиологидир. Гарвей ўз тажрибалари асосида юрак ва қон томирлари анатомиясини ўрганди ва тарихда биринчи бўлиб катта қон айланиш системасини аниқлади ва бу тўғрида 1628 йилда лотин тилида нашр этилган «Ҳайвонларда юрак ва қон харакатлари тўғрисида анатомик текширишлар» деган илмий асар ёзди. Юрак тўрт хонали мускулдан иборат халтacha бўлиб, унда маълум тартибда қопқоқлар (тўсиқлар) жойлашганидан Гарвей уни насосга ўхшатди ва қонни томирларга қисқариш кучи билан узатиб беришни тушунтириди. Гарвей қон артериядан венага ўтиб перифериядан марказга (юракка) беришини аниқлади ва артериянинг венага кўзга кўринмайдиган майда қон томирчалари орқали қўшилишини тахмин қилди.

Марчело Мальпиги микроскоп остида катта ва кичик қон айланиш системаси таркибида майда, кўзга кўринмайдиган қон томирлар (капиллярлар) борлигини кўрди. Бу майда томирлар вена артерияларни бир-бирига қўшиб турганлигини аниқлади. Шундан сўнг Гарвейнинг қон айланиш системаси қонуний равишда тасдиқланди. Марчело Мальпиги

(1628–1694) Болонье университетининг профессори, микроскопик анатомининг асосчиси, бир қанча органларнинг тузилишини микроскоп ёрдамида текширди ва терининг микроскопик тузилишини (Мальпиги қаватини), қора жигарда (талокда) ва буйракда танаачаларни топди, шунинг учун ҳам уларга Мальпиги танаачалари деб ном берилди.

Н.И.Пирогов (1810–1881) рус олими, топографик анатомияни асосчиси ҳисобланади. У одам анатомиясининг ўрганишда ажойиб усулларни қўллади. Жумладан, одам организмидаги органларни жойлашиш тартиби ва ўзаро муносабатларини (топографиясини) табиий ҳолатда ўрганиш учун мурдани музлатиб, қотириб, сўнг қўндалангига кесиб, арралаб кўриш усулини таклиф этади ва бу усулда жуда кўп препаратлар тайёрлади, расмларни чиздирди.

Пластик анатомияни ривожлантиришда рассом Леонардо да Винчи, Микеланджело Буанаротти, Рафаэль, Н.Лосенко, М.Дюваль, М.Рабинович, М.Тихоновлар катта ҳисса қўшганлар. Маълумки, пластик анатомия инсон гавдасидаги айrim нуқсонларини ёки унинг тана қисмларини турли ҳолатларини таҳлил қиласди. Рассомлар одам гавдасини анатомик қисмларини тўла-тўқис билишлари лозим, чунки турли ташқи омил таъсиrotлари сабабли, одамни ҳис-туйғуси, қадди-қомати ва танасининг ҳолати ўзгариши мумкин, у эса ўз ўрнида ҳажм ва шакллар яратиш санъатига таъсир этади.

Одамнинг дастлабки тасвиirlари Қадимги Шарқ мамлакатлари билан Мисрда ишланган. Деворларга расм чизиладиган бўлса аввало квадрат чизмаси туширилар эди. Ўша даврлар чизмасида бутун анатомия комплексидан факат нисбатларгина ўрганишар эди. Нисбатлар тўғрисидаги Миср қонуни бизгача етиб келди. Шу қонунга кўра бўйи ўртacha 19 энлик (бармоқ энича) келадиган фигура пропорционал деб ҳисобланади. Маълумки мисрликлар яланғоч ҳолдаги танани хилма-хил ҳаракатлари вақтида кузатиш имконига эга бўлганлар ва яратган санъат асарлари анатомик жиҳатдан деярли бенуқсондир. Ўрта асрларда дин илму фан санъатининг ривожланишига тўсқинлик қиласди, баданинг яланғоч ҳолда бўлиши жирканч ҳисобланарди. Уйғониш давридагина яланғоч бадани тасвиirlаш ва ўрагнишга яна қизиқиш ортди. Олимлар билан рассомлар одамларнинг мурдалари устида анатомияга хос далилларни ўрганишга киришдилар. Дастлаб анатомияни мурдалар устида актив ўрганган итаялийлик рассом ва ҳайкалтарош Антонно Палайолодир. Андреа Веррокио билан Микеланджело Буонарротилар анатомияни ўргандилар. Рафаэль рассомчиликка киришишидан аввал ўз асарлари композициясида қоматларининг анатомик хомаки расмларини ишлайди. Леонардо да Винчи эса нафақат одам анатомияси, балки ҳайвон ва паррандалар анатомияси ўрганди ва 70 дан ортикроқ анатомик расм ишлади. Тасвиirlарда ҳар бир

тананинг қисмини турли шаклларда жозибали қилиб яратди.

Тицианни ҳам анатомик расмлари бизгача етиб келди. Тициан шогирди Иоганн Стефан Калькар ва машхур италян анатоми Андреа Везалий ҳамкорлигига «Одам танасининг тузилиши» номли асарларида биринчи марта расмлар билан бойитдилар. Кейинчалик пластик анатомия қаламтасвир ва рангтасвир билан бир қаторда ўрганиладиган фанлар сафига киритилди. Рассом А.П.Лосенко пластик анатомиядан рус тилида қўлланма яратди. Бунда суратни анатомия, перспектива ва нисбатларидан фойдаланиб ҳажмга келтириб чизиш принципларига эътиборни қаратди. Мазкур китобда А.П.Лосенко этюдларидан бир намуна сифатида анатомик жиҳатдан муҳокама қилинган. Анатом олимларидан В.Н.Павлова ва Г.М.Павлов, П.И.Карузина, М.Ц.Рабиновичлар томонидан яратилган кўпгина ўқув қўлланма ва амалий услубий қўлланмалардан рассом ва педагоглар ҳозирги кунгача фойдаланиб келмокдалар.

Ҳаракат аппарати скелетдан, яъни кўпчилик ҳоларда бир-бири билан ҳаракатчан тарзда бириккан талайгина суюклар ва мускуллардан ташкил топгандир. Суюклар мускуллар орасида жойлашган бўлиб, улар гавданинг асосини ташкил этади. Мускуллар қисқарап ва бўшашар экан, суюкларни ҳаракатлантиради ва шу йўл билан бутун гавда ҳамда унинг айрим қисмлари шакли (вазияти) ўзгаради. Бу ҳолатни пластик анатомия ўргатади. Масалан гавдани тик ҳолатида туришини икки вазиятини таърифи қуидагича: инсон ростланган ҳолатида тик турганида иккала оёғига бир текис таяниб қўлларини гавда бўйлаб осилтирган ҳолатда қаддини рост тутиб турибди. Иккинчи вазиятда гавда оғирлиги ростланган бир оёққа таяниб оёқлар бир-биридан узоқлаштирилади, оқибатда гавда шакли ўзгаради, умуртқа поғонаси букилади, чаноқ суюги бир томонга кўтарилади, иккинчиси эса пастга тушади, иккинчи оёқ икки жойдан букилади, қўл учлари ҳар хил сатҳларда туради, четга оёқ тарафга қараб гавда қийшайган, қов бирлашмаси эса таяниб турган оёқ тарафига энгашади, кўкрак қафаси ҳам ўша томонга эргашади. Шу вазиятларда расм чизилса энг аввало анатомик элементларига, яъни гавда, қўл, оёқ суюкларининг ҳолати ва турган жойларидан қатъий назар расмнинг таянч суюқ нуқталарини инобатга олган ҳолда чизиш лозим (1-расм).

Жисмоний машқ жараённида, айниқса барча оғирлигини бир оёққа туширган вақтда гавдани вазияти эгилган ҳолатда бўлади. Сабаби тос суюги қайси оёқда турган бўлса ўша оёқни суюгига тегиб туради. Тос суюги эса тўғри умуртқа поғонасини ва кўкрак қафасини суюкларини ушлаб туради ва танани мувозанатини сақлайди. Юқорида келтирилган мисолга кўра гавдани шакли бериладиган машққа боғлиқлиги қайд этилди. Гавдада кўкрак қафаси,

tos ва умуртқа каналини сүякларнинг бўртмалари кўринади. Шу сүяклар гавдани тик тутишда ёки букилиб туришида таянч нукталарини ташкил этади. Иккинчи мисолда ўнг ёки чап қўлни горизонтал ҳолда қўлни олдинга узатилса ва бармоқлар билан янада олдинга қараб чўзилса, қўл маълум миқдорда олдинга қараб янада чўзилади. Бу ҳолатда кўрак ва елка сүяклари ва уни атрофидаги мускуллар ҳам чўзилади ва сүяклар дўппаймаси ҳосил бўлади, у эса таянч нуктасини ҳосил қиласди

Гавданинг айрим қисмлари шаклини ёки қиёфасини ўзгариши мускул гурухларига жисмоний машқ жараёнида қузатиш мумкин. Агарда қўлни (билак тирсакни елкага яқинлаштирилса ва букилса елкани икки бошли мускули калта тортиб йўғонлашади, бармоқларни букувчи мускулларни пай қисмлари яққол кўринади. Қўлни юқорига кўтарганда ҳам танани шакли ўзгаради, курак суюгини акромиал ўсиғи атрофида чукурча ҳосил бўлади. Қўлни янада юқорига кўтарилиса, бир қанча мушаклар гурухи сүяк билан бирга кўтарилиб, орқанинг шаклини ўзгартиради. уар қандай ҳаракат модели танада ўзига хос ўзгартиришга сабаб бўлади. Бу ҳолатда мускуллар қисқаради, таранглашади, сүяклар эса, бўғимларда янгича ҳолатга ўтади. Шунинг учун барча сүякларни пухта ўрганиш, уларни ҳаракатга келтирувчи мушаклар гурухини ва бўғимлар, уларнинг хилларини билиш лозим.

Тананинг турли қисмларидаги мускулларни ўрганишда уларни бўғимлар билан боғлиқлигини: масалан, тос камарини оёқ мускуллари, ҳамда умуртқа пофонаси кўкрак қафаси билан боғлиқлигини ва уларни анатомик тузилишини билиш шарт. Шунинг учун таянч ҳаракат аппаратини яхши ўрганиш керак. Танадаги сүяклар ҳар хил шаклда ва катталиқда бўлиб, уларнинг бажарадиган вазифаси ҳам турлича: улардан баъзилари таянч вазифасини бажарса, бошқалари ҳимоя (ички органлар, мияга бўшлиқ ҳосил қиласди) вазифасини ўтайди. Сүяк қон яратувчи орган вазифасини ҳам бажаради. Сүякларни мускуллар ҳаракатга келтиради. Гавдага мускул шакл беради.


Одам скелети тузилиши

Таянч тизими, Одам скелетининг тузилиши, сүякларнинг бирикиши (бойламлар, тоғай ва чоклар, бўғимларнинг шакллари, уларнинг ҳаракатлари), Чаноқ камари ва эркин оёқ сүяклари ҳамда уларнинг пластикаси, оёқ бўғимларининг ҳаракатлари, Бош скелети ва унинг пластикаси.

Скелет бир қанча алоҳида сүякларнинг комплекс йиғиндиси бўлиб, организмнинг қаттиқ негизини ҳосил қиласди. Одам скелети 206 та алоҳида сүяклардан (ундан 170 таси жуфт, 36 таси тоқ) иборат.

Бу сүяклар ўзаро бойламлар тоғайлар ва бўғимлараро бирлашади. Одам

скелетининг оғирлиги ўртача 5–6 кг ёки гавда оғирлигининг 8–10 фоизини ташкил этади. Скелетни учта функцияси: таянч, ҳаракат ва ҳимоя вазифасини ўтайди. Юмшоқ тўқима ва органлар скелетнинг турли қисмларига ёпишганлиги таянч функциясини юзага чиқаради. Уаракат функцияси скелетнинг айрим қисмларидан ҳар хил ричаглар ҳосил қиласи, суюкларга ёпишувчи мускуллар бу ричагларни ҳаракатга келтиради. Гавдадаги суюклар шакли ва катта-кичиклиги билан бирбиридан фарқ қиласи: улар найсимон, ясси, ғовак ва сесамасимон суюкларга бўлинади. 1-расм.



Суюклар ҳаддан ташқари мустаҳкам бўлади ва жуда катта қаршиликка бардош беради. Кексаларда суюклар бир мунча мўрт бўлиб, тахминан 25 ёшларга борганда суюкларнинг ўсиши тўхтайди, чунки шарсимон бошчаси билан танасини орасида эпифизар тоғайи мавжуд, шу тоғай кейинчалик суюк тўқимаси билан алмашинади. Скелет суюкларининг юасида дўмбоқчалар ғадир-будур жойлар мавжуд-мускуллар шу жойларга кириб бирикади.

1. Синдесмозлар (*Syndesmosis*). Суюклар толали бириктирувчи тўқималар ёрдамида бирлашади. Бириктирувчи тўқима суюклар орасида кенг парда ёки тутам-тутам бойлам холатида ёки юпқа бириктирувчи тўқима пардани чок ёрдамида қўшилади (калла скелетини тепа суюги). Бундай суюклар бир-бирига нисбатан мутлақо ҳаракат қилмайдиган, қўзғалмайдиган бўлиб бирикади.

2. Синхондроз (*Synchondrosis*). Суюклар ўзаро тоғайлар воситасида бирлашади. Бундай бирикмалар суюкларга бир-бирига нисбатан арзимас даражада букилиш имконини беради. Қовурғалар билан тўш суюги ва умуртқалар таналари орасида ана шундай бирикмалар бор.

3. Синостоз (*Synostosis*). Суюклар оралиғидаги парда суюкланиб кетади, оқибатда бир нечта суюк бирлашиб битта яхлит суюк ҳосил бўлади. Масалан: думғаза суюги.

Бойламлар, дисклар, менисклар ва синовиал халталари учрайди. Бойламлар шаклланган зич қўшувчи тўғимадан ташкил топган. Улар бўғим капсуласидаги фиброз қаватининг қалин тортишидан ҳосил бўлади. Бўғим ичидаги дисклар ва менисклар юпқа гиалин тоғай қавати билан қопланган толали тоғайдан тузилган. Дисклар сидирға пластинкалардан иборат,

менисклар эса ўроқ шаклда букилган пластиналарга ўхшайди. Улар бўғим юзалари шаклан бир-бирига тўла мос келмайдиган бўғимларнинг ҳаракатларида қатнашади.

Бўғимларнинг шакли цилиндрик, ғалтаксимон, эллипссимон, эгарсимон ва шарсимондир. Бўғимларда ҳаракатлар битта, иккита ва учта ўқ атрофида бажарилади. Шунга қараб 1 ўқли, 2 ўқли, 3 ва 4 ўқли бўғимлар назарда тутилади

Бош бармоқ кафт билак узук бўғмида ҳам шундай ҳаракат қилиши мумкин, бунда бош бармоқнинг учи айланмасдан ҳавода доирасимон шакл чизади. Уч ўқли бўғимлар шарсимон бўғимлар ҳаммадан кўра ҳаракатчан бўғимлардир. Бирикадиган бир суюк юзаси шар кесмаси шаклида бўлса, иккинчи суюкда шунга мос келадиган ботиқ юза бўлади. Бунга елка бўғми мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу бўғимда жуда хилма-хил ҳаракатлар, жумладан айланма ҳаракатларни ҳам бажариш мумкин.

Ясси бўғимларда бир-бири билан бирикадиган суюклар юзаси жуда кам даражада эгилган бўлади. Шунда бўғимларда бир-бири билан бирикадиган суюклар, масалан оёқ панжаси гумбазидаги суюклар бир-бирига нисбатан сал сирғаниши мумкин холос, бу жойда занжирга ўхшаб кетган бир нечта бўғимлардаги суюкларнинг бир-бирига нисбатан сирғаниши оёқ панжаси гумбазига зарур даражада эластиклик беради.

Иккита суюк бир-бири билан бирикадиган бўлса, бундай бўғим оддий бўғим деб аталади, борди-ю бир нечта суюк бирикадиган бўлса у вақтда бўғим мураккаб бўғим дейилади.

Назорат саволлари:

1. Эркак ва аёлнинг гавда тузилиши ва ўлсамларининг фарқлари асосан қайси тана бўлакларида яққол сезилади?
2. Тана конструктив тузилишини белгилаб, асос сифатида муҳим роль ўйновчи ички аъзолар тизими нима деб аталади?
3. Инсон скелети тизими нечта катта бўлим, қисмга эга?
4. Одам тасвирини академик қаламтасвири нима билан ишланади? У қай йўсинда, нисбатан нечта босқичда олиб борилади? Қанча муддатда (камид) ишланиши мақсаддага мувофиқ?
5. Ўтирган эркак киши расмини тасвирида қўлни чизишнинг қандай мураккабликлари бор?
6. Одам расмини чизишда (тўлиқ қоматини) қандай тасвирлаш, ифодалаш техникаларидан фойдаланилади? Уларда қаламдан бошқа яна қандай ашёларни қўллаш мумкин?
7. Инсоннинг иккинчи портрети деганда рассомлар нимани назарда тутадилар?

8. Икки киши иштирокидаги қўйилмани чизишда қандай мураккабликлар мавжуд?

9. Икки киши иштирок этувчи ўқув-машқ қўйилмалари композициясини ҳал этишда нималарга эътибор берилиши керак?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. II том. – Т.: Санъат, 2001.
2. 23. Абдирасилов С., Толипов Н. Рангтасвир. -Т.: Билим, УМКХТМ. 2005.
3. Абдурахмонов F.M. Композиция асослари – Т.: “ТДПУ”, 2008.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ



1-амалий машғулот: Тасвирий санъат фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Мустақиллик даври тасвирий санъати фанининг ривожланиш.

Режа:

Чет элларда тасвирий санъатни ўқитиш тарихидан.
Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилиши.

Мазмуни: 1. Тасвирий санъатни ўқитишга доир дастлабки маълумотлар ва уларнинг характеристики. 2. Европада Уйғониш даври рассомларининг хизматлари. 3. Расм чизишга ўргатишдаги ўзига хос турли қарашлар. 4. Россия мактабларида тасвирий санъатни ўқитилишини ўзига хос хусусиятлари. 5. XX асрда собиқ иттифоқ мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши.

Таянч иборалар: Тасвирий санъат, композиция, перспектива, китоб графикаси, миниатюра, диссертацион тадқиқотлар, ҳайкаллар, психологик асослар



Чет элларда тасвирий санъатни ўқитиш тарихидан

Жаҳонда тасвирий санъатни ўқитилишига дастлабки ҳақида маълумотлар етарли бўлмасада, бироқ қадимги Миср ва Юнонистонда эрамиздан аввалги 3-асрларга доир материаллар ҳам мавжуд. Қадимги Мисрда тоғ қояларига ўйиб ишланган ҳайкаллар, шунингдек рангтасвир асарлари ўзининг юксак бадиийлиги ва ишланиш техникаси жиҳатидан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. 1-расм.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бундай санъат асарлари қандай шаклда бўлишидан қатъий назар уларни маҳсус мактабларсиз яратиб бўлмайди. Кишилар ўз тажрибаларини кейинги авлодларга турли йўллар билан ибтидоий жамоа давридан бошлаб ўтказиб келганлар десак

янглишмаган бўламиз. Бунга энг қадимги Мисрда расм чизишга ўргатишга доир тарихий манбалар гувоҳлик беради.

Тасвирий санъатни ўқитиш иши билан одамлар қадимдан шуғулланиб келганликлари кўпроқ қадимги Миср манбаларида сақланиб қолган.



Миср мактабларида расм ишлашга ўргатиш мунтазам равища чизмачилик билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Тарихий маълумотларга қараганда мактабни тугаллаб чиҳаётган ёшлар маълум майдон юзасини ўлчаш ва уни қофозга тушура оладиган, бино планини чиза оладиган, ариқ ва каналларнинг схемасини тасвирлай оладиган бўлишлари талаб этилган.



Расм болаларни ёзиш саводини чиқаришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Масалан “о” ҳарфини ўргатиш учун оёқ расми, “қ” ҳарфини ўргатиш учун қўл расми чиздирилган.

Болаларни расм чизишга ўргатишда қўлни эркин ҳаракат қилишига алоҳида эътибор берилган. Эркин, енгил, равон чизиклар чизиш доскада ёки папирус қофозларда бажарилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, бу давр мактабларида факат болалар ўқиганлиги сабабли уларга ниҳоятда юкори талаблар қўйилган.

Шунинг учун ҳам талаб ва кўрсатмаларга риоя қилинмаганда болалар каттиқ жазоланган, ҳаттоқи ёғоч билан калтакланган.

Миср мактабларида расм чизишга ўргатиш назарияси бор-йўқлиги маълум бўлмасада, айрим расм чизиш қоидалари қўлланилган. Ўқитувчилар расм чизишни (шакл, ранг, ўлчов, тузилиши в.б.) табиатни кузатиш асосида эмас, кўпроқ намунадан, схемадан кўчириш орқали ўргатганлар.

Айрим маълумотларга қараганда, Мисрда расм чизишга ўргатиш қадимги Юноистондан анча аввал бошланган. Италиялик XV аср меъмори, артисти, ёзувчиси ва олими Л.Б.Альберти шундай деб ёzádi: “Мисрликларнинг ёзишича, рангтасвир ишлаш уларда Юноистондан олти минг йил аввал мавжуд бўлган”¹.(5.40)

Расм чизишга ўргатиш қадимги Юноистонда ҳам ўзига хос йўналишда амалга оширилган. Уларда расм ишлашга ўргатишда табиатни, бутун

борлиқни ўрганишга, унда гўзалликларни идрок этишга алоҳида эътибор берилган. Расм ишлаш учун ёғоч тахта устига асалари мўми суртилган ва унинг устини бўёқ билан сидирға бўялган. Расм ана шу юза устига ўткир металл ёки суюк билан чизилган. Нотўғри чизилган расм қўл билан ишқаланиб, чизиклар ўрни тўлдириб ўчирилган. Сўнгра текис юзага янги расм ишланган.

Эрамиздан аввалги 432 йилда Юнон ҳайкалтароши Поликлет киши танаси аъзолари ўртасидаги мутаносиблиқ, пропорционалликка доир намуна сифатида “Дорифор” ҳайкалини яратди. Кейинчалик у барча маҳсус бадиий ва бадиий бўлмаган мактабларда ўргатилди.

Юнон рассомлари борлиқни ва турмушдаги гўзалликларни кузатиш асосида тасвирилашни қонун ва қоидаларини ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрича гўзаллик, қўпроқ хушбичим, тартиб, ритм ва симметрия, бўлаклар ўртасидаги мутаносиблиқ, тўғри математик муносабатларда ифодаланади. Кейинчалик Юнонистонда расм ишлашнинг бир неча ўзига хос мактаблари пайдо бўлган. Улар орасида тасвирий санъат ва уни ўқитиш тараққиётида Сикион мактаби катта роль ўйнаган. Бу мактабда ўқитиш ишлари илмий асосда ташкил этилган бўлиб, болалар қўпроқ табиатга, унинг қонуниятларини билишга қаратилган.

Бу мактабни битирганлар орасида Памфилдек машҳур рассомлар ҳам бўлган. Памфил расм чизишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб берган. Бу ҳақда унинг замондоши Плинний шундай деб ёзган эди: “Унинг саъи ҳаракати билан аввал Сикионда, сўнгра Юнонистонда ҳамма болаларга расм чизишни ўргатиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бошланғич таълим расм чизишдан бошланиши қайд қилинган эди.”

Уйғониш даврида Италия тасвирий санъати ва уни ўқитиш методи катта роль ўйнаган. Бу даврда расм чизиш умумий таълим берадиган ўкув предметлари қаторига киритилди. Машҳур рассомлардан Ченнино Ченнини, Леон Батиста Альберти, Леонардо да Винчилар бу борада эътиборга лойик ишларни амалга оширганлар. Уларнинг асарларида фан ва санъат ўртасидаги алоқалар, пропорция, перспектива, анатомия масалалари асосий ўринни эгаллади. Уларнинг фикрларига кўра натурага қараб расм ишлаш ўқитишнинг асосини ташкил этиши лозим ҳисобланган.

Айниқса, Леонардо да Винчи тасвирий санъатни ўқитиш методикаси тараққиётига катта таъсир кўрсатган. У ўзининг “Книга о живописи” номли ишида рассомчиликни жиддий илмий фан соҳаси деб қаради. У кўп йиллар давомида анатомия, ранг, киши аъзолари ўртасидаги мутаносиблиқ қонуниятларини ишлаб чиққан.

Тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштиришда Уйғониш даврининг немис рассомларидан А.Дюрернинг хизматлари катта бўлди. У биринчи бўлиб расм ишлашни енгиллаштириш учун геометрик методни ўйлаб топди. Унинг фикрича ҳар қандай буюм, қисм ва юзалар асосида геометрик шакллар ётади. Шунинг учун чизишка у ёки бу нарсаларни тасвирлашда аввал геометрик шакллар чизиб олиниши лозим, кейин улар умумлаштирилиб, ҳақиқий тасвир ҳосил қилинади. Кейинчалик унинг бу методи Дюпюи, Ашбе, Чистяков кабиларнинг педагогик фаолиятларида кенг қўлланила бошланган. Ҳозирги кунларда ҳам бу метод ўз кучини йўқотганича йўқ.

Уйғониш даври рассомларининг катта хизматлари шундан иборат бўлдики, улар тасвирий санъатда анатомия, перспектива, ёруғсоянинг бениҳоя катта аҳамиятини асослаб бердилар. Натижада санъат асарлари ўзининг юксак бадиийлиги ва реалистиклиги билан томошабинларни лол қолдирадиган бўлди.

Шунга қарамасдан тасвирий санъатни ўқитиш тизимини яратиш уларга насиб этмади. Бу муаммолар асосан XVI асрдан бошлаб ешила бошлаган. Бир қатор академиялар ташкил этилиши ишни енгиллаштиради. Бундай академиялар Флоренция, Рим, Балон каби шаҳарларда очилди. Аввалги вақтларда бундай мактаблар хусусий шахслар томонидан ташкил этилган бўлса, энди давлат ва жамоалар ҳам бунга ўз улушларини қўшабошлаган эдилар. Бу ўқув юртлари орасида машҳур рассом, ҳайкалтарош ва муаллим ака-ука Каррачилар ҳамда унинг амакиваччалари Агостино ва Аннибале томонидан очилган бадиий Академия кўпроқ из қолдиради. Улар яратган ўқитиш тизимида ўқув материалларини тез ўзлаштириш, ўқувчиларни илмий билимлар, мунтазам машқ, қонун ва қоидалар асосида расм ишлаш малакаларни ҳосил қилиш асосий ўринни эгаллади.

Бу рассом–муаллимлар ўзларидан аввал ўтган рассомларнинг тажрибалари ва ютуқларини умумлаштириб, талабаларни шу асосда ўқитишга ҳаракат қилдилар. Улар ўз фаолиятларида ёруғсоя, колорит, ранг, конструкция, анатомия, перспектива масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Айрим тарихий ва санъатшунослик маълумотларига қараганда Дюрер томонидан бир қатор назарий ва амалий қўлланмалар яратилган. Лекин улардан айримлари сакланиб қолган, холос.

Академик тизимга кўра жиддий илмий билимларсиз расм ишлашни ўрганиб бўлмайди. Болалар расм чизиш орқали борлиқни билиб борадилар. Бу сифат ҳар бир шахс учун, у қайси соҳанинг мутахассиси эканлигидан қатъий назар зарур деб ҳисобланди.

Кейинчалик Балон академияси таъсирида Парижда, Венада, Берлинда, Мадридда, Петербургда, Лондонда ана шундай академиялар очилди.

Тасвирий санъатни ҳамма умумий таълим мактабларида ўқитилишининг фойдали эканлиги буюк чек педагоги Я.А.Коменский томонидан унинг “Буюк дидактика” асарида ривожлантирилди.

Умумий таълим тизимида расм ишлашни такомиллаштиришда француз олими Ж.Ж.Руссонинг фикрлари диққатга сазовордир. У ўзининг “Эмил или воспитание” номли китобида борлиқни билишда натурага қараб расм ишлашнинг аҳамияти катта эканлигини исботлаб берган. Унинг фикрича расм чизишни кўпроқ табиат қўйнида амалга ошириш самаралидир. Чунки, болалар табиат қўйнида нарсаларни ҳақиқий ранги, перспектив қисқаришларини кўргазмали равишда ўз кўзлари билан кўрадилар, унинг қонунларини онгли равишда тушуниб етадилар. (29. 313).

Европа педагоглари орасида расм чизишни умумий таълим мактабларида алоҳида ўқув предмети сифатида ўқитилиши ва уни такомиллаштиришда И.В.Гёте (Германия), И.Г.Песталоцци, И.Шмидт ва П. Шмидт (Швецария), А. Дюпюи ва Ф. Дюпюилар (Франция) катта ҳисса кўшдилар.

Умумий таълим мактабларида расм ишлашда натурал методдан кўра геометрик методларни афзалликларини Н.Песталоцци, П.Шмидт ва И.Шмидт каби педагоглар ёқлаб чиқдилар. Натижада, мактабларда расм чизишга ўргатишда иккита қарама-қарши натурал ва геометрик методга асосланган икки оқим пайдо бўлди. Натурага асосланган расм чизишни устунликларини Я.А.Коменский, Ж.Ж.Руссо, И.В.Гётелар ёқлаган бўлсалар, геометрик методни кўпроқ И.Г.Песталоцци, И.Шмидт ва П.Шмидт, Ф.Дюпюилар асослашга ҳаракат қилдилар.

Лекин, XIX асрнинг иккинчи ярмидан геометрик метод Европанинг кўп мамлакатларида қўлланила бошланди. Шундай қилиб, XIX аср ўрталарига келиб, Европада расм чизиш фан тарзида умумий таълим мактабларида ўқитилиши анча ривож топди. Бу соҳада рассом ва муаллимлардан ташқари санъатшунослар, педагог, психологлар, врачлар шуғуллана бошладилар. Расм чизишни ўқитиш методологиясига доир бир қатор адабиётлар нашр этила бошланди. Бу борада Кульман, Пранг, Эльснер, Баумгарт, Аусберг, Брауншвиг, Тэдд кабилар жонбозлик кўрсатдилар. Булар томонидан яратилган адабиётларда расм чизиш қоидалари, унинг методикасида қарама-қарши фикрлар бўлса-да, бироқ натурал метод борасида бундай қарама-қарши фикрлар рўй бермади.

XX аср бошларида болалар тасвирий ижоди борасида биогенетик назария юзага келди. Бу борада немис олими Г.Кершенштейнер, рус санъатшуноси А.Бакушинский, америкалик Ж.Дюпюилар фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг фикрига қараганда болалар бадиий ижодига

аралашмаслик керак. Улар эркин ижод қилишлари лозим. Уларнинг ижодига аралашиб таълимни тезлаштириб бўлмайди. Чунки, ҳар бир бола ёшига мос равишда аввалдан белгилаб қўйилган босқичларни босиб ўтади. Бу босқични ўтамасдан, иккинчисини ўзлаштириб бўлмайди ёки уларнинг ижодига аралашиб, уларнинг фикрлари, ҳис-туйғуларини ўзгартириш мумкин эмас. Шунинг учун болаларнинг ижодига раҳбарлик қилиш, аралашиш жиноятдир деб ёзилар. Кейинчалик бу ғоя “Эркин тарбия” номини олди.

Расм чизиш Россия мактабларида умумий таълим ўкув предмети сифатида XVIII асрнинг бошларида пайдо бўлди. Бу даврда расм чизиш Денгиз академияси, хирургия мактаби, кадетлар мактабида, фанлар академияси қошидаги гимназияда, қизлар тарбия билим юритида ўқитилган.

Бу ўкув юртларида расм чизишга ўргатиш рассомлар тайёрлаш учун эмас, балки ёшларни касбий фаолияти ва келажак ҳаётларида фойдаланишлари учун керак бўладиган соҳа деб қаралар эди.

1934 йилда рус рассоми А.Сапожников биринчи бор умумий таълим мактаблари учун “Расм чизиш курси” номли дарсликни яратди. Мазкур дарслик натурага қараб расм чизишга асосланган эди. Дарслик реалистик расм ишлаш асосида қурилган бўлиб, унда перспектива, ёруғсоя қонунлари ҳам ўз аксини топган эди. Шу билан бир қаторда Сапожников сим, картон, гипс каби материаллардан нарсалар тузилиши, перспектив қисқариши, ҳажмига доир методик кўргазмали қуроллар мажмуасини ҳам яратди. Муаллифнинг тавсияларига кўра ҳар қандай натура асосига турли ҳажмли ва юзали геометрик шакллар ётиши, шунинг учун ҳам расм чизишда геометрик методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

Россияда тасвирий санъатни умумий таълим мактабларида ўқитилишига доир йирик фундаментал асар яратганлардан бири Г.А.Гиппиус бўлди. Унинг “Очерки теории рисования как общего учебного предмета” номли асарида ўша даврдаги расм чизишга ўргатишдаги энг илгор ғоялар ўз аксини топган эди.

Россия мактабларида расм чизиш оммавий тарзда ўқитила бошлангач рассом-ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси пайдо бўлади.

Махсус ўқитувчилар тайёрлаш мақсадида 1825 йилда Москвада Строгонов номидаги техникавий расм билим юритида янги бўлим очилиб, унда расм ўқитувчилари тайёрлана бошлади. 1879 йилдан эса Санкт-Петербург бадиий академияси қошида расм ўқитувчилари тайёрловчи курс очилди. Бу курслар учун дастур, методик материаллар тайёрлашда бадиий академия профессори П.Чистяков фаолият кўрсатди. Бу даврда тузилган дастур ва қўлланмаларда А.Сапожниковнинг геометрик кўчириш методлари амалиётдан чиқарилиб, мактабда расм дарси фақат натурал метод асосида

расм ишлашдан иборат эканлиги қайд қилинди. Мазкур дастур ва қўлланмаларда болалар тасвирий фаолиятларига эркинлик бериш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилди. Расм чизиш муаммоларини ҳал қилишда XIX аср бошларида Москва ва Петербург шаҳарларида ташкил этилган “Расм ўқитувчилари жамияти” эътиборга лойиқ ишларни амалга оширди. Бу даврда мутахассислар орасида расм чизишга ўргатиш масалалари катта қизиқиши ўйғотган бўлишига қарамасдан бу соҳада қарама-қарши ғоялар ҳам кучайди. Ана шундайлардан бири формалистик оқим эди. Бу оқимнинг вакилларидан Кершенштейнер ва Дюпюи ғояларини Россияда ташвиқот қилишда Бакушинский катта рол ўйнади. Унинг фикрича бадиий тарбияда “Мактаб” керак эмас, болаларни ўқитиш ҳам керак эмас, улар хохлаган ишларини бажарсинглар, ўқитувчи фақат кузатиб туриши лозим. 1918 йилда Петербургда нашр этилган В.И.Бейер ва А.К.Воскресенскийларнинг “Рисование на начальной ступени обучения в связи с лепкою и черчением” номли қўлланмаларида натурага қараб расм ишлаш, иллюстратив расм ишлаш, декоратив расм ишлаш ва суратларни кузатиш бўлимлари мавжуд эди.

Бадиий таълим ва тарбиядаги бу қарама-қарши оқимларнинг пайдо бўлишига Россияда 1917 йилдаги давлат тўнтариши ва собиқ Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши сабаб бўлди. Таълим ва тарбиядаги бу назария кейинчалик ҳукмрон бўлган большевиклар партияси томонидан қаттиқ танқид остига олинди ҳамда бадиий тарбия коммунистик тарбия вазифаларини руёбга чиқаришга қаратилди.

1931 йил 5 сентябрдаги “О начальной и средней школе” номли давлат қарори асосида мактаб дастурларида бу ўқув предметининг мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Рус совет бадиий таълимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганлардан бири Д.Н.Кардовский эди. Бу бадиий таълим тизими реалистик санъат принципларига асосланган бўлиб, Д.Н.Кардовскийнинг ташаббуси ва саъи-ҳаракати билан 1942 йили Москва педагогика институти қошида бадиий-графика факультети очилди.

Россияда расм чизиш методикасини такомиллаштиришда 1933 йилда ташкил топган “Болалар бадиий тарбияси марказий уйлари” муҳим аҳамият касб этди. Бу марказ фаолияти билан боғлиқ ҳолда П.Я.Павлиновнинг “Графическая грамота”, Н.Радловнинг “Рисование с натурой”, “Сборник заданий по рисованию”, Я.Башилов ва Е.Кондахчанларнинг “Детский рисунок” ва бошқа қўлланмалари чоп этилди.

Россияда, шунингдек, Совет Республикаларида расм чизишни ривожланишида 1943 йилда ташкил топган Россия педагогика фанлари академияси катта роль ўйнади.

Кейинчалик бу академия асосида 1967 йилда СССР педагогика фанлари Академияси ташкил топиб, унинг таркибида бадиий тарбия илмий-тадқиқот институти очилди. Бу институт умумий ўрта таълим мактабларида эстетик тарбияга доир илмий-методик тадқиқотлар олиб боришда асосий марказ бўлиб қолди. Бу борада Россия Маориф вазирлиги тасарруфида ташкил этилган мактаблар илмий-тадқиқот институти ва унинг тасвирий санъатни ўқитишга оид лабораторияси диққатга сазовор ишларни олиб борди.

Россияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг самарали фаолият кўрсатганлардан бири Е. Кондахчан эди. У ўзининг “Методика преподавания рисунка в средней школе” номли қўлланмасида бу борадаги илғор тажрибаларга асосланиб реалистик санъат ва расм чизишга ўргатишининг асосини натурага қараб расм ишлаш эгаллаши лозим деб ёзди. У Россияда 1925-50 йилларда кенг ташвиқот қилиб келинган Бақушинскийнинг “Эркин тарбия” назариясига қарши чиқиб, таълим ва тарбияда ўқитувчининг катта раҳбарлик фаолиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. У “Эркин тарбия” назарияси ўқитувчи ролини камайтирувчи ва ўқитишда тартибсизликни вужудга келтирувчи “метод” деб ўз ғояларини асослашга ҳаракат қилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ўқитиш методикасига доир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада, расм чизиш бўйича 1963-70 йилларда I-VI синфлар учун синов дарсликлари тайёрланиб, нашр этилди.

Бу дарсликлар В.В. Колокольников (1 ва 2-синфлар), С.А. Фёдоров, М.Н. Семёнова (3 ва 4-синфлар), Е.Е. Рожкова, Е.Л. Херсонская (5-синф), Л.Л. Макаед (6-синф)лар муаллифлигига тайёрланди.

Россия мактабларида таълим мазмунини ислоҳ қилиш борасида ҳукумат қарорлари асосида расм чизиш ўқув предметини мақсад ва вазифалари ва таълим мазмuni бир неча бор қайта кўриб чиқилди. Натижада, 1970 йилда “Рисование” ўқув предметининг номи “Тасвирий санъат” деб ўзгартирилди. Бу номда тайёрланган дастурда эстетик тарбия вазифалари ҳамда рассомлар асарларини ўрганилишига доир қисмлар кенгайтирилган эди.

Россияда XX асрнинг иккинчи ярмида “Тасвирий санъат” ўқув предметини ўқитилишини яхшилашда бир қатор педагог олим ва методистлар фаоллик кўрсатдилар. Натижада “Рисование” дарсликларидан ташқари кўплаб илмий-методик ва методик адабиётлар нашр этилди. Бунда Г.В. Лабунская, В.В. Алексеева, В.С. Шербаков, А.Г. Шиманская, А.В. Карлсон, Г.И. Орловский, Р.И. Коргузалова, А.С. Бражникова, Н.Н. Ростовцев, В.С. Кузин, Е.В. Шорохов, Т.Я. Шпикалова, Б.П. Юсов кабилар самарали меҳнат қилдилар.

Бу даврда яратилган қўйидаги илмий-методик ва методик адабиётлар диққатга сазовордир: А.П. Фомичев таҳрири остида “Методика обучения

рисованию в восемилетней школе” (Москва, 1963), Г.В.Лабунская “Изобразительное творчество детей” (Москва: Просвещение, 1965); Н.Н.Ростовцев “Методика преподавания изобразительного искусства в школе” (Москва: Просвещение, 1974), В.В.Алексеева “Изобразительное искусство и школа” (Москва: Сов. художник, 1968), В.С. Шербаков “Изобразительное искусство. Обучение и творчество” (Москва: Просвещение, 1969), А.Г.Шиманская “Перспективное рисование в школе” (Москва: Учпедгиз, 1959), А.В.Карлсон “Дидактика и методика на уроках рисования” (Москва: Учпедгиз, 1959), Р.И.Коргузалова “Тематическое рисование в школе (Москва Учпедгиз, 1959), Г.И.Орловский “О художественном образовании учителя рисования” (Москва, Учпедгиз, 1961), З.Масленникова “Работа красками в школе” (Ленинград, Учпедгиз, 1959), В.С.Кузин “Основы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе” (Москва: Просвещение, 1979), Т.Я.Шпикалова “Народное искусство на уроках декоративного рисования (Москва: Просвещение, 1974), В.В. Шорохов “Тематическое рисование в школе (Москва: Просвещение, 1975) в.б.

Россияда тасвирий санъатни ўқитишининг психологик асослари ҳақида ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, бу ҳақда бир қатор адабиётлар нашр этилди. Бундай ишлар қаторига П.С.Виготскийнинг “Воображение и творчество в школьном возрасте (Москва: Госиздат, 1930), Е.И.Игнатьевнинг “Психология художественного творчества” (Москва: Знание, 1971), В.С.Кузиннинг “Психология” (Москва: Высшая школа, 1982), П.М.Якобсоннинг “Психология изобразительной деятельности детей” (Москва: Учпедгиз, 1930) в.б.ларни киритиш мумкин.

Россияда 1970 йилларга келиб умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиши мазмунини тўғри белгилаш ва уни такомиллаштириш борасида бир қатор олим ва рассомлар гурухи пайдо бўлди. Булардан бири бадиий тарбия илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат лабораториясининг мудири, профессор Б.П.Юсов, иккинчиси Россия мактаблар илмий-тадқиқот институтининг тасвирий санъат лабораториясининг мудири, профессор В.С.Кузин, учинчиси Собиқ Иттифоқ рассомлар Уюшмасининг котиби, уюшма қошидаги эстетик тарбия комиссиясининг раиси рассом Б.М.Неменский эди.

Улар мустақил равишда алоҳида-алоҳида олим ва методистлар гурухини ташкил этиб, тасвирий санъатдан синов дастурларини яратдилар.

Биринчи ва учинчи гурух олимлари томонидан тузилган дастур “Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат” деб номланиб, у I-X синфларда ўқитиши

учун мўлжалланган эди. Б.П.Юсов раҳбарлигида тузилган дастур ҳар бир синфда бу ўкув предметини икки соатдан ўқитилишини назарда тутган эди.

В.С.Кузин раҳбарлигида тузилган дастур эса 1-7-синфларда ҳафтасига 1 соатга мўлжалланган эди. Бу дастурлар 1985 йилларга қадар Собиқ Иттифоқининг ўндан ортиқ мактабларида синовдан ўtkазилди. Бу дастурлар катта ижобий натижалар берганлигига қарамасдан амалиётга жорий этилмади. Бироқ, ундаги айрим илгор ғоялар янги тузилган дастурларда ўз ифодасини топди.

Россияда 1970-2000 йиллар давомида олиб борилган ишлар мазмуни турли-туман бўлди. У эстетик ва бадиий тарбияга доир ҳалқаро, федерация миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, илмий-методик тўпламлар нашр этиш, ўқувчиларнинг ижодий қўргазмаларини ташкил этиш йўналишларида амалга оширилди.

Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилиши

Ўзбек ҳалқи ўзининг қадимги тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари ва маданияти билан фахрланса арзиди. Чунки, Ўзбекистон худудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалторошлиқ, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афросиоб, Қалчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварzin тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу асарлар эрамиздан аввалги 4-1- асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболага бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илгор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда Ўзбекистон худудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Исканадар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилолларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб- яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикиси шунчалик тез ривожландиди, у на фақат Шарқ, ҳаттоқи Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари

билин бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Хинд, Исфахон, Турк миниатюра макатблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Мазкур миниатюра мактаблари рассомчиликдан касбий таълим йўналишида ривожланган бўлса-да, лекин улардан умумий таълим тизимидағи тасвирий санъатни ўқитишида бемалол фойдаланса бўлади. Хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларда санъатшунослик асослари, рангтасвир ва қаламтасвир ишлаш, натурага қараб тасвираш, борлиқни идрок этиш бўлимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълим тизимлари ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тасвирий санъатнинг назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива, композиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида талаба ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятлари, тасвирий малакалари ҳисобга олиниши лозим, холос.

Тасирий санъат тарихида буюк нақош ва мусаввир Камолиддин Беҳзодга Хиротлик Мирак нақош устозлиқ қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, устоз Мироқ нақошнинг Хирот “Нигористони” (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Комолиддин Беҳзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Профессор Ориф Усмонов ўзининг “Камолиддин Беҳзод ва унинг нақошлиқ мактаби” номли китобида Беҳзод Табризда яшаган вақтда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қиласди. У ерда мусаввир ўз атрофига энг истеъодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомухаммад Нишопурӣ, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музаххиб, Мавлоно Ёрий, Ҳасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Сайд Али, Қосим Али, Херавий сингари ўнлаб истеъодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шогирдлари Беҳзоднинг тасвирий санъат услубини давом этирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Россияда Октябрь инқилоби сўзсиз унинг мустамлакаси ҳисболанган Туркистонга ҳам катта таъсир кўрсатади. Янги тузум ўзини кўрсатиш мақсадида эътибордан четда қолган чоризимнинг мустамлака ўлкаларига эътибор қаратди. Шу мақсадда у бир гуруҳ фан ва маданият вакилларини Туркистонга юборди. Шулардан бир гурухи Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар эдилар. Уларнинг бир қисми ижодий иш билан шуғуллансалар, айримлари ёшлар бадиий таълимига ўз эътиборларини қаратдилар. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик

шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўргазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилди, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, Янги Бухорода санъат тўгараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йил кузида очилган бадиий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музеи қошида бадиий студия очилди. Унда М.Куприянов (Машхур Кукриникслар гуруҳидан), С.Чуйков, маҳаллий ёш рассомлардан Ў. Тансиқбоевлар ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. 1927 йилга келиб Тошкент ва 1929 йилда Ўзбекистон пойтахти ҳисобланган Самарқандда бадиий билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртларига кўпроқ маҳаллий ёшлар қабул қилинди. Бу билим юртларининг асосий мақсади рассомлар тайёрлаш бўлса-да умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ҳам маълум роль ўйнади.

Шу билан бирга таълим тизимида эстетик ва бадиий таълим масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

1918 йилда умумий таълим мактаблари учун ишлаб чиқилган “Основнўе принципў единий трудовой школў” номли асосий ҳужжатда “Эстетик таълим деганда қандайдир содда болалар санъатини ўқитилишини тушунмаслик лозим, у ҳиссиёт органлари ва ижодий қобилиятларни мунтазам ривожлантириб боради ва у гўзалликдан завқланиш ва уларни яратувчанлик имкониятларини кенгайтиради. Бу элементдан маҳрум қилинган меҳнат ва илмий таълим жонсиз гавдага ўхшаб қолади. Чунки ҳаётдаги завқ ва ижод қувончи меҳнатнинг ҳам, илмнинг ҳам якуний мақсадидир” деб ёзилган эди. Бу ҳужжат Ўзбекистон мактаблари учун ҳам асос қилиб олинди.

Болалар ижоди билан шуғулланаётган кўпчилик рассомлар болалар ижодини идеаллаштирилар ва Европада кенг тус олган “Эркин ижод” деб аталувчи тушуқунликка юз тутган назариядан келиб чиқсан қарашларни ёқладилар. Бу йўналишдаги мутахассислар педагог фақат бола ижодини эркин ривожлантириши ва малакасини оширишга ёрдам бериши лозим деб қарадилар. Мана шундай мутахассислардан бири Петербурглик анъатшунос А.В.Бакушинский эди. У ўзининг “Художественное творчество и воспитание” номли китобида бадиий тафаккур ва бадиий ижодга тўлиқ эркинлик бериш керак, болаларнинг бадиий дидини, бадиий асарини

“тузатиш”, “қотиллик ҳисобланади” деб ёзди. Бу фикр ўша давр педагогика назариясига зид эди.

Маълумки, жамиятнинг тарихий ривожланиши билан кишиларнинг психологияси ҳам ўзгариб боради. Кишилар, хусусан, болалар эса уларни ўраб олган муҳитда асосан таълим билан тарбиянинг уюшган қолдаги таъсирида ривожланади. Асрлар давомида йиғилган ўзларининг тажриба билим ва малакаларини ёшларга ўтказадилар. Натижада ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш, билим ва ижодий қобилияtlарини ўстириш кўп жиҳатдан тарбиянинг йўналишга боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи ёки тарбиячининг таъсир кучини тан олмаган, болаларни ўқитувчидан ажратиб қўйган “Эркин ижод” назарияси ёшларнинг бадиий тарбиясига таъсир кўрсатди. Бу назария Ўзбекистонда нашр этилган дастурларда ва умумий таълим ва тарбиявий ишларда ўз аксини топди.

Хусусан, Ўзбекистон мактаблари учун 1935 йилда нашр этилган “Расм ва лой иши” номли дастурда “Эркин расм чизиш” бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлимга I синфда 8 соат, II синфда 6 соат, III синфда 4 соат, IV синфда 2 соат вақт ажратилган эди.

Собиқ иттифоқ ҳукуматининг 5-сентябрь 1931 й. “О начальной и средней школе”, 25 август 1932 й., “Об учебнўх программах и режиме в начальной и средней школе” номли қарорларида мактаблар ишини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларда таълим–тарбия жараёнида маҳаллий материаллардан фойдаланиш таъкидлаб ўтилган эди. Шу ҳукуматнинг 12 февраль 1933 й. “Об учебниках для начальной и средней школы” номли қарорида “Ҳар бир ўлка ва вилоятларга ҳалқ маорифи комисариатининг руҳсати ва унинг тасдиғи билан ўлкашунослик материаллари асосида бошланғич синфлар учун ўқув китобларини нашр этиш ҳуқуқи берилсин” деб кўрсатиб ўтилди.

Натижада мактаб дастурлари қайта кўриб чиқилди. Расм дарсларининг асосини натурага қараб расм ишлаш, мавзу асосида расм ишлаш, декоратив расм ишлаш, санъат ҳақида сухбат ўтказиш машғулотлари ташкил этди. Бу дастурларда ўлкашунослик материаллари кўп бўлмасада, ҳар қалай ўз аксини топди, энг муҳими бу дастурда дарсдаги ўқитувчининг етакчилик роли катта эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур назария юзасидан Россияда ҳам, Европада ҳам катта тортишув ва танқидий фикрлар билдирилди. У бадиий тарбия соҳасида ҳам салбий, ҳам ижобий роль ўйнади. Унинг салбий томони болалар ижодига раҳбарликни инкор этилиши ва педагогика назариясига зид йўл тутилганлиги эди.

Ижобий томони эса кўпроқ болалар тасвирий ижодига этиборни кучайтириш, болалар шахсига ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлиш,

педагогик ҳамкорликка йўналтирилган мустақиллик ва ижодни рўёбга чиқариш билан белгиланади.

1924 йилга келиб мактаб ўкув режаларида расм дарслари ўз ўрнини топмаган бўлса-да айrim рассомлар болалар тасвирий ижодини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Ана шундай иқтидорли ёш график рассомлардан бири Искандар Икромов эди. У 1925 йилда “Маориф ва ўқитувчи”, кейин “Аланга” журналларида расм чизишга доир мақолалар эълон қилди. 1932 йилга келиб унинг “Расм чизишни ўрганиш қўлланмаси”, 1933 йилда эса “Китоб ва журналлар қандай нашр этилади“ альбоми нашр этилди. 1935 йилда рассомнинг “Харф ёзишни ўрган“ китоби ҳам чоп этилди. Бу мақола ва китоблар ягона меҳнат ва политехника мактаблари талаблари асосида яратилган “Расм“ предмети дастурларига мос эди. Мазкур ишлар факат умумий таълим мактаблари учунгина эмас, балки тасвирий саънат студиялари, клублар, ҳаваскорлик тўгараклари, графикани мустақил ўрганучилар учун ҳам аҳамиятли бўлди .

1920 йилги ўкув режаларида санъатга доир ўкув предметларига тегишли ўрин ажратилмаган бўлса-да, 1929 йилга келиб бу камчилик бартараф этила бошланди. Мактабларда маҳсус расм ўкув предметлари ўқитила бошланди. Лекин Ўзбекистон мактаблари Россия мактаблари учун яратилган дастурлар асосида ишлай бошлади. Бу дастурлар маълум микдорда Ўзбекистон шароитига мослаб локализациялашган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳалқ морифи комисарлиги тегишли жойларга юборилган хатида шундай дейилган эди: “Мажмуанинг мақсади унга тегишли материал мазмуни, мажмуа билан ишлаш методлари локализация қилинади. Ўқитувчи олдиндан ўлкашунослик материалларини тўплаб олган ҳолда, ўз тумани хаётига оид энг ҳарактерли жиҳатларни дастурга киритади”.

Шу муносабат билан бошлангич синф “Расм ва лой иши” дастурига ўлка материаллари кирита бошланди. Улар теварак-атроф табитатига доир нарсалар, Ўзбекистон ҳалқ амалий санъатига доир материаллар эди.

Таъсирий санъат предмети методикаси шаклланишида 1934 йилда Тошкентда, кейинчалик Республикализнинг ҳар бир вилоят марказларида ташкил этилган “Марказий бадиий тарбия уйлари” катта роль ўйнади. Бу тарбия уйлари ўқувчиларни бадиий жиҳатдан тарбиялашга оид дастурий ва методик материалларни ишлаб чиқди.

Бадиий тарбия уйларида бошқа шўъба билан бир қаторда тасвирий санъат шўъбаси ҳам бўлиб, унда уч йиллик тасвирий санъат студияси ҳам ташкил этилган эди.

Бу бадиий тарбия уйидаги иккинчи шўъба болалар расмларининг кўригини ташкил этиш билан шуғулланган. Учинчи шўъба эса нихоятда

серқиррали бўлиб, унинг асосий вазифаси болалар билан расм дарсларида иш олиб борувчиларга методик ёрдлам кўрсатиш ҳисобланарди. Шунингдек, бу шўъба қўйидаги ишларни ҳам олиб борган:

- тасвирий санъат студиялари учун машғулотлар дастурини ишлаб чиқиши;
- мактаб тасвирий санъат тўгараклари учун машғулот мавзуларини ишлаб чиқиши;
- 1-6 синфларда расм машғулотларининг мазмуни ва мавзуларини ишлаб чиқиши;
- 1-6 синфларда расм дарсларининг аҳволини ўрганиш ва ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- шаҳар мактабларининг расм ўқитувчилари учун семинар ташкил этиши;
- Республика вилоятларидан келган ўқитувчилар ва тўгарак раҳбарлари учун семинарлар ташкил этиши ва уларга тегишли ёрдам кўрсатиш.

1936 йилдан бошлаб Республика миқёсида юзага келган пионер уйи ва саройлари таълим-тарбия, оммавий-бадиий, техникавий, табиатшунослик каби бир қатор иш шаклларини ўзида мужассамлаштирган муассаса эканлигини кўрсатди. Натижада, бадиий тарбия уйларининг вазифалари ана шу пионер уйлари ва саройларига олиб берилди. Пионер уйи ва саройларининг сони йилдан-йилга ошиб бориб, сифат жиҳатдан янги мазмун кашф эта бошлади.

Республикамиз учун тайёрланган ва нашр этилган дастурлар мазмуни ва вазифаси жиҳатидан Россия мактаблари учун тайёрланган дастурдан деярли фарқ қилмаган, лекин унинг ҳамма бўлимларида маҳаллий шароит ва материаллар маълум микдорда ҳисобга олинган эди. Хусусан, нарсага қараб расм чизиши дарсларида Республикамизга хос бўлган предметлар ва табиат маҳсулотлари, декоратив ишлар бўлимида ўзбек амалий санъат намуналарини чиздириш тавсия этилган эди.

1939 йилларда мактабларда расм дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларда тасвирий малакаларни ўстириш, кўпроқ расм чизишига ўргатишдан иборат бўлиши лозим деб топилди. Шунинг учун ҳам расм дарсларида тарбиявий томонларга етарлича эътибор берилмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва қисман ундан кейинги йилларда ҳам расм дарсларининг вазифалари ўзгарди, унинг мазмунида таълимдан кўра тарбиявий жиҳатлар кучайтирилган бўлиб, унда асосий эътибор ватанпарварлик ва байналминал тарбияга қаратилди. Шу мақсадда расм дарслари ватанпарварлик ва байналминал мазмундаги тасвирий санъат асарлари билан бойитилди. Улар кўпроқ рассомларнинг немис-фашист

босқинчиларининг кирдикорларини очиб ташлашга қаратилган асарлардан иборат эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Расм” предметининг ўқитилишига эътибор кучайтирилди ва у мактаб ўқув режаларида тегишли ўринни эгаллади. 1947-48 ўқув йили учун тузилган ўқув режада “Расм” учун ҳафтасига I-синфда 1 соат, II- синфда 1 соат, III-IV-синфларда 0,5 соат, V-синфда 1 соат вақт ажратилган бўлиб, натижада умумий ҳафталик соатлар 4 соатни ташкил этди.

1950-60 йиллар давомида тайёрланган ва нашр этилган дастурларда “Расм” ўқув предметининг вазифаси урушга қадар тузилган дастурлардан фарқ қилди.

1953 йилда нашр этилган дастур “Расм солиши” деб номланиб у ўқувчиларни тарбиялашда катта роль ўйнаши таъкидланган бўлса, 1956 йилда нашр этилган “Расм” дастурида эса бу предметининг вазифаси ўқувчиларни эстетик жихатдан тарбиялаш вазифасига хизмат қиласидиган ва ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам берадиган ўқув предметларидан биридир деб кўрсатилди.

1958-59 ўқув йилига келиб, ўқув режасида расм чизишга ажратилган соатлар ошди ва у 1-6 синфларда қафтасига I соатдан ўқитила бошланди.

Умуман олганда, 50-йилларда Республика хукумати томонидан мактабларда расм предметининг ўқитилишига бўлган эътибор кучайди. Бу авволо мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ўз аксини топди. Маълумки, мактабда бадиий таълимни ривожлантириш кўп жихатдан педагогик кадрлар тайёрлашга боғлиқ эди. 1950 йилларда бу масала билан Самарканд ва Тошкент бадиий билим юртларини бирлаштириш натижасида ташкил топган П.П.Беньков номидаги бадиий билим юрти шуғулана бошлади. Бу бадиий билим юрти халқ хўжалигини, хусусан умумтаълим мактабларини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондира олмасада, мамкабларда расм ўқув предметларнинг ўқитилишини сифат жихатидан яхшилашга маълум миқдорда таъсир кўрсатди. Бу таъсир мактаблар билан бир қаторда, мактабдан ташқари олиб бориладиган семинар, конференция, йиғилишларда ҳам ўз ифодасини топди. Шунингдек, бадиий билим юртини битириб чиқувчилар мактабларда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам иштирок этдилар.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини такомиллаштиришда 1955 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ташкил этилган бадиий-графика факультети катта роль ўйнади. Мазкур факультетда кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар орқали юқори малакали кадрлар тайёрлана бошланди. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, мазкур факультетда

дастлабки йилларда кадрларни касбий тайёргарлиги анча юқори бўлиб, ўша йиллар бу факультетда машғулотларни Республикализнинг йирик рассомлари олиб бордилар. Масалан, Ўзбекистон ҳалқ рассоми А.Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассомлар Ю.Елизаров, М.Саидов, А.Юровский, Т.Оганесов, шунингдек Ленинград бадиий академиясини ва Москва бадиий институтини янгиана битириб келган ёш лекин талантли рассомлар Р.Чориев, Н.Ковинина ва бошқалар шулар жумласидандир.

1964-70 йилларда кадрлар тайёрлаш бошқа йўналишларда амалга оширилди. Бу даврда бошлангич синф методикаси факультетларида “Бошлангич синф ва тасвирий санъат ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланди. Бундай йўналишлардаги мутахассислар Тошкент, Урганч, Қарши, Наманган педагогика институтларида тайёрланди. Кейинчалик бу йўналиш ўзини оқламагач, яна Тошкент ва Бухоро педагогика институтларида бадиий-графика факультетлари очилди.

1970 йилда тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича Тошкент ва Бухоро педагогика институтлари билан бир қаторда Андижон, Каттақўрғон, Самарқанд, Ангор, Хива, Хўжайли, Шаҳриҳон педагогика билим юртларида ҳам кадрлар тайёрлана бошланди

1980 йил бошларида тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги бўйича йилига тайёрланган кадрлар сони 800 кишидан ортди. Бу фақат Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини яқин йилларда қондириш мумкинлигини билдирап эди.

Болаларга расм чизишни ўргатиш бўйича илмий, методик ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида 1960 йилда Ўзбекистон педагогики фанлари илмий татқиқот институти қошида мусиқий-бадиий таълим бўлими ташкил этилди. Бу бўлим Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитиши методикасига доир бир қатор долзарб масалаларни тадқиқот қилишга киришди. Улар “Тасвирий санъатдан 1-3 синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўнималари даражасини аниқлаш” “Нарсага қараб расм чизиш машғулотлари самарадорлигини ошириш йўллари”, “Бошлангич синфларда мавзу асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия” “Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитишнинг мазмуни ва методикасини такомиллаштириш”, “Ўзбекистон декоратив-амалий санъати воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик тарбиялаш”, “Эстетика асослари ва санъатшунослик” дан факультетив курс, “Ўзбекистон умумтаълим мактабларида нақошлиқ тўгараги машғулотларининг мазмуни ва методикаси”, “Мактабда тасвирий санъатни бошқа ўқув предметлари билан ўзаро боғлиқлиги” ва бошқа тадқиқотлар шулар жумласидандир. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида мактаблар учун дастурлар, дарслерлар,

қўлланмалар, илмий, методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва улар Республика мактаблариға тадбиқ қилинди.

Яна бу бўлим ўз фаолияти давомида тасвирий санъатни ўқитишга доир илмий ходим, тадқиқотчи-аспирантлар қамкорлигида қўйидаги ишларни тайёрлади ва нашр этди: “Тасвирий санъат” (1-3 синфлар учун дастур. - Тошкент: Ўқитувчи, 1965-1981); “Тасвирий санъат” (4-6 синфлар учун дастур. - Тошкент: Ўқитувчи, 1967-1981); “Наққошлиқ” (Мактаб ва пионер уйлари ва саройлари учун дастур. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976); “Тасвирий санъат ва лой иши” (Мактаб тайёрлов гурухлари дастур.- Тошкент, 1980.) кабилар шулар жумласидандир.

1965 йилдан бошлаб Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг эстетик тарбия бўлимида тасвирий санъат ўқитиш методикаси бўйича олиб борилаётган ишларни тартибга солиш мақсадида дарслик яратишга киришилди.

1969 йилда 1- синф учун “Тасвирий санъат” (А.Жильцова, Р.Ҳасанов); 1974 йилда II синф учун “Тасвирий санъат”; (Р.Ҳасанов, А.Жильцова);

1976 йилда III синф учун “Тасвирий санъат”; (Р.Ҳасанов, А.Жильцова);

1977 йилда IV синф учун “ Тасвирий санъат” (Р.Ҳасанов, Б.Орипов ва бошқалар) нашр этилди. 1-3 синфлар учун нашр этилган дарсликлар кейинги йилларда бир неча бор қайта чоп этилди.

1970 йилдан бошлаб мактабларда тасвирий санъатни ўқитиш муаммоси юзасидан эстетик тарбия шўъбаси қошида Тошкент ва Бухоро педагогика институтларининг ўқитувчилари, Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ва вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг методистлари, Ўзбекистон маориф вазирлигининг методистлари, аспирант-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Мазкур масалалар билан бир қаторда мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам шуғулландилар.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни яхшилашда олиб бориладиган тадқиқотларнинг натижаси сифатида қўйидаги нашр қилинган методик қўлланма ва кўргазмали қуроллар алоҳида аҳамият касб этди: “Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш” (Р.Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1969; “Бошланғич синфларда нақш чизиш методикаси” (Р.Ҳасанов), – Тошкент: Ўқитувчи, 1972; “Тасвирий санъатдан таблицалар” (Р.Ҳасанов),- Тошкент: Ўқитувчи, 1975; “1-3 синфларда тасвирий санъат дарслари” (Р. Ҳасанов),- Тошкент: Ўқитувчи, 1977; “Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси” (З.Эгамбердиев, Р.Ҳасанов ва бошқалар),- Тошкент: Ўқитувчи, 1977; “Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия” (Р.Ҳасанов), -Тошкент: Ўқитувчи, 1980; “Бошланғич синфларда тасвирий

санъат дарслари” (Р.Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1983; “Ёш авлодни санъат воситасида эстетик тарбиялаш” (Р.Ҳасанов), - Тошкент: Ўзбекистон, 1982; “Мактаб чизмачилиқ, тасвирий санъат кабинетларини ташкил этиш ва ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар” (Б.Орипов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1974; “Тасвирий санъат дасрлари самародорлигини ошириш омиллари” (Б.Орипов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1978; “Наққошлиқ” (Қ.Қосмов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. Яна шу нарсани ҳам қувонч билан таъкидлаб ўтиш лозимки, педагогика фанлари институтининг эстетик тарбия бўлими 1970 йилдан бошлаб мунтазам равишда мақолалар тўпламини нашр эта бошлади. Бу тўплам бўлим илмий ходимлари, тадқиқотчининг ишларидан ташкил топган бўлиб, уларда тасвирий санъатни ўқитишига катта ўрин ажратилган эди.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилашда А.Шоҳамидов, М.Набиевларнинг 1964 йилда нашр этилган “I-IV синфларда расм дарслари” методик қўлланмаси, О.Апухтиннинг 1965 йилда нашр этилган “Санъат ҳақида сұхбатлар”номли қўлланмалари ўқитувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

1970-йилга келиб тасвирий санъат ўқитувчиларининг иш тажрибалари кўзга қўрина бошлади ва уларнинг фаолиятлари анча фаоллашди. Натижада мамлакатимизда бир қатор маҳоратли ўқитувчилар А.Шоҳамидов (Тошкент шахри, 22 мактаб), Э.Рисқуллаев (Тошкент шахри, 81-мактаб), Белоношкин (Тошкент шахри, 188-мактаб), О. Дадаҳонов (Наманган шахри, 26-мактаб), А.Абдуллаев (Шаҳрихон шахри, 1-мактаб), И. Бобониёзов (Урганч шахри, 35 мактаб-интернат), Г.Туроббоев (Наманган шахри, 29-мактаб), К.Мансуров (Тошкент вилояти, 27-мактаб), П. Мустафоев (Шаҳрисабз шахри, 6-мактаб), А.Манножонов (Наманган вилояти, 12-мактаб) ва бошқалар шулар жумласига киради. Шунингдек, Республика педагогик ўқишиларига қатнашаётган муаллимлар сони ҳам ортади. Масалан, 1963 йилги Республика педагогика ўқишиларida биронта ҳам тасвирий санъат ўқитувчиси қатнашмаган бўлса, 1970 йилга алоҳида эстетик тарбия шўъбаси ташкил этилди. 1972 йилда эса “Эстетик тарбия” шўъбасида “ Тасвирий санъат” кичик шўъбаси иш олиб борди ва унда 17 маъруза тинглади. Кейинги педагогик ўқишиларда маърузачиларнинг сони яна ҳам кўпайиб борди. Таълим-тарбия жараёнида яхши натижаларга эришиб, педагогик ўқишиларда муваффақиятли қатнашганликлари учун бир қатор таниқли ўқитувчилар вазирликнинг мукофотларига ҳам сазовор бўлдилар.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш ва илғор педагогик тажрибаларни ташвиқот қилишда Республика миқёсида ўтказилаётган семинар ва конференциялар катта роль ўйнади.

1969 йилда эстетик тарбияга бағишланган Республика семинар -енгаши 1970 йилга келиб анъанавий Республика конференцияга айланды ва у хар иили галма-галдан Республикализнинг вилоятларида ўтказиб турилди. Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Наманган, Андижон конференцияларида ўқитувчи, тарбиячи, халқ маорифининг раҳбарходимлари билан бир қаторда илмий ходимлар, методистлар ҳам маъruzalар билан иштирок этдилар. Маъruzalарда долзарб масалаларни кўтариб чиқдилар. Бундай илмий-амалий конференциялар фақат Республика миқёсида эмас, балки вилоят, шаҳар, туман миқёсида ҳам ўтказиб турилди.

Ўзбекистон вазирлар маҳкамасининг 1966 йил 31 декабр қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Вазирилар кенгашининг 1967 йил 22 марта даги фармойиши асосида Ўзбекистон мактабларидағи таълим мазмунини аниқлаш бўйича комиссиялар тузилди. Бошқа фанлар қатори мактабларда тасвирий санъат бўйича ҳам комиссия ишлади. Бу комиссияга мактаб ўқитувчилари, халқ маорифининг ходимлари, методист, илмий ходим, рассом, санъатшунослар жалб этилди.

“Тасвирий” санъат деб номланган янги дастур лойиҳаси шу вақтгача амалда қўлланиб келинган “Расм” предмети асосида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида яратилди.

Уни тузишга юқорида қайд этилган қарор асос бўлди:

- а) мактабда таълимнинг мазмуни ва стратегиясини фан, техника ва маданият тараққиётининг ҳозирги даражасига мос келтириш;
- б) мактабда таълим ва тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғланишини янада мустаҳкамлаш;
- в) бир-бирига боғлиқ бўлган ўқув фанлари ўртасида алоқа ўрнатиш. Бу орқали ўқитиши самародорлигини ошириш, зарур билимларни эгаллашда болаларнинг билиш ва фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ёрдам бериш;
- г) ўқувчиларнинг ўқув машғулотлари ва мустақил ишларининг кенгайтирилиши, уларни ортиқча иш билан банд қиласлик ва хоказолар.

Шунингдек, дастурни тузишда қўйидаги томонлар ҳам ҳисобга олинди:

- а) сўнгги йилларда яратилган Ўзбекистон тасвирий санъати асарларидан кенг фойдаланиш;
- б) бошланғич таълимни 1-3-синфлар билан чегараланиши муносабати билан бошланғич ва 4-6-синфларда тасвирий санъат машғулотлари мазмунига аниқлик киритиш;
- в) замон талаблари асосида тасвирий санъат предметининг вазифаларини аниқлаш;
- г) натурадан расм чизиш дарслари учун ўзбек ҳалқининг ҳаётида кенг қўлланиладиган нарсалар ва истеъмол буюмларидан кенг фойдаланиш;

д) декоратив расм дарсларида ўзбек ҳалқ амалий санъати намуналаридан чизиш учун тавсия этиш.

Мазкур дастурда шартли равища ҳажмсиз деб қисобланган нарсаларнинг расмини (папка, дафтар, портфель, барг ва бошқалар) ишлаш 1-3- синфлардан 4- синфга кўчирилди.

1967-68 ўқув йилидан бошлаб янги дастур лойиҳаси Республикализнинг Наманган, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг қатор мактабларида синаб кўрилди.

Ўзбекистон Маориф вазирлиги ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг текширувлари натижасида янги таълим мазмуни кўпчилик ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатди. Шунингдек, дастурдаги бадиий қуриш-ясашга доир материаллар эса ўқувчилар кучига мос эмаслиги ҳам маълум бўлди. Шунинг учун бу бўлим кейинги йилларда дастурдан чиқариб ташланди.

Янги дастур ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига алоқадор бўлган ташкилотлар муассасалар, уюшмаларнинг фаолиятини қўйидаги йўналишларда фаоллаштиришни назарда тутган эди:

а) ҳар йили мантазам равища ўқувчилар расмлари республика кўргазмаларини ўтказиш;

б) тасвирий санъат бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш натижасида мактаб тўгараклари, санъат мактаблари, педагогика билим юртлари ва институтлари учун бир қатор дастур, дарслик, кўлланма ва тўпламлар тайёрлаш ва нашр этиш;

в) умумий таълим мактабларида йирик рассомлар асарларидан кўчма кўргазмалар ташкил этиш;

г) Ўзбекистон рассомлар уюшмаси қошида ўқувчилар эстетик тарбияси бўйича комиссия ташкил этиш.

Мактабларда сўнгги йилларда тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилаш бўйича бир қатор йирик тадбирлар ўтказилган бўлса-да бу соҳада кескин ўзгаришлар рўй бермади. Чунки, кўпчилик тасирий санъат ўқитувчилари маҳсус маълумотга эга эмас эдилар. Бенъков номидаги бадиий билим юртини биртирувчиларининг кўпчилиги мактабларда тасвирий санъатдан ҳафталик дарс соатлари кам бўлганлиги сабабли у ерда кўп кўним топишмас эди. Олий маҳсус маълумотли ўқитувчилар тайёрлайдиган Низомий номли ТашДПИнинг бадиий-графика факультетининг битириб чиқаётган ёшларнинг ўқитувчилик фаолиятлари ҳам ана шундай тугарди.

Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларининг этишмаслиги унга жиддий эътибор беришлини талаб этди. Натижада Ўзбекистон маориф вазирлиги коллегиясининг 1974 йил 26 августда “Педагогика ўқув юртларида

мусиқа ва ашула, тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлаш ва бу предметларнинг Республика умумтаълим мактаблари ва педагогика ўқув юртларида ўқитилишини янада яхшилаш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон маориф вазирлигининг мазкур қарори Қорақалпоғистон Республикаси маориф вазирлиги, Республика вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳалқ маорифи бўлимларига ҳамма умумтаълим мактаблари, ўқув юртларини маҳсус маълумотли мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўришни, вазирликнинг режа-молия бошқармасига, олий ва ўрта маҳсус педагогика ўқув юртларининг мусиқа, бадиий-графика факультетларида мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларини кечки ва сиртқи бўлимларидаги ҳам тайёрлашни мақсаддага мувофиқлигини кўриб чиқишни юклади.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон маориф вазирлиги коллегиясининг Ўзбекистон рассомлар уюшмаси бошқармаси билан ҳамкорликдаги 1979 йил 27 июнда “Мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари, ўқитувчилар ва педагогика ўқув юртларининг ўқувчи-ёшлари бадиий тарбиясини янада яхшилаш чоралари ҳақида” қабул қилган қарори салмоқли ўринга эга бўлди.

Карорда ўтган даврда тасвирий санъат бўйича ҳалқ маорифи ва рассомлар уюшмаси тизимида қўлга киритилган ютуқлар тилга олинди ва камчиликлар, уларнинг бартараф этиш йўллари кўрсатилди. Хусусан, унда Қорақалпоғистон Республика вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳалқ маорифи бўлимларига, педагогика ўқув юртларининг раҳбарларига тезкорлик билан мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари, мактаблар, педагогика ўқув юртларида бадиий тарбияни яхшилашнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиши топширилган эди.

1980 йилнинг апрелида Тошкентда “Ўқувчи ёшлар бадиий тарбиясининиг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақида“ деб номланган семинар, кенгаш ўtkазилиши мазкур қарорни бажаришдаги дастлабки қадам бўлди. Мазкур тадбирни Маориф вазирлигининг тарбиявий ишлар бўлими, рассомлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказди. Кенгашда 400 дан ортиқ ўқитувчи, тарбиячи, ҳалқ маориф ходимлари, илмий ходимлар иштирок этди, юздан ортиқ маърузалар тингланди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1981 йил мартаиди собиқ иттифоқ рассомлар уюшмасининг ташаббус асосида Тошкентда навбатдан ташқари “Ўқувчи ёшларни бадиий-эстетик тарбиялашнинг вазифалари“ мавзусида Бутун иттифоқ илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

1981 йил Ўзбекистон маориф вазирлиги Т.Н.Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига тасвирий санъатдан янги дастур лойиҳасини ишлаб чиқиши топширди.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг бошланғич (1-3) синфлари ва IV-VI синфлар учун “Тасвирий санъат” янги дастурлари тайёрланди ва унда қўйдагиларга риоя қилинди:

1. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатлари, адабиёт ва мусиқа асарларидан ўринли фойдаланиш.

2. Ўзбекистон табиати, табиат маҳсулотлари, турмушда қўлланиладиган нарсалардан кенг фойдаланиш.

3. Ўзбекистон кўп миллатли Республика эканлигини ҳисобга олган ҳолда байналминал тарбияга қўпроқ эътибор бериш.

4. Материаллар танлашда Ўзбекистон мактаблари ўқитувчиларининг билим даражалари паст эканлигини ҳисобга олиш.

5. Ўзбекистон мактаблари ўқитувчилари бадиий қизиқишиларини ҳисобга олиш .

Янги дастурга ўтиш бўйича Ўзбекистон маориф вазирлигига кенг кўламдаги иш режаси ишлаб чиқилди. Унда янги дастур бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, ўкув методик мажмуалар ишлаб чиқиш ва нашр этишга алоҳида эътибор берилган эди. Хусусан, тасвирий санъатдан I-III- ва IV-VI синфлар учун дастурлар тайёрланди ва нашр этилди.

Кейинчалик янги дастурлар асосида Р.Ҳасановнинг “Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари“, “Биринчи синфда тасвирий санъат дарслари“, “Иккинчи синфда тасвирий санъатни ўқитиш“, “Учинчи синфда тасвирий санъат дарслари“, “Мактабда тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштириш йўллари“ номли методик қўлланмалари чоп этилди. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитишга доир Республикада биринчи бор “Ўзбек мактабларида бадиий таълим ва тарбиянинг методик асослари“ номли монография Р.Ҳасанов муаллифлигига тайёрланди ва “Фан“ нашриёти томонидан нашр этилди. Бу даврларда Р.Ҳасановнинг “Тасвирий санъат“, “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи“ номли факультатив машғулотлар дастурлари биринчи бор ишлаб чиқилди ва мактабларга етказилди.

Бу даврга хос бўлган жиҳатлардан яна бири тасвирий санъат талъими мазмунини такомиллаштириш эди. Шу мақсадда 1-4-синфлар учун “Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат“ дастурлари яратилди. Бу дастурлар тасвирий санъатни хар бир синфда қафтасига 2 соатдан ўқитилишига мўлжаллаб тузилган эди.

Шунингдек, бу даврларда тўгараклар учун К.Қосимовнинг “Наққошлиқ”, А.Восиконинг “Рангтасвир”, А.Мирзахмедовнинг “Ёғоч ўймакорлиги”, О.Худоёрованинг “Каштачилик” дастурлари ҳам нашр этилди.

1980 йилларда Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиши такомиллаштириш мақсадида кенг кўламда кадрлар тайёрлаш, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўtkазиш, ўқитувчиларни тегишли илмий ва методик адабиётлар билан таъминлаш, санъат байрамлари танловлар ўtkазиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши талаблар даражасида бўла олмади. Чунки, мактабларда дарс олиб бораётган ўқувчиларнинг кўпчилиги маҳсус маълумотга эга эмас эдилар. Тасвирий санъатни ўқитишидаги моддий-техникавий асос, хусусан, дарслар учун зарур бўлган гипсли геометрик шакллар, қуш ва ҳайвон тулумлари, мева ва сабзавотларнинг муляжлари, таблица ва репродукциялар, дипозитив, диафильм, кинофильмлар Россиядан келтирилаётганлиги сабабли улар кўпчилик мактабларда мавжуд эмасди. Мактабларда хоналарнинг ётишмаслиги оқибатида қўпчилик жойларда тасвирий санъат хонаси ташкил этилмай қоларди.

Назорат саволлари.

1. XX асрнинг иккинчи ярмида ўқитиши методикасига доир қандай илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди?
2. А.Сапожников умумий таълим мактаблари учун қандай дарслерни яратди?
3. Таълим инновацияларининг қанай турлари мавжуд?
4. Нималар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади?
5. Россияда тасвирий санъатни умумий таълим мактабларида ўқитилишига доир йирик фундаментал асар яратганлардан бири ким?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

2-амалий машғулот: Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанининг ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.

Таянч тушунчалар: Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг мазмуни. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг аҳамияти. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг методлари. Ўзбек миллий бадиий ижодкорларининг санъат асарларидан намуналар ёрдамида инновацион таълим жараёнини ташкил этиш методлари.

Тасвирий санъат фанини ўқитишида қўлланиладиган инновацион технологиялар.

Педагогик технология ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Булар педагогик технологиянинг қўйидаги кўринишларидан иборат: ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси.


Педагогик технология ижтимоий ҳодиса сифатида таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ мотивлар: эҳтиёж, талаб, манфаат, қизиқиши, мақсадлардан келиб чиқади ва уларни амалга ошириш учун хизмат қиласи. Шу билан бирга худди шундай мотивлар ҳар бир шахсда, оилада ҳам мавжуд. Жамият ҳар бир аъзосининг таълим-тарбия даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлатнинг ривожланишидаги энг асосий шартлардан ҳисобланади.

Педагогик технологияларни таснифлашда уларнинг энг яққол ажralиб турадиган хусусиятларига асосланилади. Аслида эса ҳар бир педагогик технология соф ҳолда учрамайди, уларда бошқаларига хос боълган элементлар албатта мавжуд бўлади.

Масалан, ақлий ҳужум, ишchanлик ўйини, рўлли ўйин каби интерфаол машғулотлар таркибида ҳамкорлик, бола шахсига йўналтирилган, муаммоли, дидактик ўйин каби педагогик технологиялар элементлари албатта мавжуд. Худди шундай таҳлилни деярлик ҳар бир педагогик технология шакиллари ва усулларига нисбатан ҳам ўтказиш ҳамда соф ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлган алоҳида технология аслида амалда йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кичик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Буларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, айрим

фаолият турлари ва алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологиялари ҳамда айrim тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари киради.



Худди шундай таҳлилни деярлик ҳар бир педагогик технология шакиллари ва усулларига нисбатан ҳам ўтказиш ҳамда соф ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлган алоҳида технология аслида амалда йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини технологиялаштириш қандай босқичларда кечай?
2. “Таълим жараёнини лойиҳалаш” деганда нимани тушунасиз?
3. Таълим жараёнини лойиҳалашда қандай тамойиллар устувор саналади?
4. Тарбия жараёнини технологиялаштириш нима?
5. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда қандай омиллар инобатга олиниши зарур?
6. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қандай босқичларда кечади?
7. Инновация нима?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўқитувчи, 1997. -96 б.
2. Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. -234 б., ил.

З-амалий машғулот: Тасвирий санъатда амалий перспективанинг қўлланиши.

Таянч иборалар: Тасвир, натюрморт, қаламтасвир, портрет, геометрик шакл, қоралама.

Қаламтасвир, амалий машғулотларида талабаларга ижодий қонун қоидаларини ўргатиш йўллари

Перспектива қонуни. Тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан тасвирланишидан қаттий назар (узоқдан, яқиндан, юқоридан, пастдан, тўғридан ёки чеккадан) чизувчига ўзгариб қўринади. масалан, кубни у ёки бу томонга буриб, унинг томонларини чизувчига перспектив ўзгариб қўринишини кузатамиз.

Буюмларни текислиқда ҳаққоний тасвирлашда рассом перспектива қонунига бевосита мурожаат қиласди. Бу ҳолатни шундай таърифлаш мумкин: «*Табиатдаги барча буюмлар қандай шаклга эга бўлмасин, перспектив қонун ва қоидаларга бўйсунади*»,

Перспектив қонунларни мукаммал ўрганиб, ҳар қандай буюмнинг қўринар ва қўринмас томонларини тўғри тасвирлаш мумкин. Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталиқда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текислиқда қандай жойлашганига қараб перспектив қисқаради

Ўз навбатида перспектив қонуни ҳаққоний тасвирлаш «алифбо» ларидан бири бўлган «*сураъат текислиги*», «*буюм текислиги*», «*кўриши майдони*», «*кўриши нуқтаси*», «*уфқ чизиги*» каби қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Сурат текислиги деб тасвирланаётган натюрморт, манзара, портрет ва ҳоказолар билан рассом орасидаги бўшлиққа айтилади.

Физиологик нуқтаи назардан қаралганда, ёруғлик чизилаётган буюмга тушиб, рассомга у ёки бу қисмининг шакли қўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвирлашга ўтади. **Сурат текислиги** рассом билан натура ўртасидаги восита бўлиб хизмат қиласди.

Буюм текислиги деб тасвирланаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, ер ва бошқа чизиш учун бажариладиган мослама бўлиши мумкин.

Кўриш майдони бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни кўриш вақтида қамраб олишдир. Рассом тасвирланаётган обьектнинг қанча узоқлашиб борган сари унинг кўриш майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвирланаётган обьектнинг барча қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга имкон яратади расм. Лекин, обьектдан жуда катта масофада туриб, ундаги

ҳамма бўлакларни ва ҳажмларни тўлақонли тасвирлаш анча қийин. Аксинча, тасвирланаётган объектга жуда яқин масофада туриб ҳам, ушбу объектдаги ҳамма қисмларни кўз билан илғаб олиш машкул. Шунинг учун ҳар қандай тасвирини бажараётганда чамалаш орқали масофани тўғри танлай олиш, кўриш майдонини тўғри белгилаш рассомдан маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда рассомлар тасвирланаётган предмет катталигини 3 ҳисса кўпайтирилганига тенг масофада туриб тасвирлайдилар. Масалан, инсон қоматини тўлақонли тасвирлаш учун рассом натурадан тахминан 5-5,5 метрлар масофада туриши керак. Шундагина у тасвирини тўлақонли тасаввур этиб вазифани аниқ бажариши мумкин.

Уфқ чизиги деб, кўзимиз баландлигида ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қоғозни олиб уни горизонтал ҳолатда кўзимиз даражасигача кўтариб уфқ чизигини аниқлашимиз мумкин. Буюм чизувчига уч ҳолатда кўриниши мумкин.

Уфқ чизигидан юқорида.

1. Уфқ чизигидан пастда.
2. Кўзимиз нури баландлигида (уфқ чизиги баландлиги даражасида).

Уфқ чизиги ҳар доим кўзимиз нури баландлигидан ўтади. Агар биз юқорига чиқсак у биз билан кўтарилади, пастга тушсак уфқ чизиги ҳам пастда кузатилади.

Фазовий перспектива деб буюмларнинг фазо (бўшлиқ) таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишига айтилади. Фазо – тиник муҳитдир. Лекин, унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзоннинг таъсирида ҳаво булутлиги ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган объектнинг фазо бўшлиғида қай даражада чуқур жойлашганига қараб ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлакларнинг (яққол ёки хира) кўринишларига кескин таъсир этади.

Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлигига (эрталаб, кундузи, кечкурун) йил фасллари (баҳор, ёз, куз,) ҳамда атмосфера ўзгаришига (қуёш ёки булат) қараб ҳам ўзгаради.

Фазовий перспективанинг бир неча асосий қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

1. Бажарилаётган тасвир рассомга яқин бўлган буюмлар яққол, узоқдагилар эса умумий кўринади. тасвирида фазони сездириш учун яқин масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда тасвирлаш керак.

2. Фазо бўшлиғида (кенглигидан) жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. Тасвирда фазовий перспективани тўғри кўратиш учун узоқда жойлашган буюмларни озроқ енгил олдинги қатордаги буюмларни эса яққол тасвирлаш керак.

3. Яқин масофада жойлашган буюмлар фазода яққол ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса хирароқ кўринади. тасвирлашда ҳам ушбу тартибга риоя қилмоқ зарур.

4. Чизувчидан узоқроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёхранг, ҳаворанг ва оч тусда кўринади. фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни аникроқ чизгилар билан, узоқдагиларни эса очроқ тусда тасвирлаш мумкин.

5. Олдинги қаторда жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида (рангидан), узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. Фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда хирароқ қилиб тасвирлашни талаб этади.

Фазовий перспективанинг ушбу қонуни-қоидаларига риоя қилиш талаба учун муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар талабанинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюроморт, манзара ва ҳоказо) кузатилади.

Чизиқли конструктив тузилиши. Тасвирлаш учун буюм қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар у конструктив тузилишга эга. **Конструкция сўзи-** тузилиш (курилиш) маъносини англатиб, рассом буюмни тасвирлашда ушбу қонунга амал қилиши шарт. Буюмни ҳаққоний қилиб тасвирлаш учун унинг тузилишини чизиқли конструктив тузилишига эътибор бериш мақсадга мувофи. Чизиқли контруктив куриш ҳар қандай вазифани тасвирлашда амалга оширилади. Қуйидаги антик даврга мансуб гипсдан ишланган кўза ва меъморлик бўлагида ушбу қонунни амалда кўришингиз мумкин.


Буюмнинг конструктив тузилишини унинг асосий қисмларидан, ҳамда ёрдамчи чизиқлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади (кўза, конус, пирамида ва ҳоказо). Чизиқли конструктив тузилиш орқали буюмни тўғри тасвирлашда перспектив қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилишни тақозо этади. Юқорида кўрсатилган расмдаги гипс кўзанинг ҳажмини тўғри амалга ошириш жараёнида кўза асоси (буюм текислигидан жойлашган), экватори, бўғизи ва юқори қисми айланаларининг буюм текислигидаги ҳолатига асосан перспектив қисқаришини кўрамаз. Демак, чизиқли конструктив куриш буюмнинг чекка қирраларини контур чизиқлар билан, мураккаб тузилишга

эга (бир неча майда бўлаклардан иборат). Буюмларда эса ушбу бўлакларнинг енгил бирлашиб яхлит бир бутунликни ташкил этишдан иборатdir.

Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишдан ташқари нисбатларда ҳам, баландлиги ва энига эгадир. Бу эса *буюмларнинг нисбати* дейилади. Бир неча буюмлардан ташкил этилган қўйилма ўз нисбатларидан ташқари ўзаро ҳам катта-кичиклигига қараб нисбатлари мавжуд. Реалистик тасвирлашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвирлаш қўйидаги усулда амалга оширилади. Масалан, гипс нақш розеткасини олайлик. Розетканинг баландлигини энига нисбатан катталигини аниқлаш учун қўлга қаламни ушлаб узатган ҳолда розетканинг кичик томони-энининг ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб розетка баландлигига қўйиб таққослаймиз. Сўнгра ушбу топилган нисбатни қофозда белгилаймиз. Шу усулда бир гурух буюмлардан ташкил этилган натюроморт ёки бошқа ўзининг ҳамда ўзаро нисбатларини тўғри тасвирлаш мумкин.

Ҳажмлар. Ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга. Унинг ҳажми қирралари, баландлиги, бўйи ва энининг мавжудлиги билан белгиланади. Агар буюмнинг ҳажми тўғри тўртбурчаклардан иборат бўлса, унинг ҳажми ҳам текис юзадан иборатdir. Эгри чизиқлардан ташкил топган буюмлар (шар, конус, цилиндр ва бошқалар) текис юзалиларга нисбатан анча ҳажмдор хисобланади. Юқорида санаб ўтилган шакллар контур¹ чизиқлар воситасида амалга оширилади. Контур чизифининг буюм шаклини намоён этишда аҳамияти бениҳоят катта. Буюмнинг тузилиши, ҳаракати, нисбатлари, унинг қандай материалдан тузилганлигини ва бошқаларни тасвирий ифодалашда рассом контур чизиқлардан фойдаланади.

Буюмнинг шакллари тўғри тўртбурчаклардан иборат бўлса (куб, пирамида, призма ва бошқалар), унинг ҳажмларини бажариш тўғри чизиқлар воситасида амалга оширилади ёки унинг контурлари эгри чизиқлардан иборат бўлса, ҳажмлилик эллипс, айлана шакллар орқали амалга оширилади.



¹ Контур – (Французча KONTOUR) буюм шаклини акс эттирувчи чизик деб аталади.

Буюмни ҳажмдор тарзда тасвирилаш, унинг қандай шаклга эга эканлигига уни тўғри туслаш орқали бажарилади. Қиррали буюмларда, масалан, куб ҳажмини тўғри тасвирилашда кўпинча талабалар хатоликка йўл қўядилар.


Кубнинг ҳажмини ёруғ соялар воситасида бажариш жараёнида уни янада ёрқинроқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан алоҳида бўрттириб кўрсатадилар. Бу эса мутлақо нотўғри. Табиатда эса қиррали буюмлар юзаларининг бир-биридан тус жиҳатидан оч ва тўқлиги билан белгиланади. Фақат (куб ёки бошқа қиррали буюмларда) соя қисмидаги қирраси ёруғ қисмидаги юзага яқинроқ ерида тус жиҳатдан кучлироқ эканлиги билан ҳарактерлидир.

Думалоқ шакли буюмларни ҳажмларини эллипс, айлана чизиқлар орқали бажарилади. Тасвирилашда думалоқ ҳажмга эга буюмларнинг экватор қисми тус жиҳатдан кучлироқдир. Йиррали буюмларда бўлгани каби шарсимон буюмларни тасвирилашда ҳам унинг четлари қуюқ контур чизик билан амалга оширилмайди. Фақатгина унинг турган ҳолатига қараб ёруғ ва орқа фондаги соялар чегараси бор холос.

Лекин европа реалистик тасвирий санъатдан фарқли равишда шарқ тасвирий санъати ҳам ўзининг бетакрорлиги билан маълум ва машҳур. Чунончи, устоз Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган Султон Ҳусайн Мирзо портретини олайлик. Ушбу портретнинг ҳажмдорлиги гарчи ёруғ соя қонуниятларига ва перспектива қоидаларига риоя қилиниб яратилмаган бўлсада, ундаги локал чизик ва контурлар орқали рассом асар қаҳрамонини моҳирона тасвираган.

Қаламтасвирда натюроморт ишлаш босқичлари

Буюмларни тасвирилаш бошқа аниқ фанлар каби фикрлаб, чизилаётган нарсани чуқур таҳлил этиб, уни кўз



орқали эмас, турли тасвирилаш воситалари билан, образли қилиб яратишни тақозо этади.

«Тасвирилаш фикрлаш демакдир» - деган эди П.П.Чистяков. У ўқувчиларга «Ҳеч қачон индамай расм чизиш керак эмас, ҳар доим олдингизга мақсад қўйган ҳолда гапириб тасвирилган, бу эрдан у эргача»- деб доимо таъкидлаб эди. Сўз – тасвириланаётган буюмни таҳлил қилиб тўғри бажаришда энг асосий воситалардан биридир. У чизувчиларда фикр юритиб тасвирилаг «одати»ни шакллантиради.

Маълумки, тасвирий санъат ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида атроф муҳитни кенг ва атрофлича ўрганиш натижасида, аниқ фикрлаб каби, табиатни илмий жиҳатдан таҳлил этиш орқали ривожлантиради. Шунинг учун бўлажак тасвирий санъат, ўқитувчини табиатни қанчалик кўп севса ва кузатиб ўрганса, у шунчалик тасвирилаш соҳасида юксак натижаларга эришиши мумкин.

Бу борада айтиб ўтиш керакки, Уйғониш даврининг рассомлари табиатни илмий таҳлил қилиб, уни асосли ўргангандар ва ўз асарларида ишонарли тасвирилганлар. Жумладан, Леонардо да Винчи, Алъбрехт Дюрерлар инсон танаси аъзоларининг ҳар бир бўлгини математик жиҳатдан аниқ ўлчамларда ўрганиб ўз тасвириларида амалий қўлланганлар. Инсон қомати ёки портретини тасвирилашдан олдин унинг тузилиши хусусиятлари худи анатом-тадқиқотчике асосли ўргангандар ва ўзларининг бутун жаҳонга машхур санъат асарларини яратганлар.

Гипсдан ишланган аёл бошининг қаламтасвири

Ўқув қаламтасвирининг илмий асослари талабанинг у ёки бу ўқув машақ жараёнида тасвирилашнинг қонун ва қоидаларини аниқ бажарадилар. Масалан, бошланғич курсларда гипсли геометрик шаклларни чизишка талабадан ушбу буюмларни чизиқли конструктив тузилиши ҳамда перспектива қонун-қоидаларига амал қилишини талаб қилинади. Инсон ҳолатини тасвирилашда эса (юқори курсларда) талabalар унинг анатомик тузилишини ўрганишлари шарт. Юқори курс талabalарида ҳар бирининг ўзига хос индивидуал тасвирилаш техник хусусиятларини ривожлана бошлади. Улар ҳар бир вазифани ўзига хос техник жиҳатдан амалга ошириш билан бирга қаламтасвирдаги мавжуд



анатомия қонунларига риоя қилишлари лозим (сүяк ва машакларнинг жойлашиши, бирлашиши, уларнинг нисбат ва тузилишлари, ёргу, соя ва бошқалар

Бир қарашда бир-бири билан қарама-карши бўлиб туюлган тасвирий санъат ва илм-фан амалиётида бири иккинчисини тўлдириб шакллантиради. Онг ва сезги идрок ва ҳиссиёт доимо яқин алоқададир.

Демак, талаба ўқув вазифасини тўғри бажариш учун биринчи навбатда тасвирий санъатда қўлланилиши лозим бўлган турли қонун ва қоидаларга амал қилиш керак. Ушбу қонун-қоидалар орқали у ўқув қаламтасвири бажаришдаги биринчи даражали буюмларни бўрттириб қўрсатиши, бошқа шаклнинг характерли хусусиятларини аниқ тасвирлаш ва иккинчи даражали буюмларни эса, умумий оддий қўзга унча ташланмайдиган қилиб бажариши лозим.

Тасвирий санъат соҳасидаги, хусусан ўқув қаламтасвирида қўлланиладиган қонун ва қоидалар табиат қонунларидан келиб чиқади. Ушбу қонунлар тасвирий санъатга этарли таъсир этиб унинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Тасвирлаш қонунлари талабада қаламтасвир ишлаш билим ва малакаларини шакллантиради, ижодий қобилиятларини ўстириш ва уни бўлажак педагогик фаолиятга пухта тайёрлайди.

Буюмларни ўзига караб тасвирлаш машқлари бадиий –графика факулъетларида асосий ҳисобланиб, у талабадан юқорида баён этилган қонун ва қоидалар асосида иш юритишни талаб этади. Шу боис, талаба ўқишининг дастлабки босқичлариданоқ расм чизишининг асосий қонунлари билан тўла қуролланган, ҳамда ўтмишдап яшаб ижод қилган буюк рассомларнинг ижодини ва тасвир ишлаш техникаларини чуқур ўрганиши лозим.

Рангтасвирда аёлнинг портретини ишлаш босқичлари

Тасвирий санъат, борликдаги воқеа ва ҳодисалар ҳамда буюмларнинг нафақат ташки шаклини бажаришни, балки ушбу нарса ва буюмларни ички дунёсини, табиатдаги ҳодисаларни чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Буюмларни конструктив тузлишларини ҳамда уларнинг турли вазиятлардаги перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлаш талабалардан тинмай амалий машқлар бажаришни талаб




этади. Жумладан XIX асрнинг биринчи ярмида ижод этган рус педагогларидан А.П.Саподников буюмларни тасвирлашда «Синч» (каркас) усулини жорий этди. Гипсдан ишланган геометрик шаклларни тасвирлашда, у маълум шаклнинг ёнига шу шаклнинг симдан ишланган нусхасини кўйиб ёш рассомларга чизиқли конструктив тузилиши, перспектива қонун-қоидаларини осонликча ўрганишларида ёрдам берган. Синч усули ёрдамида тасвирлаш турли геометрик ҳамда бошқа шаклларни (куб, цилиндр, конус, призма ва бошқалар) буюм текислигидаги таянч нуқталарини, перспектива асосларини ҳамда фазовий ҳолатларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Маълумки, бошланғич курсдаги талабалар гипсдан ишланган турли геометрик шаклларни ўзига қараб тасвирлаш вазифалари кўрсатилган. Бунда улар куб, шар, призма, конус, цилиндр, пирамида, гипсли кўза, турли шақшлар ва меъморчилик бўлаклари ва ҳоказоларни ўзига қараб тасвирлайдилар. Ушбу машғулотларнинг асосий мақсади, талабалардла композиция, чизиқли конструктив тузилиш, нисбатлар, перспектива асослари каби кўпгина малакаларни ўргатиш ҳамда шакллантиришдан иборатдир. Аксарият умумтаълим мактабларидан талабаликка қабул қилинган ёшлар ушбу вазифаларни осонгина ишлаш у ёки бу вазифани бажаришда унга кўйиладиган талабларни тушунгандек бўлишади, аммо этарли малака ва кўникмаларнинг, ҳамда ушбу вазифани ишлашда асос ҳисобланган қонун-қоидаларни билмасликлари оқибатида анча қийинчиликларга учрайдилар.

Геометрик шакллардан тузилган нарсаларнинг қаламтасвири

Қаламтасвир – барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишдан қатъий



назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, катта асар композилялари устидаги изланишларини аввал қаламда дастлабки чизғилар билан ифодалайди. Санъат асарларини яратишда эса, ушбу бажарилган чизғилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласди.

Рассом у ёки бу картинасини яратишни қаламдан бошлайди. Шундан кейингина ушбу санъат асари ранглар жилоси орқали томоша қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини, этук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равища тугалланган дастгоҳли санъат асари ҳам бўлиши мумкин.

Тушъ, сангина, пастель, соус, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музей ива кўргазмаларидан жой олганлиги маълум.

Қаламтасвир машғулотлари кўриб-кузатиб тасвираш, борлиқни идрок этиш, қўл, онг ва сезги органларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки, турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

Уйғониш даврининг буюк рассоми ва олим Леонардо да Винчининг «Рангтасвир қонунлари» номли асарида жумладан, шундай деган эди : «Ёшлар, илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизиш мукаммал билмоқлари лозимдир».

Қаламтасвир машғулотлари бошқа мутахассислик фанлари қаторида бўлажак ўқитувчи-рассомларни тайёрлашда асосий мезон ҳисобланади. Қаламтасвир дарслари талабаларга назарий ва амалий машғулотлар олиб борилади. Шуни таъкидлаш керакки, амалий машғулотлар қаторида назарий билимлар ҳам бўлажак мутахассисларга уларнинг кейинги педагогик иодий ва илмий фаолиятларида муҳимдир.

Қораламалар чизиклар ёрдамида расм ишлаш

Бадиий маълумот беришда борлиқни ҳаққоний тасвираш талабаларга




амалий билимларни берибина қолмай, балки уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда катта аҳамиятга эгадир. Ҳаққоний расм чизиш санъати, борлиқни ҳаққоний образларда тасвираш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвираш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвираш принципида курилгандир.

Табиатга муҳаббат ўта кузатувчанлик, буюмларни тўғри тасвираш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шуғулланадиган



кишиларга хос бўлмоғи керак.

Тасвирий санъат ўқитувчининг этук малакага эга бўлишида нафақат амалий билимларни ўзлаштирилган бўлиши, балки тасвирлаш санъатининг назарий тайёргарлигининг пухталилига ҳам боғлиқ.


Бўлғуси педагог-рассомларга буюк рассом ва тасвирий санъат соҳасида кўплаб назарий, амалий билимларни мерос қилиб қолдирган кишилар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан таништириш, уларнинг асарларини чуқур ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвир машғулотлари Бадиий-графика факултетидаги мутахассис ўкув фанларининг асоси сифатида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қўйидаги асосий қонунларни ўргатишни мақсад қилиб қўяди :

1. Композиция асослари.
2. Чизиқли конструктив тузилиши .
3. Буюмларнинг нисбатлари.
4. Перспектива қонунлари .
5. Ҳаракат.
6. Бажарилаётган тасвирдаги ёруғ ва сояларнинг қонуниятлари.
6. Тасвири методик изма-излиқда тўғри бажариш .

Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ва ўрта ўкув юртида билим олид давомида ўкув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-рассомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ва ижодий иш жараёнида ҳам катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвирда этук асарларни яратиш рассомдан катта кузатувчанлик, нарсанинг ўзига қараб расм ишлаш малакаларини, шу юзада қўлланиладиган қонун ва қоидаларга риоя қилган ҳолда, албатта қалам билан ишлашдаги маҳорат ва тажрибани талаб қиласди. Буларнинг барчасига этишиш учун қизиқувчанлик, назарий билим ва тажрибани орттириш учун эса узлуксиз машқлар қилиб бориш керак. Фақат шундагина этарли маҳорат ва билимга эга бўлиши мумкин.



Расм чизиши асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилган. Тасвирий санъат ўқитувчининг этук

малакага эга бўлишига нафақат амалий билимларни ўзлаштирган бўлиши, балки тасвирилаш санъатининг назарий тайёргарлигининг пухталигига ҳам боғлиқдир.

Мазкур мавзуга бағишлиланган илмий-назарий нуқтаи назарда олиб борилган ишларга қўра қаламтасвир билан шуғулланиш ўзининг назариясига таянган ҳолда амалий дастурларини, шунингдек расм ишлаш қоидаларининг ишлаб чиқилишини амалга ошира олган.

Оддийдан мураккабга ўтиш принципига асосланиб қаламтасвирда ишлаш йўллари

Алоҳида таъкидлаб ўтилиши керак нарса бу, қайси даврда бўлишидан қатъий назар тасвирий санъатнинг ривожланган энг йирик чўққиси, уни илмий асосланган, мукаммал ишлаб чиқилган методларида ҳамда назарий билимлар билан амалий фаолиятининг уйғунлашган даврида ўз аксини топган.

Педагогика университетлари ва институтларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қаламтасвир асосий фан .

Қаламтасвирга оид назарий билимлар эса бўлажак ўқитувчи-рассом учун ниҳоятда зарур. Қаламтасвир чизиш қонун-қоидалари, ундаги иборалар, ҳар хил ашёлар билан ишлаш технологияси, инсон ва ҳайвонларнинг пластик анатомияси, ёруғ ва соялар, уларнинг буюм ва нарсалардаги кўринишлари : дараҳт ва шоҳ-шаббаларнинг тузилиш хусусиятлари кабиларни ўқитувчи мутахассис ўқувчига методик босқичлардан фойдаланган ҳолда тўғри тасвирилашни ўргатиши ва илмий жиҳатдан атрофлича тушунтира олиши керак. Кейинги вақтда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантиришга ҳукуматимиз катта эътибор бермоқда. Унга эса қаламтасвир машғулотлари юксак даражада олиб борилгандагина эришиш мумкин. Буюк Микеланджело Буонаротти бундай деган эди: «Қаламтасвир –бошқача қилиб айтганда, чизғилар санъати, рангтасвир, ҳайкалторошлиқ, меъморчиликнинг энг юқори нуқтаси қаламтасвир барча фанларнинг илдизи ва манбаидир». Ушбу сўзлар беш юз йил олдин айтилганлигига қарамасдан ҳозир ҳам қимматини йўқотмаган ва ўз исботини топмоқда.

Шунингдек, қанча вақтдан буён маълум тадқиқот бу-қаламтасвирнинг барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланиб иш юритади. Рассом ўзининг кузатишлари, катта асарларнинг композициялари устидаги изланишларини аввал қалам билан дастлабки чизғиларни ифодалай олади. Санъат асарларини яратиш ишларида ушбу бажарилган чизғилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши маълум. Рассом қандай картина яратишга ҳаракат қилмасин, мазкур асарнинг яратилиши қалам билан ишлашдан бошланади. Шу ишларни бажарганидан сўнггина мақсад қилинган асарлар рангларга бурканиб, жозибаси ва жилвакорлиги билан томошабинларга эстетикроҳатланиш баҳш этишга қодир бўла олади. Бундай жараённи бошқача қилиб айтганимизда,


қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом – у етук, истеъдодли ва таниқли бўлиши ёш тасвирий санъат оламига дастлабки қадам ранжида қилаётган ёш рассом бўлиши мумкин – ўз асарларини охиригача ишлов берилган, олдига қўйган мақсадига мувофиқ этук ҳолга келтира олмайди. Шу билан бир қаторда, қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асар ҳам бўлиши мумкин. Бундай тасвирий санъат намоёндалари буюк рассомлар тарафидан яратилган бўлиб, улар рангтасвирда ишланган қатор оламга машҳур бўлган ранг-ранг асарлар билан бир қаторда жаҳоннинг ҳар хил музейлари ва тасвирий санъат кўргазмаларидан жой олган, кўплари жуда машҳур бўлиб, манна неча асрлар, йиллар давомида санъат асарлари севувчилар, санъатшунослар, рассомлар, олимлар, тарихчилар ва бошқаларнинг диққат эътиборида бўлиб, кўпгина китоблар, алъбом, открытикалар кўринишида чоп этилган, улар ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган, илмий ишлар, изланишлар, тадқиқотлар, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш системалари ишлаб чиқилган, фильмлар суратга олинган. Уларнинг орасида энг машҳурларидан, мисол учу, Леонардо да Винчи, Микеланджело, Рубенс, Л.Иванов, М.Врубель, Мадильяни, В.Ван Гог, Пикассо, П.Соколов, А.Матисс ва бошқаларнинг дунёга машҳур бўлиши уларнинг этук асарлар даражасида бажарилганинидан дарак беради. Қаламтасвир машғулотларидағи асосий талабларидан – табиатдаги турли нарсаларни кўриб, уларни қузатиб, ҳар тарафлича тўғри тасвирлай олиш, борлиқни идрок этиш, шунингдек қўллар, онг ва сезги органларини фаоллаштиришда зарур омилдир. Айниқса, нарсанинг ўзига қараб расм чизиш машғулотларида қалам била ниш олиб бориш муҳим роль ўйнайди. Қоралама расмлар, эскизлар, чизмалар, ўлчамлар, таблицалар тузишда қаламтасвир асосларини яхши тушунган ва ўзлаштирган мутахассислар ўзларининг ижодий ва зарурый вазифаларини бажаришда катта ютуқларга эга бўлади.

Тасвирий санъат соҳасидаги, хусусан ўқув қаламтасвирида қўлланиладиган қонунлар ва қоидалар табиат қонунларидан келиб чиқади. Бу қонунлар тасвирий санъатга этарли таъсир этиб, унинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Тасвирлаш қонунлари талабада қаламтасвир ишлаш билим ва малакаларни шакллантиради, ижодий қобилиятларини ўстиради ва уни бўлажак педагогик фаолиятга пухта тайёрлайди.

Нарсаларнинг ўзига қараб тасвирлаш машқлари асосий ҳисобланиб, у ўқувчилардан юқорида баён этилган қонун ва қоидалар асосида иш юритишни талаб қиласди. Шу сабабли, талаба ўқишининг дастлабки босқичлариданоқ расм чизишнинг асосий қонунлари билан тўла қуролланган, ҳамда ўтмишда яшаб ижод қиласган буюк рассомларнинг ижодини ва тасвирлаш техникаларни яхши ўрганиш керак.

Гипсдан ишланган одам бошининг қаламтасвири

Тасвиrlанаётган буюм шакли қанчалик мураккаб бўлса, чизувчи уни шунчалик кўп ўрганиши ва таҳлил қилиши жоиздир. Қаламтасвиr ишлашда илмий ёндашиш, айниқса буюмни чизиқли-конструктив тузилиши ва перспектив ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади.



Таъкидлаб ўтиш жоизки, қаламтасвиr ишлашда этук малакага эришиш кўп жиҳатдан нарсани ўзига қараб тасвиrlашга боғлиқдир. Нарсани ўзига қараб тасвиrlаш маҳорат мактабини ўтамасдан ва ўкув машғулот жараёнини билмай туриб, бадиий ривожланиш пиллапояларидан юқорига чиқиш мумкин эмас.

Ўкув қаламтасвирини илмий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида ундаги бир неча мустақил асосий фанлар мавжудлигини кузатишимиz мумкин.

1. Перспектива – буюмнинг фазовий ҳолатини текисликда тўғри тасвиrlаш методларини очиб берувчи фан.

2. Пластик анатомия – инсон ва ҳайвонлар танасининг тузилиши ҳақидаги фан.

3. Физика – буюмларда ёруғ ва сояларнинг тақсимланиши борасидаги фан. Мазкур фанларни ҳар бир талаба аввало умумтаълим мактабларида, сўнгра бадиий олий ўкув юртида чуқур ўзлаштирилган бўлиши, ҳамда уларни тасвирий фаорлиятда кенг қўллай олиши зарур.

Олдин айтилганидек, Уйғониш даври рассомлари ўзларининг машҳур санъат асарларида санаб ўтилган фанларни кенг қўллаганлар. Буюмларни ҳаққоний тасвиrlаш негизида ушбу аниқ фанларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бирон бир машҳур санъат асари йўқки, унда перспектива қонуниятларига амал қилинмаган бўлсин. Ўзига қараб чизилган рассом қандай ҳолатда – рўпарадан, ёнида ўтириб ёки тика туриб, бажарганини аниқ айтиб бериш мумкин.

Ўтмишда яшаб ижод қилган буюк рассомлар, шунингдек ҳозирги замонавий рассомлар перспективани биринчи ўринга қўядилар. Бизнинг фазовий тасаввуримиз перспектива қонунига тўла амал қилишни талаб қиласди. Нарсанинг фазовий ҳолатини тўғри тасвиrlаш учун, унинг қонунларини тўғри бажаришга амал қилишимиз шарт. Машҳур тасвирий



санъат усталарининг бадиий ижодлари шуни кўрсатадики, табиатда борлиқни ҳаққоний тасвираш учун, тасвирий санъатдаги мавжуд бўлган қонун ва қоидаларга риоя қилиш жуда муҳимдир. Леонардо да Винчи ўзининг «Рангтасвир қонуниятлари» номли машҳур асарида жумладан шундай деган эди. «Ўқувчи авваламбор перспектива қонунларини пухта билиши лозим, шундан кейин – нарсанинг ўлчамларини ўзлаштириши лозим».

Амалда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилар перспектива қонунларини ўқиши даврининг ҳамма босқичларида қўллай билиши зарур. Улар нафақат турли оддий буюмларни чизганда, балки табиатнинг энг мураккаб маҳсулни бўлган инсон қоматининг турли ҳолатлардаги кўринишини бажаришда ҳам қўллашлари лозим. Инсон қоматини – унинг портрети ёки танасини тасвирашда талаба дастлабки курсларда, геометрик шаклларни чизиш даврида олган билим ва малакаларига асосланиши муҳимдир. Чунки, табиатдаги барча нарсаларнинг асосида геометрик шакллар ётади. Геометрик шакллар-текисликлар асосида тасвир бажариш, жумладан инсон қоматини чизиш ва конструктив таҳлил қилишга уйғониш даври рангтасвир, қаламтасвир устаси ва хайкалтароши Альбрехт Дюрер асос солган. Буюк немис рассоми Альбрехт Дюрер тасвирий санъатни ўқитиши методикаси борасида кўплаб илмий-амалий кўрсатмалар қолдирган. Фаолиятда у нафақат ҳис-туйғу ва кузатишларга, балки аниқ илмий билимларга асосланиши олдинга қўяди. Тасвирий санъатда илмий асослар рассомнинг муваффақиятини белгилайди.

Инсон аъзолари ва қоматини перспектива жиҳатдан тўғри тасвирашда у оддий геометрия шакллардан фойдаланишни ишлаб чиқсан. Бу усул қаламтасвир бажаришда катта малакага эга рассомдан тортиб, бадиий ижодга эндиғина қадам қўяётган ўқувчига ҳам катта ёрдам беради. Чизувчи турли шаклли геометрик сиртлар орқали мураккаб туюлган вазифани ҳам бажара олиши мумкин. Масалан, инсон бошини чизишида унинг шаклини катта-катта геометрик бўлаклар асосида тасаввур этиш ва уни худди ҳайкалтарош сингари кесиб ишлаш анча мушкул.

Уйғониш даври рассомлари ўзларининг илмий кузатишларини тасвирий амалиётга кенг тадбиқ этганлар. Улар анатомия, перспектива, ёруғ ва соя қонунлари борасида кўплаб билимга эга бўлганлар ва ўзларининг буюк асарларини яратиб, Уйғониш даври санъатини юқори чўққиларга олиб чиқсанлар.

Ёш мутахассис ўқитувчи –рассомларни қаламтасвир борасида пухта билимли бўлишларида перспектива асослари, қайишувчанлик (пластик) анатомияси кабилар билан бир қаторда уларга ёруғ-соя қонунларини ўргатиш

ҳам катта аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи буюмларнинг қандай материалардан тузилганлиги, бир-бирига тус жиҳатдан нисбатларини, фазовий ҳолатини ва ҳажмини тўғри бажаришларида ёруғ-сояларнинг аҳамияти муҳим.

Табиатдаги мавжуд бўлган ҳамма буюм ва нарсалар турли ҳажмга бўлиб бўлиб, биз уларга ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўладиган ўзгаришларни орқали қандай ҳажмга эга эканлигини тасаввур қиласиз.

Маълумки, ёруғлик табиий (қуёш ва ой), ёки сунъий (электр ва амалга шуъласи) бўлади. Қуёш нурлари бизгача ниҳоят даражада узоқдан келиши сабабли, унинг ёруғлик нурлари эрдаги барча нарса ва буюмларога перпендикуляр равишда тушади. Шунинг учун ёруғлик нурлари буюмга сочилиб тушиб, (асосан сферик шаклларда) буюмда ёруғ ва соялар тарқоқ, нисбатан ноаниқ кўринади.

Нарсани ўзига қараб тасвирилашда сунъий ёруғлик манбаларидан фойдаланиш буюмларнинг ҳажми ва шаклини тўғри бажаришда муҳимдир. Талабалар доимо шуни ёдда тутишлари керакки, олийгоҳда, хусусан қаламтасвир борасида, унинг ўзига хос илмий жиҳатларини мукаммал ўзлаштиришлари уларнинг бўлажак педагогик фаолиятларида катта аҳамият касб этади.

Қаламтасвир машғуолотларида буюмларнинг ҳажмини тўғри ва ҳаққоний тасвирилаш оддий қаламларда амалга оширилади. Рангтасвирдан фарқли ўлароқ бу вазифа анча мушкул бўлиб, талабалар зиммасига қаламтасвир борасида кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб этади. Шунинг учун, талаба турли ҳажм ва шаклга эга буюмларнинг ёруғ ва сояларини бажаришда тасвириланаётган буюмларнинг ҳажми ва шакли асосида иш юритишиңи тақозо этади. Бунда у қалам билан бир буюмга тушаётган ёруғ, соя, ярим сояларни энгил чизиқлар билан бир текисда ва чизиқлар тортишда унинг дона-дона бажарилишига эътибор бериши керак, буюмларга ёруғлик қанчалик тик тушса, уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда уриниб, бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик бир буюмдан урилиб (синиб) иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу ҳол тасвириланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ёруғлик.
2. Соя.
3. Ярим соя.
4. Акс.
5. Ялтироқлик.

Ёрглик соя – буюм юзасига тик тушувчи қүёш ёки сунъий ёритгичлар таъсиридаги нурга айтилади.

Соя – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқа томонига (тескарисига), ёруғлик нурлари тушмаган эрига айтилади.

Бундай сояларни яна **шахсий соя** деб ҳам юритилади. Тасвиirlар бажарилишида соялар буюмларнинг бири иккинчисини тўсиши натижасида ҳосил бўлади.

Бундай соялар буюм текислигига (стол, пол, эр ва ҳоказо) ҳамда бажарилаётган буюмларнинг биридан иккинчига ҳам тушиши мумкин. Буюмларга қияроқ равишда тушувчи ёруғлик уларда ярим сояларни ташкил этади. Ярим соялар асосан ёруғлик ва шахсий соялар оралиғидаги қисмлардан жойлашади. Шунинг учун соялар бир хил тўқ тусда бўлмайди.

Амалий машғулотларда талабаларни босқичларда тасвиirlашга ўргатишнинг методик асослари

Қаламтасвиirlарниг методик босқичлари


Фақатгина соя ва ярим соялар орқалигина, буюмларнинг ҳажмларини тўғри бажариш мумкин. Буюмларга урилиш натижасида қайтиб бошқасига тушувчи ёруғликлар **акс ёргликтини** ҳосил қиласди.

Акс ёруғликлар предметларнинг бир-биридан қандай масофада жойлашганига кўра кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин.

Лекин ҳеч қачон акс ёруғлик буюмларга тик тушувчи ёруғликка нисбатан кучли бўлмайди.

Буюмга ёруғликнинг тик тушиши натижасида эса ялтироқлик ҳосил бўлади. бу ҳолат шиша, чинни, темир, сопол ва бошқа ёруғликнинг қайтариш хусусиятига эга бўлган кўпгина буюмларда кузатилади.

Таъкидлаб ўтилганидек ўқув қаламтасвиiriда ёруғ ва соялар қаламда энгил чизиклар (штрихлар) билан амалга оширилади. Ёруғ ва ярим сояларда чизик кучлари тасвиirlанаётган буюмнинг характеристига ва ёруғлик тушиш йўналишига қарай дона-дона, аниқ бўлиши керак. Бундай бажарилган туслар буюмларнинг конструктив тузилишини янада яққол кўрсатиб беради.



Аксинча, буюмнинг соя қисмларида чизиқлар қуюкроқ, бир-бирига яқин (бирлашиб кетган) бўлиши керак. Қиррани буюмларда туслар ёруғ ва соя учрашган (яқинлашган) қисмда тўқроқ бўлади.

Тасвирлашга қўйилган олдинги қатордаги буюмлар аниқ чизиқлар билан чизилса, иккинчи ва учинчи қатордаги буюмлар чизувчидан узокроқда жойлашганлиги ҳисобига умумий тарзда бажарилади.

Бу ўз навбатида тасвирланаётган буюмни ҳаққоний (фазовий перспектива қонунига асосан) бажарилишида муҳимдир.

Яна шуни таъкидлаш керак, оддий қалам билан буюмни ҳажми асосида ишлаш, тасвирланаётган буюмларни тўлақонли ҳажмли бажарилишининг омилидир. Пала- partiш, дуч келган томонга чизиқлар тортиш қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қиласди.

Буюмларнинг ҳажмларини бажаришга, чизиқларни тортиш кетма-кетлилига риоя қилиш керак қаламни қофоз сиртида бир хил куч билан босгандаги чизиқлар орасидаги масофаланинг тенг бўлишига эътибор бериш керак ва шундай тасвирлаш тўғри бўлади, чизилаётган қўйilmанинг тўғри бажарилишида бу нарса катта аҳамиятга эга. Дўмалоқ (сфера кўринишида) ҳажмга эга бўлган буюмларни бажаришда, олдин айтилганидек, чизик тортиш учун баъзан тус жиҳатдан тўқ бўлган буюмни тасвирлашда ҳам, унинг ёруғликни тушиши натижасида тушувчи соя билан солиштириш ва тушувчи сояни тўқроқ бажариш керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси тасвирлашнинг техник жиҳатлари билан бир қаторда унинг назарий томонларига ҳам кўпроқ эътибор бериши лозим.

Ўтмишда уста рассомлар табиатдаги ёруғ ва сояларнинг қонунини изчил кузатганлар ва ўзларининг амалий ишларида муваффақият билан қўллай билганлар. Жумладан, Леонардо да Винчи шундай дейди: «Тўқ тусли буюмда ҳосил бўлувчи акс ёруғлик доимо очроқ тусдагига нисбатан аниқ ва яққол кўринади».

Кўп йиллик кузатишлиар шуни кўрсатадики, талабаларга қаламтасвир машғулотларини ўқитишда айrim педагоглар қаламтасвирда мавжуд илмий асосларга перспектива қонунларига, пластик анатомиясига ва ёруғ-соялар назариясига этарли эътибор бермайдилар. Оқибатда талабалар ушбу қонун-қоидалардан бехабар қоладилар ўа амалий вазифалар пухта бажарилмайди.

Тасвирлашнинг асосий қоидалари қўйидаги равишда ўрганилади:

Перспектива қонуни – тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан қатъий назар (узоқдан, яқиндан, юқоридан, пастдан, тўғридан ёки чеккадан) чизувчига эллипс шаклда бажарилиб, буюмларнинг экваторига (корнига) яқинлашганда тўқроқ кучда бўлади.

Ёруғ–соя қонунлари перспектива, пластик анатомиядаги қонунлар каби тасвиrlашда аниқликни талаб этади. Физик омилларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ёруғлик барча буюм ва нарсаларга тушиши натижасида маълум ҳажмлар қонунини ташкил этади. Олийгоҳ ва бошқа ўқув ўринларида таҳсил олаётган талабалар ушбуларни доимо ўз тасвирий фаолиятида билиши ва қўллай билиши лозим:

а) Ёруғлик манбаига яқин бўлган буюмлоарда ёруғ ва соялар ҳар доим кучлидир, аксинча, буюмлар ёруғлик манбаидан узоқлашган сари, соя ёруғ кучлари ва умумлашиб хира бўлиб қўринади. Буюмларни тасвиrда аниқ бўлиши учун ёруғлик манбаига яқин турларини кескин ёруғ, соялар орқали бажариш, узоқда жойлашган буюмларни эса, умумий тарзда чизиш тавсия этилади.

б) Буюмнинг нурни тўсиш натижасида у ёки бу текисликка тушувчи соя, ҳар доим шу буюмнинг шахсий соясига нисбатан кучлироқ бўлади. Шунинг ўзгариб қўринади. Масалан, кубни у ёки бу томонга буриб, унинг томонларини чизувчига ўзгариб қўринишини кузатамиз.

Буюмларни текислиқда ҳаққоний тасвиrlашда рассом перспектива қонунига бевосита мурожаат қилади. бу ҳолатни шундай таърифлаш мумкин: «Табиатдаги барча буюмлар қандай шаклга эга бўлмасин, перспектив қонун ва қоидаларга бўйсунади».

Перспектив қонунларни мукаммал ўрганиб, ҳар қандай буюмнинг кўринар ва кўринмас томонларини тўғри тасврилаш мумкин.

Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталиқда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текисликта қандай жойлашганига қараб перспектив қисқариб боради.

Ўз навбатида перспектив қонуни ҳаққоний тасвиrlаш «алифбо» ларидан бўлган «сурат текислиги», «буюм текислиги», «кўриш майдони», «кўриш нуқтаси», «уфқ чизиги» каби қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Сурат текислиги деб тасвиrlанаётган натюроморт, манзара, портрет ва ҳоказолар билан рассом орасидаги бўшлиқقا айтилади.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда, ёруғлик чизилаётган буюмга тушиб, рассомга у ёки бу буюмнинг шакли қўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвиrlашга ўтади. Сурат текислиги рассом билан натура ўртасидаги восита бўлиб хизмат қилади.

Буюм текислиги деб тасвиrlанаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, эр ва бошқа чизиш учун бажариладиган мослама бўлиши мумкин.

Кўриш майдони бу чизувчининг тасвиrlанаётган буюмни кўриш вақтида қамраб олишидир. Рассом тасвиrlанаётган обьектнинг қанча

узоқлашиб борган сари унинг кўриш майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвиrlанаётган объектнинг ҳамма қисмларини аниқ кўриш ва тасвиrlашга имкон яратади. Лекин, объектдан жуда катта масофада туриб ҳам, унда ҳамма бўлакларни ва ҳажмларни тўлақонли тасвиrlаш анча қийин. Аксинча, тасвиrlанаётган объектга яқин масофада туриб ҳам, ушбу объектдаги ҳамма қисмларни қўз билан тасвири бажараётганда чамалаш орқали масофани тўғри танлай олиш, кўриш майдонини тўғри белгилаш рассомдан маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда рассомлар тасвиrlанаётган предмет катталигининг уч хисса кўпайтирилганига тенг масофада туриб тасвиrlайдилар. Масалан, инсон қоматини тўлақонли тасвиrlаш учун рассом натурадан тахминан беш-беш ярим мерт масофада туриши керак.

Уфқ чизиги деб, кўримсиз баландлигида ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қоғозни олиб уни горизонтал ҳолатда қўзимиз даражасигача кўтариб уфқ чизигини аниқлашимиз мумкин. Буюм чизувчига уч ҳолатда кўриниши мумкин.

1. Уфқ чизигидан юқорида.
2. Уфқ чизигидан пастда.
3. Кўзимиз нури баландлигида (уфқ чизиги баландлиги даражасида).

Уфқ чизиги ҳар доим қўзимиз нури баландлигидан ўтади. Агар биз юқорига чиқсак у биз билан кўтарилади, пастга тушсак уфқ чизиги хам пастда кузатилади.

Фазовий перспектива деб буюмларнинг фазо (бўшлиқ) таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишига айтилади. Фазо–тиник муҳитдир. Лекин, унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, ҳаво намлиги, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзоннинг таъсирида ва бошқалар. Шунинг учун тасвиrlанаётган объектнинг фазо бўшлиғида қай даражада чукур жойлашганига қараб ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлакларнинг (яққол ёки хира) кўринишларига кескин таъсир этади.

Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвиrlанаётганлигига (ерталаб, кундузи, кечқурун) йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиши) ҳамда атмосфера ўзгаришларига (куёш ёки булут) қараб ҳам ўзгариши мумкин. Тасвиrlанаётган буюмларнинг фазов чукурлигида қандай узоқ ёки яқинда жойлашганига қараб ҳам ўзгарилиши мумкин.

Фазовий перспективанинг ушбу асосий қоидалари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

1. Бажарилаётган тасвир рассомга яқин бўлган буюмлар яққол, узоқдагилар эса умумий бўлиб кўринади. Тасвирда фазони сездириш учун яқин масофада жойлашган бўлакларни яққол, узоқдагиларни эса умумий

тарзда тасвирлаш керак.

2. Фазо бўшлиғида (кенглигида) жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. Тасвирда фазовий перспективани тўғри кўрсатиш учун узоқда жойлашган буюмларни озроқ энгил, олдинги қатордаги буюмларни эса яққол тасвирлаш керак.

3. Яқин масофада жойлашган буюмлар фазода яққол ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса хирароқ бўлиб кўринади. Тасвирлашда ҳам ушбу тартибга риоя қилмоқ зарур.

4. Чизувчиdan узоқроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёхранг, ҳаворанг ва оч тусда кўринади. Фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни аниқроқ чизғилар билан, узоқдагиларни эса очроқ тусда тасвирлаш мумкин.

5. Олдинги қаторда жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида (рангида), узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. Фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларги эса умумий тарзда хирароқ қилиб тасвирлашни талаб этади.

Фазовий перспективанинг ушбу қонун-қоидаларига риоя қилиш талаба учун муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар талабанинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюроморт, манзара ва ҳоказо) кузатилиши мумкин.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ ва соялар катта аҳамиятга эга. Натурага кўйилган буюмларга ёруғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик бир буюмдан урилиб (синиб) иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин.

Чизиқли конструктив тузилиш. Тасвирлаш учун буюм қандай сода ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар у конструктив тузилишиа эга. Конструктив сўзи – тузилиш (қурилиш) маъносини англатиб рассом буюмни тасвирлашда ушбу қонунга амал қилиши шарт. Буюмни ҳаққоний қилиб тасвирлаш учун унинг тузилишини чизиқли конструктив тузилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чизиқли конструктив қуриш ҳар қандай вазифани тасвирлашда амалга оширилади. Қуйидаги антик даврга мансуб гипсдан ишланган кўза ва меъморлик бўлагида ушбу қонунни амалда кўришингиз мумкин.

Буюмнинг конструктив дузилишини унинг асосий қисмларидан, ҳамда ёрдамчи чизиқлар ўтказиш йўли билан амлага оширилади (кўза, конус, пирамида ва ҳоказо). Чизиқли конструктив тузилиш орқали буюмни тўғри

тасвирилашда перспектив қонун-қоидаларга түлиқ амал қилишни тақозо этади. Юқорида кўрсатилган расмдаги гипс кўзанинг ҳажмини тўғри амалга ошириш жараёнида кўза асоси, экватори, бўғизи ва юқори қисми айланаларининг унинг буюм текислигидаги ҳолатига асосан перспектив қисқаришини кўрамиз. Демак, чизиқли конструктив кўриш буюмнинг чеккар кирраларини контур чизиқлар билан мураккаб тузилишига эга (бир неча майда бўлаклардан иборат). Буюмларда эса ушбу бўлакларнинг энгил бирлашиб яхлит бир бутунликни ташкил этишдан иборатdir.

Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишидан ташқари нисбатларда ҳам, баландлиги ва энига эгадир. Бу эса буюмларнинг нисбати дейилади. Бир неча буюмлардан ташкил этилган қўйилма ўз нисбатларидан ташқари ўзаро ҳам катта-кичиклигига қараб нисбатлари мавжуд. Ҳаққоний тасвирилашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвирилаш қўйидаги усулда амала оширилади. Масалан, гипс нақш розеткасини олайлик. Розетканинг баландлигини энига нисбатан катталигини аниқлаш учун кўлга қаламни ушлаб узатган ҳолда розетканинг кичик томони – энининг ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб розетка баландлигига қўйиб тақкослаймиз. Сўнгра ушбу топилган нисбатни қоғозда белгилаймиз. Шу усулда бир гурух буюмлардан ташкил натюроморт ёки бошқа ўзининг ҳамда ўзаро нисбатларини тўғри тасвирилаш мумкин.

Ҳажмлар – ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга. Унинг ҳажми қирралари, баландлиги, бўйи ва энининг мавжудлиги билан белгиланади. Агар буюмнинг ҳажми тўғри чизиқлардан иборат бўлса, унинг ҳажми ҳам текис юзадан иборатdir. Эгри чизиқлардан ташкил топган буюмлар (шар, конус, цилиндр ва бошқалар) анча ҳажмдор ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган машқларни тўғри бажариш контур (французча – КОНТОУР, буюм шаклини акс этувчи чизиқ деб юритилади). Чизиқлар воситасида амалга оширилади. Контур чизигининг буюм шаклини намоён этишда аҳамияти беҳоя катта. Буюмнинг тузилиши, ҳаракати, нисбатлари, унинг қандай материалдан тузилганлигини ва бошқаларни тасвирий ифодалашда рассом контур чизиқлардан фойдаланади.

Буюмнинг контурлари тўғри чизиқлардан иборат бўлса (куб, пирамида, призма ва бошқалар), унинг ҳажмларини бажариш тўғри чизиқлар воситасида амалга оширилади.

Буюмни ҳажмдор тарзда тасвирилаш, унинг қандай шаклга эга эканлигига ва уни тўғри туслаш орқали бажарилади. Қиррали буюмларда, масалан. Куб ҳажмини тўғри тасвирилашда кўпинча талабалар хатоликка йўл қўядилар.

Кубнинг ҳажмини ёруғ соялар воситасида бажариш жараёнида уни

янада ёрқинроқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан алоҳида бўрттириб кўрсатадилар. Бу эса мутлақо нотўғри. Табиатда эса қиррали буюмлар юзаларининг бир-биридан тус жиҳатидан оч ва тўқлиги билан белгиланади. Фақат (куб ёки бошқа қиррали буюмларда) соя қисмидаги қиррали ёруғ қисмидаги юзага яқинроқ эрида тус жиҳатдан кучлироқ эканлиги билан характерлидир.

Назорат саволлари.

1. Маҳмуд Музахҳиб ҳақида маълумот беринг.
2. Чизикли конструктив тузилиш нима?
3. Тасвирлаш учун буюм қандай сода ёки мураккаб бўлишидан қатъий қандай тузилишга эга?
4. Тасвирлаш босқичларининг кетма-кетлигини изоҳланг.
5. Ўзбекистонда 1995 йили энг йирик меҳмонхоналари сарасига кирадиган «Интерконтинентал» қайси меъмор лойиҳаси асосида бунёд этилган?
6. Шарқ мўъжаз санъат муссаввири Камолиддин Беҳзоднинг асарлари қайси китобларда тасвирланган?
7. Шарқ мўъжаз санъат мусаввири К.Беҳзод неchanчи йилда таваллуд топган?
8. “Қирқиб” ишлаш методига кимлар асос солган
9. Адабий асарлар асосида расм ишлаш тасвирий санъат машғулотларининг қайси турига киради?
10. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчиларга сингдиришда тасвирий санъатнинг қайси турлари кўпроқ аҳамият касб этади?
11. XX аср Ўзбекистон рассомлари кимлар?
12. Қадимда ёзувнинг кетма-кетлиги ривожланишини аниқланг.
13. Нечанчи асрдан бошлаб расм фан сифатида мактабларда ўқитила бошлади?
14. Темурийлар даври тасвирий санъат мактабларини асосчилари кимлар?
15. Тасвирий санъатни табақалаштириб ўқитишида унинг қайси турлари қўлланилади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қосимов Қ.. Наққошлиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
2. С.Л.Витман. «Педагогика в вопросах и ответах», 2006г.

4-амалий машғулот: Шаклларнинг конструктив тузилиши.

Тасвирий санъатда композиция масалалари.

Таянч иборалар: тасвир, палитра, перспектива, соя, яримсоя, буюм, мастихин, геометрик шакл, розетка, гипс буюм.

Академик ва ўқув вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари.

қаламчизги ва қораламалар.

Буюмларни тасвирлаш ҳам бошқа аник фанлар каби фикрлаб, чизилаётган нарсани чуқур таҳлил этиб, уни сўз орқали эмас, турли тасвирлаш воситалари билан, образли қилиб яратишини тақозо етади.

П.П.Чистяков айтганидек, "Тасвирлаш фикрлаш демакдир". У ўқувчиларига доимо таъкидлар эди, "Хеч қачон индамай расм чизиш керак эмас, ҳар доим олдинигзга мақсад қўйган ҳолда гапириб тасвирланг, бу ердан бу жойгача".

Сўз-тасвирланаётган буюмни таҳлил қилиб тўғри бажаришда энг асосий воситаларидан биридир. У чизувчида фикр юритиб тасвирлаш "одати"ни шакллантиради.

Маълумки, тасвирий санъат ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида атроф муҳитни кенг ва атрофлича ўрганиш натижасида, аник фанлар каби, табиатни илмий жиҳатдан таҳлил этиш орқали ривожланади. Шунинг учун бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси табиатни қанчалик кўп севса ва қузатиб ўрганса, у шунчалик тасвирлаш соҳасида юксак натижаларга эришиши мумкин.

Ўйғониш даврининг буюк рассомлари табиатни илмий таҳлил қилиб, уни асосли ўргангандар ва ўз асарларида ишонарли тасвирлаганлар. Жумладан, Леонардо да Винчи, Альберти ва Дюрерлар инсон танаси аъзоларининг ҳар бир бўлagini аник ўлчамларда ўрганиб ўз тасвирларида амалий қўллаганлар. Инсон қомати ёки портретини тасвирлашдан олдин унинг тузилиш хусусиятларини худди анатом тадқиқотчикдек асосли ўргангандар ва ўзларининг бутун жаҳонга машхур санъат асарларини яратганлар.

Ўқув қаламтасвирининг илмий асослари деганда талабанинг у ёки бу ўқув машқ жараёнида тасвирлашнинг қонун ва қоидаларини аник бажариши назарда тутилади. Масалан, бошланғич курсларда гипсли геометрик шаклларни чизишида, талабадан ушбу буюмларни чизиқли конструктив тузилиши ҳамда перспектива қонун қоидаларига амал қилишни талаб қиласиз. Инсон қоматини тасвирлашда эса унинг анатомик тузилишни ўрганишлари шарт.

Улар ҳар бир вазифани ўзига хос техник жиҳатдан амалга ошириш билан бирга қаламтасвирдаги мавжуд пластик анатомия қонунларига риоя қилишлари лозим (суяқ ва мушакларнинг жойлашиши, бирлашиши, уларнинг нисбат ва тузилишлари, ёруғ, соя ва бошқалар).

Узоқ ўтмишданоқ қадимги юонон мусавирлари инсон қоматини тасвирлаш натижасида, ҳамда уни илмий таҳлил этиб шундай хulosага

келгандарки-инсон қомати табиатнинг енг мураккаб, олий ва гўзал маҳсулидир.

Бир қараашда бири-бири билан қарама – қарши бўлиб туолган тасвирий санъат ва илм-фан амалиётда бири иккинчисини тўлдириб шакллантиради. Онг ва сезги, идрок ва ҳиссият доимо яқин алоқададир.

Демак, талаба ўқув вазифасини тўғри бажариши учун биринчи навбатда тасвирий санъатда қўлланилиши лозим бўлган қонун ва қоидаларга амал қилиши керак. Улар орқали у ўқув қаламтасвири бажаришда тасвирдаги биринчи даражали буюмларни бўрттириб кўрсатиши, шаклнинг характерли хусусиятларини аниқ тасвирлаши ва иккинчи даражали буюмларни эса, умумий ва оддий кўзга унча ташланмайдиган қилиб бажариши лозим.

Тасвирий санъат соҳасидаги, хусусан ўқув қаламтасвирида қўлланиладиган қонун ва қоидалар табиат қонунларидан келиб чиқади. Ушбу қонунлар тасвирий санъатга етарли таъсир етиб, унинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Тасвирлаш қонунлари талабада қаламтасвир ишлаш билим ва малакаларни шакллантиради, ижодий қобилиятларини ўстиради ва уни бўлажак педагогик фаолиятга пухта тайёрлайди.

Буюмларни ўзига қараб тасвирлаш машқлари тасвирий санъатнинг бадиий графика асоси ҳисобланиб, у талабадан юқорида баён этилган қонун ва қоидалар асосида иш юритишини талаб этади. Шу боис, талаба ўқишининг дастлабки босқичданоқ расм чизишнинг асосий қонунлари билан тўла қуролланган, ҳамда ўтмишда яшаб ижод этган буюк рассомларнинг ижодини ва тасвир ишлаш техникаларни чуқур ўрганиши лозим.

Тасвирий санъат, борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар ҳамда буюмларнинг нафақат ташқи шаклини бажаришни, балки ушбу нарса ва буюмларни ички дунёсини, табиатдаги ҳодисаларни чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Буюк француз меъмори Ле Корбюзе шундай деган эди: "Тасвирлаш жараёнида, буюмларни қандай дунёга келишини, уларнинг қандай ривожланишини, ўсишини, гуллаб-яшнашини кўрасан. Бу борлиқни кузатиш орқали, авало "ички" дунёсини, сўнгра "ташқарисини" ўрганиш натижасида амалга оширилади. Буюмни ҳақиқий гўзаллигини аввало ташқарисига эътибор бериб, сўнгра чизиш давомида уни синчиклаб кузатиш, идрок этиш орқали, унинг юрагига йўл топишгacha бориши мумкин. Тасвирлаш-бу кузатиш, яратиш, ихтиро қилиш демакдир".

Тасвирланаётган буюм шакли қанчалик мураккаб бўлса, чизувчи уни шунчалик кўп ўрганиши ва таҳлил этиши керак. Қаламтасвир ишлашда илмий ёндошиш, айниқса буюмни чизиқли конструктив тузилиши ва перспектив ҳолатини аниqlашда катта аҳамият касб этади.

Қаламтасвирда етук малакага эришиш кўп жиҳатдан нарсани ўзига қараб тасвирлашга боғлиқ. Нарсани ўзига қараб тасвирлаш маҳорат мактабини ўтмасдан ва ўкув машғулот жараёнини билмай туриб, бадий ривожланиш пиллапояларидан юқорига чиқиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда рассомнинг билими, ҳаёли уни ўраб турган борлиқ билан ҳар доим боғлиқ бўлиши лозим. Ижодкор-рассом ҳаёлан бирон-бир санъат асари устида ижод қилишидан олдин, энг аввало кузатиб, эслаб қолган борлиқ образларини ҳаёлан тиклаб, таҳлил қилиб, сўнгра уларни жуда кўп марта амалий машқлар бажариш орқали олган билим ва тажрибалари асосида бажаради.

Юқорида баён этилганидек, уйғониш даври рассомлари ўзларининг машхур санъат асарларида санаб ўтилган фанларни кенг қўллаганлар. Буюмларни ҳаққоний тасвирлаш негизида ушбу аниқ фанларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бирон бир машхур санъат асари, йўқки, унда перспектива қонуниятларига амал қилинмаган бўлсин. Ўзига қараб чизилган суратни рассом қандай ҳолатда (рўпарадан, ёнидан, ўтириб, ёки тик туриб) бажарганини аниқ айтиб бериши мумкин.

Ўтмишда яшаб ижод этган буюк, ҳамда хозирги замонавий рассомлар перспективани биринчи ўринга қўядилар. Бу эса биздан фазовий тасаввуримиз перспектива қонунига тўла амал қилишини талаб этади.

Буюмнинг фазовий ҳолатини тўғри тасвирлаш учун, унинг қонунларини тўғри бажаришга амал қилишимиз шарт. Машхур тасвирий санъат усталарининг бадий ижодлари шуни кўрсатадики, табиатда борлиқни ҳаққоний тасвирлаш учун, тасвирий санъатдаги мавжуд қонун қоидаларга риоя қилиш муҳимдир. Леонардо да Винчи ўзининг "Рангтасвир қонуниятлари" номли асарида жумладан шундай деган еди: "Ўқувчи авваламбор перспектива қонунларини пухта билиши лозим; кейин нарсанинг ўлчамларини ўзлаштириши керак..."

Буюмларни конструктив тузилишларини ҳамда уларнинг турли вазиятлардаги перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлаш талабалардан тинмай амалий машқлар бажаришни талаб этади. Машхур рассом мураббийлар ўзларининг ижодий фаолиятлари билан бир қаторда кўплаб маҳсус методик йўлланмалар ишлаб чиқканлар. Жумладан, XIX асрининг



биринчи ярмида ижод этган рус педагогларидан А.П.Сапожников буюмларни тасвирилашда "синч"/каркас/ усулини жорий етди. Гипсдан ишланган геометрик шаклларни тасвирилашда у маълум шаклнинг ёнига шу шаклнинг симдан ишланган нушасини қўйиб ёш рассомларга чизиқли конструктив тузилиш, перспектива қонун-қоидаларини осонликча ўрганишларида ёрдам берган. Синч усули ёрдамида тасвирилаш турли геометрик ҳамда бошқа шаклларни куб, цилиндр, конус, призма ва бошқ. Буюм текислигидаги таянч нуқталарини, перспектива асосларини ҳамда фазовий ҳолатларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Маълумки, бошланғич курсларида гипсдан ишланган турли геометрик шаклларни ўзига қараб тасвирилаш вазифалари кўрсатилган. Бунда улар куб, шар, призма, конус, цилиндр, пирамида, гипсли кўза, турли нақш ва меъморлик бўлаклари ва ҳоказоларни ўзига қараб тасвириладилар. Ушбу машғулотларининг асосий мақсади, талабаларда композиция, чизиқли

конструктив тузилиш, нисбатлар, перспектива асослари каби кўпгина малакаларни ўргатиш ҳамда шакллантиришдан иборатdir. Умумтаълим мактабларидан талабаликка қабул қилинган ёшларнинг аксарият ушбу вазифаларни осонгина ишлаш мумкин деб ўйладилар. Ўқитувчи томонидан у ёки бу вазфани бажаришда унга



қўйиладиган талабларни тушунгандек бўлсаларда, етарли малака ва кўникмаларнинг, ҳамда ушбу вазифани ишлашда асос ҳисобланган қонун қоидаларни билмасликлари оқибатида анча қийинчиликларга учрайдилар. Геометрик шаклларнинг расмини чизища уларнинг буюм текислигига жойлашшган асосларини чизиқли перспектива қонунига асосан тўғри бажариш муҳимдир. Бунинг учун чизувчи буюмларнинг перспектив қисқариш қонунлари билан бир қаторда уфқ чизигини тўғри аниқлаши, ҳамда унинг ёрдамида турли шаклларнинг буюм текислигига ўзаро жойлашган ҳолатларини ҳаққоний тасвирилаши мумкин. Яна бир мисол, маълумки ҳар бир буюм, у қандай шаклга ега бўлишидан қатъий назар, перспектива қонунларига асосан қисқаришга ега. Лекин, кўп ҳолларда талабалар бу назарияга еътибор бермайдилар. Кузатишлар шуни кўрсатадики, айланада шаклли буюмларни тасвирилашда унинг фазовий ҳолатини тўғри топа

олмайдилар ва унинг перспективага асосан қисқаришида қўпол хатога йўл қўядилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, ёшлар у ёки бу буюмни тасвирлашдан аввал унинг шакли қандай содда ёки мураккаб тузилган бўлишидан қатъий назар уни синчиклаб кузатишлари ва уни худди шишадан ишлангандек кўринар кўринмас томонларини ҳам тасаввур қилишлари шарт. Кўпинча уста рассом ва муаллимлар буюмни кузатиб ўрганиш натижасида уни қоғоз композицион жиҳатдан тўғри жойлашган, чизиқли конструктив қурилган ҳолатини ҳаёлан тасаввур етишини сўнгра, шу кузатиш орқали ишга киришишни маслаҳат берадилар. Бундай усул чизувчининг фазовий тасаввурини шакллантирибгина қолмай, буюм тасвири тўлақонли бўлишида катта омил бўлади.

Ёшлар тасвирий санъатнинг перспектива қонунларини ўқиш даврининг ҳамма босқичларида қўллай билишлари зарур. Улар нафақат турли оддий буюмларни чизганда, балки табиатнинг энг мураккаб маҳсули бўлган инсон қоматининг турли ҳолатлардаги кўринишини бажаришда ҳам қўллашлари лозим.

Инсон портрети ёки танасини тасвирлашда талаба дастлабки курсларда, геометрик шаклларни чизиш даврида олган билим ва малакаларга асосланиши мухимдир. Чунки, табиатдаги барча нарсаларнинг асосида геометрик шакллар ётади. Геометрик шакл-текисликлар асосида тасвир бажариш, жумладан инсон қоматини чизиш ва конструктив таҳлил қилишга уйғониш даври рангтасвир, қаламтасвир устаси ва ҳайкалтароши Албрехт Дюрер асос солган


Буюк немис рассоми А.Дюрер тасвирий санъатни ўқитиш иетодикаси борасида кўплаб илмий – амалий кўрсатмалар қолдирган. Ижодий фаолиятда у нафақат ҳис туйғу ва кузатишларга, балки аниқ илмий билимларга асосланиши олдинга қўяди. Тасвирий санъатда илмий асослар деб таъкидлайди Дюрер, рассомнинг муваффақиятини белгилайди.

Инсон аъзолари ва қоматини перспектива жиҳатдан тўғри тасвирлашда у оддий геометрик шакллардан фойдаланишни ишлаб чиқсан. Бу усул қаламтасвир бажаришда катта малакага ега рассомдан тортиб, бадиий ижодга ендиғина қадам қўяётган ўқувчига ҳам жуда катта ёрдам беради. Чизувчи турли шакли геометрик сиртлар орқали мураккаб туюлган вазифани ҳам бажара олиши мумкин. Масалан, инсон бошини чизишда унинг шаклини катта-катта геометрик бўлаклар асосида тасаввур етиши ва уни худди ҳайкалтарош сингари кесиб ишлаши анча мухимдир.

Уйғониш даври рассомлари ўзларининг илмий кузатишлари тасвирий амалиётга кенг тадбиқ этганлар. Улар пластик анатомия, перспектива, ёруғ ва

соя қонунлари борасида кўплаб билимга эга бўлганлар ва ўзларининг буюк асарларини яратиб, уйғониш даври санъатини юқори чўққиларга олиб чиққанлар.

Ёш – рассомларни қаламтасвир борасида пухта билимли олишларида перспектива қонуни асослари, пластик анатомия кабилар билан бир қаторда уларга ёруғ-соя қонунларини ўргатиш ҳам катта аҳамиятга ега. Буюмларнинг чизиқли конструктив тузилишини аниқ бажарганларидан сўнг, унинг қандай материалларидан тузилганлиги, бир-бирига тус жихатдан нисбатларини, фазовий ҳолатини ва ҳажмини тўғри бажаришларида ёруғ-сояларининг аҳамияти муҳим.



Тутишлари керакки, ўқиш жараёни, хусусан қаламтасвир борасида, унинг ўзига хос илмий жихатларини мукаммал ўзлаштиришлари уларнинг кейинги ижодий фаолиятларида катта аҳамият касб етади.

Қаламтасвир машғулотларида буюмларнинг ҳажмини тўғри ва ҳаққоний тасвирилаш оддий қаламларда амалга оширилади. Рангтасвиридан фарқли

Табиатдаги мавжуд ҳамма буюм ва нарсалар турли ҳажмга ега бўлиб, биз уларга ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўладиган ўзгаришлари орқали қандай ҳажмга эга эканлигини тасаввур қиласиз.

Маълумки, ёруғлик табиий /куёш ва ой/, ёки суъний/ электр ва аланса шуъласи/ бўлади. Куёш нурлари бизгача ниҳоят даражада узоқдан келиб, унинг ёруғлик нурлари Ердаги барча нарса ва буюмларга сочилиб тушиб,/ асосан сферик шаклларда/ буюмда ёруғ ва соялар тарқоқ, нисбатан ноаниқ кўринади.

Нарсани ўзига қараб тасвирилашда суъний ёруғлик манбаларидан фойдаланиш буюмларнинг ҳажми ва шаклини тўғри бажаришда муҳимдир. Талабалар доимо шуни ёдда

ўлароқ бу вазифа анча мушкул бўлиб, талабалар зиммасига қаламтасвир борасида кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб етади. Шунинг учун, талабалар турли ҳажм ва шаклга ега буюмларнинг ёруғ ва сояларини тасвиrlанаётган буюмларнинг ҳажми ва шакли асосида иш юритишни тақоза етади.

Ўтмишда уста рассомлар табиатдаги ёруғ ва сояларнинг қонунини изчил кузатганлар ва ўзларининг амалий ишларида мувафаққият билан қўллай билганлар. Жумладан, машхур Леонардо да Винчи шундай дейди: "Тўқ тусли буюмда ҳосил бўлувчи акс ёргулик доимо очроқ тусдагига нисбатан аниқ ва яққол кўринади"².

Баъзи тасвирий санъатдаги амалиётчиларнинг фикрича, гуёки тасвриё фаолиятдаги илмий асослар талабаларнинг ижодий йўналишларига тўсқинлик қиласар ва салбий таъсир кўрсатар емиш. Уларнинг таъкидлашларига қўра, агар, талабалр тасвиrlашнинг илмий жиҳатлари асосида маълум вазифаларни бажарсалар, улар бажарган иш тасвиrlар ҳам бир хил даражада бўлар екан. Ушбу нотўғри тушунчани қуйидаги бир мисолда таҳлил етайдик. Талабалар бажараётган натюрморт қаламтасвири бошланғич босқчдан то охиригача педагог назоратида, унинг бевосита кўрсатмалари орқали бажарилса ҳам, вазифа тугал ҳолатга келганда талабалар ишининг ҳар бири бажарилиш услуби ва эмоционал жиҳатлари билан бир-биридан кескин фарқ клади.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, талабаларга қаламтасвир машғулотларини ўқитишда айрим педагоглар қаламтасвирда мавжуд илмий асосларга; перспектива қонунларига, қайишувчанлик анатомиясига ва ёруғ-соялар назариясига етарли ёътибор бермайдилар. Оқибатда талабалар ушбу қонун-қоидалардан бехабар қоладилар ва амалий вазифалар пухта бажарилмайди.

Олий ўқув юрти ўқитувчисининг асосий вазифаси талаба ёшларга мутахасислик фанлар бўйича: рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, халқ амалий санъати ва айниқса, қаламтасвир борасида кўплаб амалий ҳамда назарий билимлар бериш ва умумтаълим мактабларига юқори малакали мутахасис ўқитувчиларни тайёрлашдир.

Юқорида баён этилган фикрлардан хulosа шуки, талабаликка қабул қилинган ёшларга бошланғич курслардан бошлаб рангтасвир, композиция, ҳайкалтарошлиқ каби мутахасислик фанларнинг пухта ўзлаштирилишида

² Леонардо да Винчи. Книга о живописи. М., Огиз-Изогиз, 1935. 127-бет.

асос бошланғич ўқув қаламтасвири машғудлотларининг амалий жиҳатлари билан, унинг илмий назарий томонлари ҳам кенг ўқитилиши шарт.

Ўтмиш тарих шуни бизга аник мисолларда кўрсатадики, қадитмда буюк тасвирий санъат усталари ўзларининг асарларида тасвирлашнинг илмий асосларини кўллаш натижасида катта ютуқларга еришганлар. Флоренция мактаби рассомлари тасвирий санъатни илмий изланишлар қаторига кўйганлар ва биз биламизки бунинг натижасида бу ердан катта-катта буюк тасвирий санъат усталари етишиб чиқкан.

Буюмларни ўзига қараб тасвирлдаш – тасвирий, фаолиятнинг алифбосидир. Бунга умумтаълим мактаби бошланғич синфлардан, то олий ўқув юртлари талабаларигача ҳар доим амал қилишлари керак. Ёшлар нарсани ўзига қараб тасвирлаш давомида борлиқни ҳаққоний тасвирлаш билан бир қаторда табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни, шакларнинг конструктив тузилишларини, тасвирлдаш қонун-қоидалари асосида ўрганадилар. Буларни талаба ёшларга ўқитиша дидактив принципларнинг асосийси ҳисобланган – илмийлик принципи етакчи ўрин эгаллаши лозим.

Назорат саволлари:

1. Инсон қадди-қоматини ўтирган ҳолатини тасвирлаш осонми ёки тик турганиними?
2. Одам қоматини тик турганини тасвирлашда таянч нуқталарнинг ўрни қандай? Улар инсон танасининг қандай ерларида жойлашган?
3. Инсон танасини чизишида чизиқли перспектива қонун-қоидалари қандай қўлланади?
4. Одамни тасвирини "ракурс" ҳолатида чизиш деганда нимани тушунасиз? У қандай бўлади?
5. Одамнинг қоматини чизиб ўрганиш жараёнида қандай машқ босқичлари мавжуд? Улар асосан нечта? Ҳар бирининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Инсонни ўтирганини тасвирлаш осонми ёки ётган, ёки ёнбошлаган ҳолатиними? Улардаги фарқ ҳамда мураккабликлар нималарда кўзга ташланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. В.С.Кукушина. «Педагогические технологии». Москва: И.К.Ц. «МарТ» Ростов на –Дону, 2004 г.
2. В.М.Букатов. «Педагогические тайство дидактических игр». Москва: «Флинта», 2003 г.

5-амалий машғулот: Тасвирий санъатда пластик анатомиянинг ўрни.

Таянч иборалар: “Пластик анатомия”, Гиппократ, сужклар, пайлар,

мускуллар, Алкмеон Кротонский, «Қадимги медицина тұғрисида», «Суякларнинг синиши тұғрисида», Таянч тизими, Одам скелетининг тузилиши, суякларнинг бирикиши (бойламлар, тоғай ва чоклар, бүғимларнинг шакллари, уларнинг ҳаракатлари), Чаноқ камари ва эркин оёқ суяклари ҳамда уларнинг пластикаси, оёқ бүғимларининг ҳаракатлари, Бош скелети ва унинг пластикаси. Синдесмозлар, Синхондроз (Synchondrosis), Синостоз (Synostosis), энса суяги, ташқи энса дүмбоғи, чакка суяги чакка суягининг сүргічсімөн үсимтаси, ташқи эшитув йўли, паст жағ билан бирикадиган бўғим чуқурчаси паст жағнинг бўғим үсимтаси.


ГАВДА скелети. Гавда суяклари, бўғимлари, бирлашмалари, ҳаракатлари ва уларнинг пластикаси.



Гавда скелетига умуртқалар, ўн икки жуфт қовурға ва тўш суяги киради. Улар ғовак суяклардир. Умуртқалардан умуртқа поғонаси ҳосил бўлиб, бутун гавданинг ўқи ҳисобланади. Унга қовурғалар, чаноқ суяклари ва калла суяги бирикаб туради. Умуртқа поғонаси 33–34 та умуртқа суякларидан иборат (6-расм). Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум бўлимларига бўлинади. Умуртқа поғонасининг узунлиги ўртача 69–75 см, ёки тана узунлигини 40% ни, бўйин 13 см, кўкрак 30 см, бел 18 см, думғаза ва дум 12 см ташкил қиласи.


Бўйин умуртқаси 7 та бўлиб, юқоридаги 2 тасидан ташқари ҳаммаси ясси умуртқа, танаси кичкина, умуртқа равоғи учбурчак шаклида ва умуртқа тешигини чегаралаб туради. Умуртқа равоғидан юқорига ва пастга қараб, бўғим ўсиқлари чиқади ва орқа томонга ўтқир қиррали ўсиқ кетади.

Кўндаланг ўсиғи 2 та ўсиқдан иборат. Кўндаланг тешик бу ўсиқларни бир-биридан ажратиб туради, унинг олдинги томонида қовурға ўсиғи бор. Кўндаланг ўсиқда тешик борлиги барча бўйин умуртқаларнинг ҳарактерли белгисидир. Унинг юқори юзасидан чуқур эгат ўтади. Бунда орқа мия асаби ётади ва унинг олдинги ва орқадаги дўмбоқлари мавжуд. 6 бўйин



умуртқаси кўндаланг ўсиғидан олдинги дўмбоқчаси бошқа бўйин умуртқалардан кўпроқ ўсан ўша дўмбоқчада уйқу артерияси ўтади. Биринчи умуртқанинг ўткир қиррали ўсиғи йўқ. 2–6-сида эса улар айрили учли, 7- ўсиғи эса узун учи йўғонлашган бўлиб, уни тери остидан пайпаслаб топиш мумкин.

Кўкрак умуртқалари 12 та бўлиб, танаси ва юқори қисми, пастки бўғим ўсиқлари ўткир қиррали, кўндаланг ўсиқларга эса унинг таналарининг орқа ён юзаларида ва кўндаланг ўсиқларнинг учидаги кичкина қовурға чуқурчаларини бўғим юзалари бор. Улар 1, 11–12-умуртқалардир. Бошқаларида эса танасида юқори ва паст томонларида иккитадан ярим чуқурчалари бор. 11–12 қўкрак умуртқаларида биттадан, юқоридаги умуртқа суюкларида эса иккитадан умуртқа чуқурчалари мавжуд.



Бел умуртқалари 5 та бўлиб ўткир қиррали ўсиқ, бўғим ўсиқлари ва кўндаланг ўсиқлари тараққий этган. Бел умуртқаларининг кўндаланг ўсиқлари эволюция даврида қовурғаларга айланиб кетган,rudimentlarни кўриш мумкин.

Думғаза умуртқалари 5 та

бўлиб, катта одамларда улар қўшилиб, битта ягона думғаза суюгини ташкил этади. Думғазанинг чаноққа қараган ботиқ юзасида 4 та кўндаланг чизиги бор. У чизиклар қўшилиб кетган умуртқа таналарининг чегараларидир. Думғазанинг дорзал юзасида тикка йўналган ўткир бел қиррали ўсиқлар кўринади.

Дум суюги 4–5 та умуртқадан иборат бўлиб, вояга етган одамда қўшилган битта суюқdir. Дум суюгининг асоси ва пастга қараган учи бордир. Биринчи дум умуртқасининг кўндаланг ва юқори ўсиқлари бор. Улар ўзгариб шохларга айланган, яъни дум суюгининг мугузсимон тузилмаларидир. Умуртқанинг букилмалари қабариқ томони букилмасига лордоз, қабариқ букилмасига – кифоз дейилади. 2 та лордоз (бўйин ва бел бўлимида) ва 2 та кифоз (кўкрак ва думғаза бўлимида) бўлади.

А) Олдидан кўриниши 1. Қов суюги, 2. Тос суюги, 3. Тос чети, 4. Юқориги тос қилтиғи олдиндан кўриниши, 5. Остки тос қилтиғи олдиндан кўриниши, 6. Айланча чуқурлиги, 7. Қов дўнглиги, 8. Қов симфизи, 9. Ўтиргич суюги, Б)

Олдидан кўриниши 10. Ўтиргич дўнглиги, 11. Думғаза, 12. Дум суяги,

1-Қовургалар. 2-Курак. 3-Умуртқа поғонаси. 4-Қорни усти бурчаги. 5-ўмров. 6-Бўйинтуруқ чуқурчаси. 7-Тўш суягининг дастаси. 8-Тўш суягининг танаси. 9-Ханжарсимон ўсимтаси. 10-Куракнинг тумшуқсимон ўсимтаси

Қовургалар 12 жуфт ясси суяқдан иборат бўлиб, улар симметрик жойлашгандир. Улар юқоридан пастга қараб саналади. Унинг суяқ ҳамда тоғай қисми бор. қовурғанинг суяқ қисми узунроқдир. Орқа томонда жойлашади, олдинги қисмига тоғай қўшилади.

Тўш суяги кўкрак қафасининг олдинги деворидаги ясси суяқдир. У уч қисмдан иборат. Дастаси, танаси, ханжарсимон ўсиғи, олдинги ва орқадаги юзалари бор. Тўш суяги дастасининг бўйинтуруқ ўймаси мавжуд. Тўш суягининг ён юзаларида 7 жуфт қовурға тоғайи тўш суягига бирлаштиради. Тўш суяги $15-20^{\circ}$ бурчак асосида қийшиқ жойлашади. Аёлларда тўш суяги 2 см кичик бўлади.

Кўкрак қафасининг тузилиши

Қовурғаларнинг бошчаси умуртқаларнинг таналари билан, иккинчидан қовурғаларнинг дўмбоқчалари эса умуртқаларнинг кўндаланг ўсиқлари билан бўғим тузади. Бу бўғимлар бойламлар билан маҳкамланади. Биринчи қовурға тўш суяги билан узлуксиз бирлашма ҳосил қиласи. Қолган 6 та қовурға тўш суяги билан бўғим тузиб бирлашади ва бойламлар билан маҳкамланади.

Умуртқа поғонасидаги суяклар бир-бири билан бойламлар, пайлар, диск, тоғайлар билан бирлашади. Рассом ёки ҳайкалтарош одам гавдасини орқа томонидан яланғоч моделини яратишда умуртқа поғонасининг букмаларига ва қирра ўсиқларига эътибор бериши лозим. Бундан ташқари 7 бўйин, 3, 7 кўкрак, 4 бел, 1, 2 думғаза умуртқа суякларини ўсиқлари ва ёнбош суягини қирра ўсиғига қаралади.

Кўкрак қафасининг шакли ва ҳажми ҳар бир инсонда ўзига хослиги билан фарқланади. Аёлларда кўкрак қафаси тор ва калта. Чақалоқларда эса тўрт бурчакли пирамида шаклда ёки баъзи ҳолларда япалоқ ҳолатда учрайди.

Чаноқ камари ва эркин оёқ суяклари уамда уларнинг пластикаси

Оёқ скелетига чаноқ қамарининг суяклари ва эркин оёқ суяклари (сон, болдир ва панжа суяклари) киради. Чаноқ суяги 1 жуфт бўлиб, ҳар бири 3 та суякни бирлашишидан иборат: (ёнбош, қўймич ва қов суяги). Бу суяклар 16–18 ёшда чаноқ суяги бўлиб қўшилади.

Чаноқ суякларнинг бир-бирига қов бирикмаси, думғаза эса думғаза ёнбош бўғими, шунингдек бойламлар бирлаштиради. Думғаза ёнбош бўғими – думғаза ва ёнбош суякларнинг қулоқсимон юзаларидан ҳосил бўлади.

Бутун чаноқ. Иккита чаноқ суяги, думғаза ва дум суякларининг

күшилишидан ҳалқа сүяк ҳосил бўлади. Чаноқ 2 га: катта чаноқ ва кичик чаноқ бўшлиғига бўлинади. Каттаси ёнбош суюгининг қанотлари билан чегараланади. Кичик чаноқ бўшлиғининг 4 та девори бор. Олдинги девори – қов биримасида ва қов суюкларнинг бу биримага тақалиб турадиган қисмлардан ташкил топади. Орқа девори думғаза дум ва дум суюкларидан ҳосил бўлган, кам ҳаракатчан пишиқ бойламлар билан ўралган.

Думғаза – қов бирлашмаси ўрта чизикда бўлади. Бунда кўкрак қафаси верикал ҳолатда, унинг пастки қисми эса горизонтал ҳолатда ётади. Бир оёқда тик турганда бу ҳолат ўзгаради, тос суюгини олдинги ва орқа қирралари таянч нуқтаси таяниб турган оёғида юқори. Бошқа оёғига нисбатан, думғаза ва қов бойламлари ўрта чизигидан таяниб турган оёқ тарафга силжиган. Кўкрак қафаси ҳам ўша оёқ тарафга бироз орқароққа силжиган. Умуртқа поғонаси ва тўш суюги бироз таяниб турилган оёққа қараб қийшайган. Кўкрак қафасини остки қисми ҳам бироз фарқ қиласди. Шу ҳолатларини тасвирлаб ўрганиш лозим.

Сон суюги найсимон суюклар ичида энг узуни ҳисобланиб, ўрта ёшли инсонларда ўртача 43 см узунликда ёки бўйини 1/4 қисмига тўғри келади. Тана тикка тўғри турганида сон суюги бироз қия туради, верикал тос-сон бўғимини ҳолатига нисбатан, шунда 67^0 бурчак ҳосил қиласди. Аёлларда тос қисмини кенг бўлиши бу бурчак эгилишининг янада кўпроқ бўлишидан далолат беради. Бошқа найсимон суюкларга ўхшаш сон суюгининг ҳам танаси – диафизи ва икки учида йўғонлашган қисми – эпифизи мавжуд. Танаси цилиндрик шаклда олдинга бироз букилган уч қиррали думалоқ шаклда, орқа томонида бўйига қараб ғадир-будир қирраси мавжуд. Иккита лабсимон чизиклар пастга йўналиб тизза ости юзасини ҳосил қиласди.

Болдир суюклари иккита найсимон суюқдан, яъни медиал (ички) томонда жойлашган катта болдир ва латерал (ташқи) томонда жойлашган, кичик болдир суюгидан иборат.

Катта болдир суюги кичик болдир суюгига нисбатан катта бўлиб, юқори учи (эпифизи)да иккита медиал ва латерал дўнглари мавжуд. Иккала дўнг юқорисида сон суюги билан бўғим тузиш учун ботикроқ юза жойлашган

Кичик болдир суюги ингичка икки учи йўғон, юқорида – (проксимал учи эпифиз) суюк боши ва уни учи мавжуд. Медиал юзасида катта болдир суюгининг латерал дўнги билан бўғим тузувчи юзаси бор.

Оёқ панжаси суюклари. Улар учта бўлимга ажратилади: кафт олди, кафт ва бармоқлар. Кафт олди қисми 7 та калта ғовак суюклардан ташкил топган ва икки қатор жойлашган орқа ёки проксимал қатор – иккита суюк (товор ва ошиқ) олдинги ва дистал қаторда – қайиқсимон, кубсимон ва 3 та понасимон суюклардан тузилган .

Елка камари ва эркин қўл суяклари, уларнинг пластикаси.

Қўл скелети – елка камари (ўмров ва курак суяклари) ва эркин қўл (елка, билак ва панжа) суякларидан иборат. Елка қамари иккала томондан биттадан ўмров ва курак суякларидан тузилган. Ўмров суяги қўлни танага бирлаштириб турди, шаклан лотинча S ҳарфига ўхшаб букилган, узунлиги 15–17 см. ўмров суягининг пастки қисмида конуссимон дўмбоқчasi ва трапециясимон чизик жойлашган. Уни тўш суягига бирлашадиган учи ва бўғим юзаси ҳамда елка ўсиғига бўғим ҳосил қилиб бирлашадиган кичик бўғим юзаси мавжуд.

Елка камари суякларининг бирлашуви. Ўмров суягининг тўмтоқ учи тўш суяги дастаси билан қўшилиб тўш-ўмров бўғимни, иккинчи учи курак суягининг елка ўсиғига қўшилиб, елка ўсиғи-ўмров бўғимини ҳосил қиласди. Ўмров суягининг учи тўш суягининг дастасига мос келмаганлиги туфайли улар орасида тоғай диски ёрдамида бўғим бўшлиғи иккига бўлинган, шунга кўра ҳар тарафга эркин ҳаракат қила олади.

Қўлнинг эркин суяклари. Елка суяги найсимон суякларнинг узуни бўлиб, уни танаси, иккала учи улар ўртасида жойлашган метафизм мавжуд. Юқори учи шарсимон бошчasi ҳисобланади, унда анатомик бўйни ва уни пастроқ қисмида иккита дўмбоқчasi мавжуд. ҳар бир дўмбоқчадан пастга қараб биттадан ғадир-будир қирра (катта ва кичик дўмбок) кетган, улар орасида эгатча жойлашган. Дўмбоқчаларни пастки қисмида хирургик бўйни бор.

Билак суяклари. Тирсак ва билак суягидан иборат. Тирсак суяги қўлни медиал томонида жойлашган юқориги учи йўғон ғалтаксимон бўғим ўймаси бор. Тож ўсиғининг латерал томонида билак суягининг бошчasi билан бўғим тузиши учун ботиқ юзаси бор.

Қўл панжасининг суяклари: уч қисмдан – кафт усти, кафт ва бармоқ суякларга ажратилади. Кафт уст суяклари 4 тадан 2 қатор 8 та суяқdir. Биринчи қаторда бош бармоқдан ҳисобланганда қайиқсимон, яrim ойсимон, уч қиррали ва нўхатсимон суяклар. Иккинчи қаторида эса трапеция, трапециясимон, бошчали ва илмокли суяклар киради.

Кафт суяклари 5 та найсимон суяқдан иборат. Бу суякларни танаси, туби ва бошчasi мавжуд. Кафт суякларининг учидаги бўғим юзалари ясси кафт усти суяклари билан қўшилиб, ёнбош юзалари бир-бири билан бўғим ҳосил қилиб бирлашади.

Бош скелети ва унинг пластикаси.

Бош скелети мия ва юз бўлимидан иборат. Мия бўлимига (8 та суяқ) пешона, энса, тепа, ғалвирсимон, понасимон чакка суяклари киради. Каллани

юз бўлимига (15 та суяк) юқори ва пастки жағ, танглай, ёноқ, бурун, кўз ёши, димок ва тил ости суяклари киради. Калла қопқоғи зич моддадан тузилган ташқи пластинкаси ва ички шишасимон пластинкаси бўлиб, улар орасида юпка ғовак модда жойлашган.

Тена суяги – 1 жуфт калла қопқоғини ўрта қисмини ташкил этади. Тена суяк тўрт қиррали ва тўрт бурчакли, сиртидан гумбазсимон бўртиб чиқкан пластинка шаклда. Унинг олдинги чеккаси пешона суягининг палласига, юқори чеккаси иккинчи томондаги тепа суягининг худди шундай чеккаси билан ўрта чизиқда бирлашади.

Энса суяги калла қопқоғининг орқа пастки томони ва асосини ташкил қиласди. У олдинги томондан понасимон суякка, тепа ва чакка суякларига бирлашган. Энса суягининг катта энса тешиги орқали умуртқа каналига кўшилади.

Чакка суяги бир жуфт бўлиб аралаш суяқдир. Чакка суяк тўрт қисмдан иборат (палла, ноғора, пирамида ва сўргичсимон). Палланинг ташқи юзаси силлиқ бўлиб, чакка чукурчасини ҳосил қиласди ундан ёноқ ўсиғи ёноқ суяги билан бирлашади.

Ногора қисми – пластинкадан иборат, чакка суяги ташқи эшитув йўлининг олди ва орқа томони чегаралаб туради. Пирамида қисмидан эшитув мувозанатни сақловчи аъзолардир.

Сўргичсимон ўсиқ йўғон тортган бўлиб, озғин одамларда пайпаслаб топилади. Сўргичсимон ўсиқ бағрида сўргичсимон ғор бор. Бу кавак бошқа майдароқ бўшлиқлар билан туташиб кетади. Сўргичсимон ғор ва катаклар ноғора бўшлиғига туташган ичига ҳаво тўлган.

Понасимон ёки асосий суяк. Бу суяк тоқ бўлиб деярли ҳамма бош скелетининг ичидаги ётади; унинг ён қисмлари ўнг ва чап томонида ташқарига чиқади ва орқа томонда энса

Бош суягининг юз қисми.

Калла суягининг юз қисми юқорида пешона суягининг пастки (кўз косаси устидаги) четидан бошланиб, икки ён томонида ёноқ суяклари билан чекланади ва пастда пастки жағ билан туташади. Бундан ташқари унинг таркиби жуфт ҳолдаги иккала юқори жағсузяклари ва жуфт ҳолдаги иккита бурун суячалари киради.

Ёноқ суяги жуфт бўлиб, ёноқ дўмпаймасини ҳосил қиласди. Юқори томонда у пешона суяги билан туташиб, орбита (кўз косаси) нинг ташқи деворини ҳосил қиласа, орқа томонда понасимон ва чакка суяк билан бирикиб, суяк кўприкчаси-ёноқ равофини ташкил қиласди. Юзниг олдинги сиртида ёноқ суяги юқори жағсузяги билан қўшилиб кетган.

Юқори жағ суяги юз сиртининг қаттиқ асоси сифатида хизмат

қиласынан жуфт сүяк бўлиб, кўзлар билан оғиз орасида жойлашгандир. Юқори томонда сүяк юзаси кўз косаси ичига кайрилиб, унинг пастки деворини ҳосил қиласы; ички томондан юқорига кўтарилиб чиқадиган пешона ўсимтаси пешона сүяги билан қўшилиб кетади. ўнг ва чап пешона ўсимталари жуфт ҳолдаги иккита бурун сүякчалари учун таянч бўлиб хизмат қиласы

Бурун сүякчалари жуфт бўлиб, ўрта чизик бўйлаб бир-бири билан қўшилади ва юқорида айтилганидек, бурун қиррасининг сүякли қисмини ҳосил қиласы. Улар ташқи четлари билан юқори жағсүякларининг четларига қўшилиб кетган, орқа томонда эса бурунни икки қисмга бўладиган, сүяк ҳамда тоғайдан тузилган бурун тўсиғига тақалиб туради. Бурун қаттиқ асосининг қолган ҳаракатчан қисми тоғайлардан ташкил топган.

Пастки жаг. Тоқ сүяк. Асосий қисми-пастки жағтанаси такасимон шаклда. Пастки жағтанаси олдинги юзасининг ўртасида энгак кўтармаси бор, пастда ундан ўнг ва чап томонда иккита энгак дўмбоғи жойлашган.

Инсон гавдасини ёки уни айрим қисмларининг моделини ёки расмини яратишида энг аввало ҳар тарафлама ўрганиб айниқса юз қисмларидаги айрим сүяк, мускулларининг айрим анатомик элементларига алоҳида эътибор берилади. Аёлларни бошини юқори қисми бир мунча катта, калла сүяклари кичикроқ, пешона дўнги яхши ривожланган, қош усти ёйи сезиларсиз ҳолатда бўлиши билан эркаклардан фарқ қиласы. Эркак кишининг пешонаси бир мунча нишоб аёлларда эса тикдир.

Назорат саволлари:

1. Одам расмини хона ичида (интеръерда) тасвирлашда перспектива (чизиқли ҳамда фазовий) масалалари, уни ифода этиш йўллари қандай ҳал этилади?
2. Одам қоматини кийим билан ва кийимсиз тасвирлаш машқларида учрайдиган ўзига хос фарқлар нималарда аён кўринади?
3. Қоматни тасвирлашда унинг бош, шунингдек юқори ва пастки ҳаракат, таянч аъзоларини экс эттиришга қандай ўрин ажратилади?
4. Одам расмини чизишда уфқ чизиғи ва кўриш нутқасининг ўрни, аҳамияти нимада?
5. Ёддан ва тасаввурга асосланиб одам расмини чизишни ўрганиш учун қандай назарий ҳамда амалий машқлар бажарилади?
6. Динамик ва статик ҳолатдаги қиёфачини тасвирлашдаги фарқлар нималардан иборат?

7. Одамни тўғридан тасвирлаб сўнг уни тасавурга асосланиб орқа томонидан кўринишини тасвирлаш мумкинми? У қандай амалга оширилиши лозим?

8. Абстракт тасавурга асосланиб одамнинг турли ҳолат ва вазиятларини аввалдан кўриб, кузатмай ҳам тасвирлаш мумкинми?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. P.Thomas, A.Taylor Drawing, London-2011
2. B.Barber “Full course of the drawing”, Barselona-2014.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Кейс баёни. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.

Кейс топшириғи: таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

Босқичлар	Вазифалар
1-bosқич	- талабалар фаолиятини назорат қилиш;
2-bosқич	- талабалар фаолиятини ташхислаш;
3-bosқич	- лойиҳани яратиш;
4-bosқич	- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-bosқич	- педагогик жараённи ташкил этиш

Кейс топшириғини бажариш учун иш қофози:



2. Кейс баёни. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга оид таълим инновациялари ҳам бир неча гурухларга бўлинади.


Кейс топшириғи: берилган таълим инновацияларини тегишли турлар бўйича белгиланг.



Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

Ўқитувчининг жавоби:



3. Кейс баёни. Таълим тизимида “новация” ва “инновация” тушунчалари қўлланилади. Ҳар икки тушунча турли ҳолатларни ифодалайди. Бунинг натижасида улар ўртасидаги фарқларни аниқ кўриш мумкин бўлади.

Кейс топшириғи: Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни топинг.

Кейс топшириғини бажариш учун иш қофози:

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вакт бўйича чегараланади; методлар янгиланади; 3) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойихалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

4. Кейс баёни. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишнинг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана

шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ЕСТС-кредит) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

Кейс саволи: кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни 1-, 2- ёки 3-уринища топширишними ёки маълум ўқув фанини талабага юқлатиладиган юкланма ҳажми (мехнат сарфи)дан келиб чиқсан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда ўзлаштириш ва ҳар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтишними?

Ўқитувчининг жавоби. Кредит маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринища топширишни англатмайди. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниши эмас. Балки бир ўқув фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

5. Кейс баёни. Ўйинлар педагогик мақсадда ҳам қўлланилади ва улар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётӣ вокелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласи. Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади. Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни муайян тартибда гурухлаштирган.

Кейс топшириғи: қуйидаги келтирилган педагогик ўйинларни машҳур педагог Г.К.Селевко томонидан тавсия этилган схемада қайта ифодаланг.

1. Продуктив, репродуктив ва ижодий ўйинлар.
2. Жисмоний ўйинлар.

3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи ўйинлар.
5. Ишбилиармонлик ўйинлари.
6. Мулоқотга асосланувчи, ташхисловчи, касбга йўналтирувчи, психологик-техник ўйинлар.
7. Мехнат, техник, ишлаб чиқаришга доир ўйинлар.
8. Компьютер, телевизон ва техник воситаларга асосланувчи ўйинлар.
9. Стол ўйинлари, хона ўйинлари, кўча ўйинлари, жой билан боғлиқ ўйинлар.
10. Мехнат ўйинлари.
11. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ўйинлар.
12. Дидактик ўйинлар.
13. Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайёҳлик, халқона ўйинлар.
14. Имитацион ўйинлар.
15. Ролли ўйинлар.
16. Сюжетли ўйинлар.
17. Техник ва харакатни таъминловчи ўйинлар.
18. Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тижорат характеристидаги ўйинлар.


Педагогик ўйинлар				
Фаолият мөхиятига кўра				
Педагогик жараённинг характеристига кўра				
Ўйин методикасига кўра				
Фан соҳаларига кўра				
Ўйин мухитига кўра				

6. Кейс баёни. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг кўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси

инглиз тилидан таржима қилинганда (“вебинар” – веб-басед семинар) веб-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода веб-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айрим ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишига ҳам хизмат қиласди.

Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян қўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

Ўқитувчининг жавоби:



(вебинар дарснинг Интернет тармоғиги орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилиши)нинг ҳал қилиниши вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

6. Кейс баёни. Инновацион жараёнларни бошқариш ўз мазмунига эга. Тадқиқотчилар инновацион жараёнларни характерловчи бир қатор моделларни яратишган. Ҳар бир моделда инновацион жараённинг у ёки бу жиҳатлари акс этади.

Кейс саволи: кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

1. Ўқитувчининг жавоби: вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Алгоритм	Модул таълими таркибий бўлакларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараённи амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-коидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
Аралаш модел	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
Аралаш ўқитиш	Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи рахбарлигида гурухда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
“Ассесмент” технологияси	Талабаларнинг билим, кўникум ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Ахборотли лойиҳалар	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишига йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
Валидация	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки	Satisfaction of interests of customers in

	таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	educational and service system
Вебинар технология	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳсмунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
Дарс ишланмаси	Таълимий мазмунга эга лойиха ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Дастурий таълим	1) ўқитишининг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўкув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўкув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies
Драматик ўйинлар	Психологик ҳамда	Games intended for

	ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	solving psychologic and social issues
Дидактик ўйинлар	Ўрганилаётган обьект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўкув фаолияти тури	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
Ижодий лойиҳалар	Индивиуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Имитацион ўйинлар	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories

Инвигилатор	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
Индивидуал таълим	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) биланўзаро ҳамкорлиги асосида ўкув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
Инновацион таълим	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
Инновацион фаолият	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards

	келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	
Инновация	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро харакатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
Ишбилармонлик ўйинлари	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
“Кейс-стади” технологияси	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул варианatlарини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласидиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Компьютер таълими	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme

	<p>педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим</p>	and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Компьютер таълими технологиялари	<p>Талабаларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи</p>	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Консорциум	<p>Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма</p>	A union of two universities that organize a distance learning
Лойихалаш	<p>Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган</p>	An action aimed at developing the essence of an activity or process, acivity model by assuming, predicting,

	натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат	planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
Лойиха	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиха методи	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
Лойиха таълими	Таълимий ҳарактердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
Масофавий таълим	Муайян нуқтадан	Education aimed at using

	ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим	study resources based on innovational form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)
Масофавий таълим технологиялари	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
Маҳорат дарслари	Очиқ ташкил этилиб, илгор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилан самарали ўқитиши шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
Модератор	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сұхбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
Моделлаштириш	Ходиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system

Модел	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (кattalaштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
Модернизация	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
Модул	1) тизим ичидағи ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
Модул таълими	Ўқув жараёнини ташкил этишининг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
Муаммоли вазият	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills,

	этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	knowledge for successful and effective accomplishment
Муаммоли маъруза	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммоли таълим технологиялари	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммо	Ҳал қилиниши мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган	an issue that has practical and theoretical significance and needs to

	масала	be dealt with or solved
Мустақил таълим	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs
Новация	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
Педагогик муаммо	Хал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
“Портфолио”	Автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
Репетиторлик таълими	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
Ривожланиш	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in

	бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	individual's physiological and intellectual development
Ривожлантирувчи таълим	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
Ролли ўйинлар	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
Сюжетли ўйинлар	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ваунда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
Тадқиқот лойиҳалари	Илмий изланиш характерига эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment

Таълим инновациялари	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
Таянч конспект	Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикили тасвир (кисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект	A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schemes, charts)
Таълим тизимини модернизациялаш	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Технологик модел (паспорт)	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological

	хужжат	characteristics
Технологик харита	Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Тьютор	Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer
Узоқлаштирилган аудиториялар	Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшилтириш кўринишида узатилиши	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums
Фасилитатор	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гурухларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication

	мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гурӯҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	occurring in groups, effectively and objectively asseses activity of groups
Франчайзинг	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other univerisities for carrying out distance learning courses
Шахсга йўналтирилган таълим	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individaul
Эдвайзер	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
Ўйин	Кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by

	(кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	children
Ўйин технологиялари (ўйин таълими)	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси	<p>1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;</p> <p>2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;</p> <p>3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита</p>	<p>1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product;</p> <p>2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge;</p> <p>3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence</p>

Ўқув топшириклари	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиласиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject
Ҳамкорлик таълими	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик груп ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзароривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
Ҳамкорлик таълими технологиялари	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик груп ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзароривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

4. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000. – 218 б.
5. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
9. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологияк таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
10. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
11. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. -95 б.
12. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
13. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. – 245б.
14. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
15. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. I том. –Т.: Ўқитувчи,1987.
16. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. II том. – Т.: Санъат, 2001.
17. 23. Абдирасилов С., Толипов Н. Рангтасвир. -Т.: Билим, УМКХТМ. 2005.
18. Абдурахмонов F.М. Композиция асослари – Т.: “ТДПУ”, 2008.
19. Байметов Б. Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия. – Т.: “Иқтисодмолия” 2007.
20. Байметов Б. Қаламтасвир. ОЎЮ талабалари учун дарслик. Мусика, -Т.;
21. Байметов Б., Толипов Н., Абдирасилов С. Тасвирий санъат. Чўлпон, -Т.: 2006.
22. Кузин В. С. Психология. 2-е изд. перераб. и доп. М.: Высшая школа, 1982.

23. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўқитувчи, 1997. -96 б.
24. Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. -234 б., ил.
25. Қосимов Қ.. Наққошлиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
22. С.Л.Витман. «Педагогика в вопросах и ответах», 2006г.
23. В.С.Кукушина. «Педагогические технологии». Москва: И.К.Ц. «МарТ» Ростов на –Дону, 2004 г.
24. В.М.Букатов. «Педагогические тайство дидактических игр». Москва: «Флинта», 2003 г.
- 25.P.Thomas, A.Taylor Drawing, London-2011
- 26.B.Barber “Full course of the drawing”, Barselona-2014.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.asi.uz.
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. ЎзРес.ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. www.Ziyonet.uz
6. Инфосом.уз электрон журнали: www.infocom.uz